

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ
ХУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ВА МАЪРИФАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ
ОРГАНЛАРИ ИШЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ
ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ДАВЛАТ САРИ

**Тошкент
“Адолат”
2013**

УЎК: 342.4(575.1)

КБК 67.400(5Ў)

Ў-26

Ў-26

Ўзбекистон конституциявий давлат сари/тузувчилар: А. Саидов, Ф. Мирзо; масъул муҳаррир Н. Йўлдошев; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги; Республика Маънавият ва маърифат кенгаши; Республика Маънавият тарғибот маркази; Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. – Тошкент: Адолат, 2013. – 176 бет.

ISBN 978-9943-394-68-1

УЎК: 342.4(575.1)

КБК 67.400(5Ў)

Тузувчилар:

Акмал Саидов,

профессор, юридик фанлар доктори;

Ғулوم Мирзо,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Масъул муҳаррир:

Ниғматилла Йўлдошев,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Ушбу китоб Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **“Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир”** номли маърузаси моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш мақсадида тайёрланди.

Тўпلامда давлатимиз раҳбарининг маърузасида келтирилган, Ватанимиз тараққиётининг тарихий шарт-шароитлари, ҳозирги саодатли кунлар ва ёруғ истиқболимиз, халқимизнинг бунёдкорлик руҳи, улкан салоҳиятига оид баҳо ва хулосалар, аниқ тахлилий факт ва маълумотлардан фойдаланилган. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси, конституциявий давлат тузумининг туб маъно-мазмунни, ноёб қирралари атрофлича, қизиқарли ва раво тилда очиб берилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, олий ва ўрта махсус, касб-хунар, халқ таълими муассасалари, вазирликлар, ташкилот ва корхоналарнинг маънавият ва маърифат, ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича масъул ходимлари, ҳуқуқ ва маънавият тарғиботчиларига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-394-68-1

© А.Х.Саидов, Ф.Мирзо, 2013.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” нашриёти, 2013.

“Конституция жамият ҳаётининг пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг асосидир. Ишонаманки, унинг кечаётган кунимизга таъсирини, озодлигимиз, эркинлигимизнинг ҳуқуқий кафолати эканини шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро сезиб, ҳис этиб турибди”¹.

Ислом Каримов

МУҚАДДИМА

Истиқлолимизнинг энг буюк ютуқларидан бири – юртимизда тарихан қисқа муддатда миллий давлатчилигимиз ҳуқуқий пойдевори яратилгани билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Миллий давлатчилигимизнинг энг муҳим қадриятларини белгилаб берадиган Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий ҳуқуқий тамойиллари ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиб, улар орасида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши ҳал қилувчи қоида сифатида муҳрлаб қўйилган.

Ана шундай мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор асосида мамлакатимизда туб ислохотлар амалга оширилди, давлат ва хўжалик бошқарувининг таркибий тузилиши модернизация қилинди ва янгиланди, жойларда ҳокимлик институти жорий этилиб, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими – маҳалла институти ривожланди ва мустаҳкамланди.

Диёримизда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти асослари яратилиб, янгича иқтисодий муносабатлар механизмлари жорий этилди, тегишли инфратузилма институтлари ташкил этилди, бугунги талабларга жавоб берадиган мутлақо янги молия ва икки босқичли замонавий банк тизимлари шакллантирилиб, иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида чуқур ислохотлар амалга оширилди.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

Мустақиллик йилларида юртимизда мулкый муносабатлар соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимизда амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланиш имкониятига эга бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизда нафақат ҳал қилувчи ўринни эгаллади, балки, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини юксалтиришнинг асосий манбаи, аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омилига айланди.

Ўзгаларнинг ҳавасини уйғотаётган бундай иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни янгилаш, демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва бутун мамлакатимизни модернизация қилишда жаҳонда ўхшаши бўлмаган **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** ва **“Мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”**нинг жорий этилиши, мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга давлат томонидан катта эътибор берилётгани улкан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ижобий маънодаги портлаш эффектига олиб келди.

Бугун ҳеч кимдан кам бўлмай, замонавий билим ва касб-ҳунар асосларини эгаллаб вояга етаётган йигит-қизларимизнинг таълим, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришаётган дастлабки умидбахш ютуқлари буни яққол тасдиқлаб турибди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишга қаратилган давлат дастурлари ва чора-тадбирлар тизими амалга оширилгани ва аҳолини ҳимоя қилиш бўйича кучли ижтимоий сиёсат юритилгани ҳам биз учун олий қадрият бўлмиш инсон манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **“Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир”** номли маърузасида қайд этилганидек, айти шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, “ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт модели мужассам.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Конституция **“халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб, миллий давлат-**

чилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдеворини”² яратиб берди.

Қўлингиздаги китобда мамлакатимизда истиқлол йилларида Конституциямиз асосида босқичма-босқич ва изчил амалга оширилган ҳаётбахш ислохотлар ҳамда конституциявий жараёнлар, Ватанимиз тараққиётининг тарихий шарт-шароитлари, ҳозирги саодатли кунлар ва ёруғ истиқболимиз, халқимизнинг бунёдкорлик руҳи, улкан салоҳияти ҳақида сўз боради.

Президентимиз маърузасида кўтарилган долзарб масалалар, ўткир фикр ва ғоялар, белгилаб берилган устувор вазифаларнинг туб мазмуни ва аҳамиятини атрофлича ёритишда аниқ таҳлилий факт ва маълумотлардан фойдаланилган.

² Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир: Ўзбекистон Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2012 йил 7 декабрь / И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 3-бет.

“Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустақкам асосга эга эканини яққол намоён этади”³.

Ислом Каримов

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ

(Мустақиллик Қомуси сари ўн ҳуқуқий қадам)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи ҳақида сўз юритишдан олдин **“Конституция нима?”** деган саволга жавоб бериш мақсадга мувофиқдир.

Конституция (лотинча “Constitution” – тузилиш, тузук) – давлатнинг Асосий Қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

“Конституция” атамаси Қадимги Римдаёқ маълум бўлган (император Конституцияси деб аталган қонун). Амир Темур “Тузуқлар”и Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлган. У шариат қонунлари билан бир қаторда Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган.

Асосий Қонунимиз яратилишининг мураккаб ва муҳим, айни чоғда шарафли солномасига назар солар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканига комил ишонч ҳосил қиламиз⁴.

³ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 3–4-бетлар.

⁴ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 147–148; 150 – 164; 231 – 233; 405 – 408; 422–423-бетлар.

Авваламбор, конституциявий “бино”ни куришда уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянилган. Бугунги Ўзбекистон қадимги Хоразм ва Сўғдиёна, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар, ўзбек хонликлари, маърифатпарвар аждодларимиз, халқимизнинг тарихий анъаналари ва унинг мустақил давлат ҳақидаги кўп асрли орзусини мужассам этган.

Қолаверса, манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда, Асосий Қонунимиз Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолнинг 97 та мамлакати тўплаган илғор конституциявий тажрибани ҳисобга олиб яратилган⁵.

Шу ўринда Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини тайёрлаш, муҳокама этиш, қабул қилиш ва унинг амал қилиши йўлидаги 10 та ҳуқуқий қадамни бу борадаги энг муҳим тарихий воқеалар сифатида санаб ўтиш лозим. Зотан, **Конституцияни яратиш тарихи – бу мустақиллик учун курашнинг узвий таркибий қисмидир.**

Конституцияни яратиш йўлидаги биринчи ҳуқуқий қадам – ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилишидир.

Бу ҳақда гап борганда, авваламбор, 1989 йилнинг 21 октябрь куни қизғин баҳс ва тортишувлардан сўнг сиёсий-маънавий ҳаётимиздаги унутилмас ҳодиса амалга оширилгани – миллий кадриятларимизнинг асосий устунларидан бири бўлган она тилимизга давлат тили мақомининг берилгани истиқлол тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир⁶.

“Ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади”⁷. “Ҳар қайси миллат, катта ё кичиклигидан қатъи назар, ўз она тилини ҳурмат қилади”⁸.

Президентимизнинг **“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”** асарларида мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш

⁵ Қаранг: Саидов А.Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни. – Т.: Билим, 1992. – 48 бет.

⁶ Каримов И.А. Тил элни бирлаштириши лозим // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 66 – 71-бетлар.

⁷ Ўша жойда. – 69-бет.

⁸ Ўша жойда. – 70-бет.

масаласида қандай қизгин, баъзида кескин ва мурасасиз баҳслар бўлиб ўтгани алоҳида эслаб ўтилгани бежиз эмас.

Ўшандай қалтис ва мураккаб вазиятда, Ислом Каримов ҳақи равишда қайд этганидек: “оғир-вазминлик билан иш тутиб, ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза қилиб, барча сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг талабларини қондирадиган, энг муҳими, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни топишга эришдик”⁹.

Шундай қилиб даставвал, “**Давлат тили тўғрисида**”ги қонунда мустақамланган муҳим ҳуқуқий қоидалар эндиликда Асосий Қонунимининг 4-моддасида қуйидагича муҳрлаб қўйилди:

“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”¹⁰.

Конституцияни яратиш йўлидаги иккинчи ҳуқуқий қадам – Президентлик институтининг таъсис этилиши ва янги давлат рамзларини тайёрлаш бўйича комиссия тузилиши билан боғлиқ.

Юртимиз ҳаётидаги бу ғоят муҳим ва ҳаяжонли воқеалар 1990 йилнинг март ойида бўлиб ўтганини эслаш жоиз. Ўшанда, яъни мустақиллигимиз эълон қилинишидан бирмунча вақт олдин, ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида собик иттифоқ таркибидаги республикада Президентлик лавозими жорий этилди, давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилиниб, бу борада махсус комиссия тузилди¹¹. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини яратиш ғояси илк бор ана шу сессияда илгари сурилди.

Конституцияни яратиш йўлидаги учинчи ҳуқуқий қадам – “Мустақиллик декларацияси”нинг эълон қилинишидир¹².

Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1990 йил 20 июнда эълон қилинган “**Мустақиллик декларацияси**”нинг 8-бандида Ўзбекистон “**ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва**

⁹ Каримов И. А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 84–85-бетлар.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 4-бет.

¹¹ Ўзбекистонда Президент институтининг жорий этилиши тўғрисида // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 147–148-бетлар.

¹² Мустақиллик декларацияси // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 231 – 233-бетлар.

давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади¹³, деган қоида мустахкамланган.

Декларациянинг 12-бандида эса, ушбу ҳужжат республиканинг **“янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос”**¹⁴ бўлиши қайд этилган.

Ўшанда бундай мазмундаги ҳужжат собиқ иттифок ҳудудида биринчи бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинган эди.

Конституцияни яратиш йўлидаги тўртинчи ҳуқуқий қадам – Конституциявий комиссиянинг ташкил этилишига бориб тақалади.

Олий Кенгаш қарори билан 1990 йил 21 июнь куни Президент Ислом Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилди ва Конституция лойиҳаси ана шу комиссия томонидан 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланди¹⁵.

Президентимиз Конституциявий комиссия иш бошлаши билан мамлакатимизнинг ўзига хос жиҳатларини ва хусусиятини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлашга бевосита раҳбарлик қилди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда Президентимиз буюк давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли сиёсий етакчи сифатида намоён бўлди. Шу маънода, Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, илҳомлантирувчиси ва асосий муаллифи мамлакат Президенти ҳисобланади¹⁶.

Бинобарин, тақдир Ислом Каримов зиммасига жамиятни янгилаш, ўтиш даврининг мураккаб шароитида давлатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий жиҳатдан ривожлантиришнинг пишиб етилган муаммоларини ҳал қилиш, жумладан, бўлажак мустақил юрт Конституциясини яратиш каби тарихий вазифаларни юклаган эди.

¹³ Мустақиллик декларацияси // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 232-бет.

¹⁴ Ўша жойда. – 232-бет.

¹⁵ Уразаев Ш.З. Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан // Народное слово, 1992, 26 декабрь; Уразаев Ш.З. Конституция независимого Узбекистана. – Т.: Адолат, 1993.

¹⁶ Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: мустақил ва демократик тараққиётнинг ҳуқуқий асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 7 – 15-бетлар.

Конституцияни яратиш йўлидаги бешинчи ҳуқуқий қадам – Президентимизнинг Ҳиндистонга 1991 йилги ташрифи билан чамбарчас боғлиқ.

Айтиш керакки, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1991 йил 17–19 август кунлари **“Ҳиндистон Республикасига расмий ташрифи Ўзбекистон Президентининг хорижга қилган биринчи мустақил – тарихий ташрифи эди”**¹⁷. Юртбошимиз Ҳиндистонда бўлган бир пайтда – 19 август куни ўзини “Давлат фавқулодда ҳолат қўмитаси”, яъни ГКЧП деб атаган бир гуруҳ сиёсий авантюристларнинг иттифоқ ҳудудида давлат тўнтаришини содир этишга қаратилган мурожаати эълон қилинди.

Афсуски, Ўзбекистон раҳбарининг сафарда эканидан фойдаланиб, ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўллаб-қувватлайдиган раҳбарлар юртимизда ҳам топилди. Тарих бунга яхши эслайди.

Бу воқеаларнинг давоми **“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”** китобининг сўзбоши қисмида шундай баён этилган:

“Президент Ислом Каримов ГКЧП эълон қилинганини Аграда эшитиб, 19 август куни зудлик билан Тошкентга қайтади. Тошкент аэропортида Юртбошимизни расмий кишилардан ташқари, Туркистон ҳарбий округи бош қўмондони ҳамда Марказдан келган 3 нафар генерал кутиб олади.

Бу ўша пайтдаги мавжуд расмий протокол қодаларига мутлақо зид бўлиб, тагдор сиёсий маънога эга эди.

Ислом Каримов аэропортдан тўғри ҳукумат биносига келиб, кечкурун ҳукумат аъзолари билан учрашди ҳамда Ўзбекистон ССР ҳудудида ГКЧПнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ҳақида кўрсатма берди. Шу тариқа ГКЧП гумашталари Ўзбекистон ҳукумати номидан қабул қилган барча ҳужжатларни бекор қилди”¹⁸.

Яқин ўтмишнинг бу воқеаларини эслаш ва эслатишдан муддао янги Конституциямизни яратиш йўлидаги курашлар мустақиллик учун курашнинг узвий, ажралмас қисми эканлигини эътироф этишдан иборат. Зеро, биз ўз истиқлолимизни қандай қийинчиликлар билан,

¹⁷ Ҳиндистонга меҳр билан. “The Times of India” газетаси муҳбири саволларига жавоблар // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 358 – 364-бетлар.

¹⁸ Ҳиндистонга меҳр билан. “The Times of India” газетаси муҳбири саволларига жавоблар // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 23-бет.

қандай синов ва суронли курашлар билан қўлга киритган бўлсак, Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини яратиш йўлида ҳам худди шундай мураккаб синовларни бошдан кечирдик.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол арафасида вужудга келган оғир шароит, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликларга, турли тўсиқларга қарамасдан, халқимиз Президент Ислоҳ Каримов бошчилигида ўзининг асрий орзуси – Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллиги сари қатъият билан ҳаракат қилишда давом этди¹⁹.

Ўша беором даврда қабул қилинган Президент фармон ва қарорларида акс этган муҳим ҳуқуқ ва қоидалар кейинчалик Конституциямизнинг асосий бўлими, боб ва моддалари сифатида мустақкамланди.

Конституцияни яратиш йўлидаги олтинчи ҳуқуқий қадам – Давлат мустақиллигининг эълон қилинишидир.

Мамлакатимиз раҳбарининг 1991 йил 31 августда, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи, айниқса, ўша нутқдаги: **“Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман”**²⁰, деган оташин сўзлари Ватанимиз тарихига олтин ҳарфлар билан мангуга ёзилгандир.

Президентимиз орадан 17 йил ўтганидан сўнг ўзининг **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** асарида ана шу ҳаяжонли воқеага: **“1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик – XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”**²¹, дея юксак баҳо берди.

Худди ўша куни Олий Кенгаш **Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Баёнот** қабул қилди. Баёнотда таъкидландики, **“Бундан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика Конституцияси ва қонунлари шакл-шубҳасиз устун деб эътироф этилади”**.

¹⁹ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримовнинг республика аҳолисига Муурожаати // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 365 – 369-бетлар.

²⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 404-бет.

²¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 85-бет.

Шу куни “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонун²² қабул қилинди. Ундан бўлажак Конституциянинг ўзак қоидаларини ўзида акс эттирган бир қатор муҳим моддалар жой олди. Жумладан, мазкур Қонунга мувофиқ:

“Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди” (3-модда)²³;

“Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси Давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади” (5-модда)²⁴.

Бу Конституциявий қонун Асосий Қонунимиз қабул қилингунига қадар, яъни 1992 йил 8 декабргача биз учун кичик Конституция вазифасини бажариб турди.

Конституцияни яратиш йўлидаги еттинчи ҳуқуқий қадам – 1991 йил 29 декабрда Президент сайлови ва Давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумнинг ўтказилишига тааллуқли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум 1991 йил 29 декабрда бўлиб ўтди. Халқ давлат мустақиллигини қўллаб овоз берди ва Президентни сайлади. 1992 йил 4 январь куни Олий Кенгашнинг ана шу сайлов ва референдум яқунларига бағишланган тўққизинчи сессияси очилди²⁵.

Сўнгра Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришиш тантанали маросими бўлди²⁶. Ушбу сессияда Ўзбекистоннинг ўша пайтда амалда бўлган Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида қонун қабул қилинди²⁷.

²² Ўзбекистон Республикаси қонуни “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 405 – 408-бетлар.

²³ Ўша жойда. – 405-бет.

²⁴ Ўша жойда. – 405 – 406-бетлар.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессияси хақида ахборот // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 422–423-бетлар.

²⁶ Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов қасамёди // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 424-бет.

²⁷ Ўша жойда. – 434–435-бетлар.

Конституцияни яратиш йўлидаги саккизинчи ҳуқуқий қадам – биринчи Конституция лойиҳасининг илк бор матбуотда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинишидир.

Конституциявий комиссия бажарилган ишни маъқуллади ва 1992 йил 8 сентябрда Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди²⁸. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳ тузилди. Янги Конституциянинг биринчи лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрь куни тайёр бўлди ва шу куни матбуотда чоп этилди.

Лойиҳа эълон қилинган, унинг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. Бу очик-ошкора муҳокамалар 1992 йилнинг сентябрь ойи охиридан декабрь ойи бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди.

Муҳокамада мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Матбуотда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда қизгин баҳс-мунозаралар бўлди. Кўплаб учрашувлар ўтказилди, Конституция лойиҳасига доир масалалар бўйича суҳбатлар, анжуманлар ташкил қилинди.

Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди. Фуқароларимиз билдирган таклифлар сони 5 мингдан ошиб кетди.

Конституцияни яратиш йўлидаги тўққизинчи ҳуқуқий қадам – Конституция лойиҳасининг иккинчи марта матбуотда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинишидир.

Конституция лойиҳаси ўтказилган муҳокамалар давомида келиб тушган таклифлар асосида анча тузатилди ва қайта ишланди. Сўнгра, 1992 йил 21 ноябрда умумхалқ муҳокамасини давом эттириш учун Конституция лойиҳаси иккинчи марта газеталарда чоп этилди.

Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент – икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат, бир томондан, муҳокама иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарган бўлса, иккинчи томондан, Асосий Қонунимизнинг халқчиллигини таъминлади. Конституция лойиҳасининг ўзи кенг жамоатчилик экспертизасидан ўтди.

²⁸ Халқ сўзи, 1992 йил, 8 сентябрь.

Мазкур акциянинг, яъни Конституция лойиҳасини икки босқичда муҳокама этиш учун матбуотда эълон қилишнинг маъноси шундан иборат эдики, фуқаролар Конституциянинг қайта ишланган вариантыда Конституция лойиҳасини муҳокама қилишдаги ўз иштирокларининг натижасини кўра олдилар.

Конституция лойиҳасининг янги вариантыда умумхалқ муҳокамасининг дастлабки босқичида келиб тушган кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўз ифодасини топди. Фуқароларимиз Конституциявий комиссия томонидан уларнинг овози эшитилганига, таклифлари тегишли равишда кўриб чиқилиб, инobatга олинганига ишонч ҳосил қилдилар.

Конституцияни яратиш йўлидаги ўнинчи ҳуқуқий қадам – Конституция лойиҳасининг қабул қилинишидир.

Конституциявий комиссия томонидан 1992 йил 6 декабрда Конституция лойиҳаси охириги марта муҳокама этилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституциявий комиссия хорижий конституциявий тажрибага мурожаат қилиб, Асосий Қонуннинг ролини яхлит тушунишдан келиб чиқди.

Бунда жаҳон конституциявий тажрибасинининг бир қатор илгор жиҳатлари ҳисобга олинди. Конституция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди²⁹.

Айниқса, Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш ҳамда жуда бой материал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

Президентимиз сессияда Конституцияни **“халқчил қомус”**³⁰ деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганини, сайқал топганини таъкидлади.

²⁹ Қаранг: Проект Конституции Узбекистан глазами французского юриста // Народное слово, 1992, 28 ноябрь.

³⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат ва мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 128-бет.

Олий Кенгаш сессиясига муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгаришлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди.

Парламент депутатлари томонидан лойиҳа моддама-модда муҳокама қилиниб, унга яна бир қатор ўзгартишлар киритилгач, 1992 йил 8 декабрь куни Бош Қомусимиз қабул қилинди. Шу кундан эътиборан, **8 декабрь – умумхалқ байрами** деб эълон қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган санадан эътиборан дунё саҳнида янги, суверен давлат қарор топган бўлса, Конституциямиз қабул қилинган куни давлатимиз янгидан туғилди, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор қўйилди.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси янги мустақил жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантирди ва мустаҳкамлади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Конституциямиз – Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажagini, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олдик.

Ўзбекистон Конституциясининг ғоя ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий мероси акс эттирилгани унинг ҳаётийлиги кафолатидир.

Шу билан бирга, Асосий Қонунимиз кўплаб демократик давлатларда конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэътироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этган.

Конституциянинг қабул қилиниши ижтимоий ва давлат қурилишининг барча жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизнинг барча соҳаларини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий тизимни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида **мамлакатимиз парламенти Конституция нормаларига мувофиқ 8 та конституциявий қонун,**

15 та кодекс, 600 дан зиёд қонунни қабул қилди, 200 дан ортиқ кўп томонлама халқаро шартномани ратификация қилди ва шу тариқа Асосий Қонунимизни амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий механизми яратилди. Унинг самарадорлиги бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Асосий Қонунимизга нисбатан бундай юксак ва холис баҳолар берилиши бежиз эмас. Буни, жумладан, қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни, халқаро андозаларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсидир давлатнинг тайёр Конституциясини кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан бормай, балки, энг илғор хорижий конституциявий тажрибаларни ўргандик ва эътиборга олдик. Натижада эндиликда Бош Қомусимиз дунё миқёсида ҳам ҳар қандай тараққий топган давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Учинчидан, Конституциянинг ғоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдизларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуг аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган.

Хулоса қилиб айтганда, Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёни Президентимиз Ислом Каримовнинг **“Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома”** бўлганлиги, у **“халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини”** акс эттириши, **“халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули”** экани ҳақидаги ҳикматли хулосалари тўғри ва асосланган эканини яққол тасдиқлайди.

“Бугун биз Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги қутлуғ сана – халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб, миллий давлатчилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришининг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берган Конституция-мизнинг 20 йиллигини байрам қилмоқдамиз”³¹.

Ислом Каримов

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган Асосий Қонуни-миз суверен давлатимизнинг қонуний негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди.

Бугунги кунда Бош Қомусимиз моддалари ва қондаларини ҳаётга кенг жорий этиш самараси ўлароқ, Ўзбекистонда конституциявий давлат барпо этилди. Яъни, Асосий Қонунда белгиланган тартибда Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти ва бошқа давлат органларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Конституциявий давлат – бу Асосий Қонун нормалари асосида шакллантирилган давлат органлари тизимидир.

Асосий Қонунимизнинг 7-моддасида қайд этилганидек: **“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.**

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги

³¹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 3-4-бетлар.

ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади”³².

Конституциявий тузум – инсоният ижтимоий турмушининг буюк галабаси, умумэътироф этилган ҳаёт шакли ҳисобланади. Уни заифлаштиришга, унинг барқарорлигига путур етказишга, конституциявий тузилмалар обрўсини тўқишга қаратилган ҳар қандай уришиш ҳуқуқий давлат руҳи ва моҳиятига зид келади. Конституция мавжуд тузумга қарши қаратилган ҳаракатларга йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси конституциявий тузум тушунчасининг ўзини ҳам бойитади. У конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни, яъни Конституцияни ўзгартириш учун куч ишлатишни мақсад қилиб қўйган сиёсий партиялар, шунингдек, бошқа ижтимоий бирлашмалар ташкил этилишини ва улар фаолиятини тақиқлайди. Фуқаролар Конституцияга риоя этишга, бинобарин, унга асосланган тузумга итоат қилишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддаси илк бор қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини аниқ ажратиб қўйди³³. Бу, ўз навбатида, бутун давлат ҳокимиятининг битта орган ва бир шахс қўлида мужассам бўлишининг олдини олади.

Конституциямизнинг 14-моддасида белгилаб қўйилганидек: **“Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”³⁴.**

“Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши” мумкин (10-модда)³⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX бобида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат бошлиғидир. Президент давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 89-модда)³⁶. Конституциямизнинг 90-моддасига кўра: **“Ўзбекистон Республикаси**

³² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 4–5-бетлар.

³³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 5-бет.

³⁴ Ўша жойда. – 5-бет.

³⁵ Ўша жойда.

³⁶ Ўша жойда. – 22-бет.

Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Аини бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади”³⁷.

Мамлакатимизда Президентлик лавозими 1990 йил 24 мартда таъсис этилган. Йирик давлат ва сиёсат арбоби Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи ва амалдаги Президентиدير.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча ютуқларни ҳақли равишда Ислон Каримов номи ва фаолияти билан боғлайди. Президентимиз собиқ совет тузумидан кейин пайдо бўлган беқарор, нотинч даврда Ўзбекистон жамиятида барқарорлик ва ишончни пайдо қила олди, халқимиз олдига миллатни юксакларга кўтарадиган улкан мақсад ва вазифалар қўйди.

Ислон Каримов – Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси, мамлакатнинг истиқлол дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбобидир. Президентимиз демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг қафилдир.

Хорижлик экспертларнинг қайд этишича, миллий қонунчилигимизнинг Конституциянинг асосий қоидалари асосида мунтазам такомиллашиб бораётгани унинг халқимиз ҳаётида катта ўрин эгаллаганини тасдиқлайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 1992 йил 8 декабрдан буён, яъни 20 йил ичида олти маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди³⁸. (Қиёс учун: Франция Консти-

³⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 22-бет.

³⁸ Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ривожланиши: миллий ва умумбашарийликнинг уйғунлиги. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2011. – 24-бет.

туциясига ўтган 54 йил ичида 41 марта ўзгартиришлар киритилган³⁹.)

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**⁴⁰ давлатимиз ҳамда жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди. Концепция Конституциянинг асосий нормаларини босқичма-босқич амалга ошириш доирасида **“демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг манتيқий ва қонуний давомидир”**.

“Мазкур Концепция, ўз моҳият эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегиясидир”⁴¹.

Концепция асосида Конституцияга киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчалар қуйидаги мақсадларга қаратилган:

биринчидан, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш;

иккинчидан, давлат бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимияти субъектлари – Президент – давлат раҳбари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш;

учинчидан, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда баён этилган қонунчилик ташаббуслари асосида парламентаризм, фракциялараро кураш ва партиялараро рақобатни таъминлаш соҳасида миллий қонунчилигимиз изчил такомиллашиб бормоқда. 2011 йилда **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78,**

³⁹ Конституция ва парламентаризм ҳақида. Конституциявий ҳуқуқ бўйича Ўзбекистон ва Франция семинари материаллари. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012. – 14-бет.

⁴⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56-бет.

⁴¹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 7-бет.

80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонуннинг қабул қилинган бу борада муҳим қадам бўлди⁴².

Мазкур Қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи – Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, демократик ислохотларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган.

Қонунга биноан Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга ўтказилди, мамлакат Бош вазирининг ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши тўғрисидаги қоидага тўлиқ жавоб беради ҳамда ҳокимиятлар бўлинининг конституциявий принципини амалга ошириш, ўзини тийиб туриш ва мувозанат мутаносиблиги тизимини ташкил қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII бобида белгилаб берилган**⁴³.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати – беш йил.

Қонунчилик палатаси ва Сенат алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан Президент нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ҳамда палаталарнинг келишувига биноан бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилади.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Халқ сўзи, 2011, 19 апрель.

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 14 – 24-бетлар.

Палаталар ўз таркибидан Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси, уларнинг ўринбосарларини сайлайди, кўмита ва комиссиялар тузади. Ҳар бир палата ўз регламентини қабул қилади ва фаолиятининг ички тартиби масалаларини ҳал этади.

Сенат ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади. Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси ҳудудий бирликлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида депутатлар орасидан тенг миқдорда – 6 кишидан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланади.

Олий Мажлиснинг икки палатали тузилишидаги қонун қабул қилиш тартибига кўра, қонун лойиҳаси дастлаб Қонунчилик палатасига киритилади. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун Сенатга юборилади. Сенат эса, қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар қонун лойиҳаси Сенат томонидан рад этилса, у Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонун 10 кун ичида Президентга имзолаш учун юборилади. Президентнинг қонунни имзолаш муддати 30 кун этиб белгиланган. Президент қайтадан муҳокама қилиш ва овоз беришни ўтказиш учун қонунни ўз эътирозлари билан парламентга қайтаришга ҳақли. Президент томонидан имзоланган Қонун белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

Кейинги йилларда Олий Мажлис қонунчилик фаолиятини кучайтириб, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари муаммоларини оқилона ҳал этиш, маънавиятни раванқ топтириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, хорижий давлатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий ўзаро алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Конституция ҳар бир инсон, фуқаронинг ҳуқуқий хулқатворини белгилаб беради. Уни билмай туриб, ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди. Шу маънода, Ислом Каримовнинг Конституция ҳуқуқий маданият асоси, миллий қонунчилик негизи эканини, Конституцияга садоқат Ватанга ва ўз халқига садоқатни келтириб чиқаришини инobatга олиб, Асосий Қонунни ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қарат-

гани, айниқса, диққатга сазовор. Чунки, аслида ҳам, Конституция – ҳуқуқий билимлар биносининг пойдеворидир.

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ХХ бобида белгилаб берилган⁴⁴.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича қиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир. Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқ-

⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 26 – 28-бетлар.

қанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади. Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида маҳаллий давлат ҳокимиятининг асослари мустаҳкамланган⁴⁵. Маҳаллий

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 28 – 29-бетлар.

давлат ҳокимияти асосан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқариш органларидир.

Бош Қомусимизда белгилаб қўйилганидек, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Ўзбекистонда ҳокимлик лавозими мустақилликка эришилгандан кейин тикланган ва янги мазмун билан бойиган бошқарувнинг тарихий ва миллий шаклидир.

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига қўйидагилар кириди: қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яққабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар. Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг

фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доираси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXII бобида белгилаб берилган⁴⁶.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Судьяларнинг мақоми улар фақат Конституция ва қонунларга бўйсунуши, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини, шаъни, ор-номуси, нуфузи ва мулкани, корхона, муассаса, ташкилотлар ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда беғараз, адолатли бўлишини таъмин қилади.

Судьялар судьялик обрў-эътиборини қатъий сақлаши, холисликка шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши, сабр-тоқатли, хушмуомала ва юксак одобли бўлиши шарт.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади. Ўзбе-

⁴⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 29 – 32-бетлар.

кистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатуранинг ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, **юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.**

Айнан шунинг учун ҳам биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратганимиз бежиз эмас. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилганини кўпгина мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга, муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар мамлакатимизнинг демократик қадриятлар тарафдори эканининг ёрқин ифодасидир. Суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланди, судлар ихтисослашди, кассация институти ислох

қилинди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби, ярашув институти жорий этилди, суд амалиётининг барча босқичларида томонлар тенглиги кафолатланди.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлаш механизмини ривожлантириш, “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, суд жараёнида тортишувни кучайтириш, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича қонунчилик чора-тадбирлари белгиланган⁴⁷. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXV бобида белгиланганидек, Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат⁴⁸. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқаради.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Конституциямиз биз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат – бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас, балки у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир.

Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини, биринчи навбатда, биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни белгилаб берганида кўрамыз.

Конституциямизнинг негизини ташкил этадиган қоида ва талаблар асосида мамлакатимизни тубдан ислох этиш ва модернизация қилишнинг ўзбек модели қабул қилинди.

⁴⁷ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 22-бет.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 34-бет.

Ўзбекистонда Конституцияга биноан ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини ислоҳ этиш ва демократлаштириш сиёсати миллий иқтисодиётимизни жадал, барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Ҳаттоки, глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам ўтган йиллардаги каби Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари камида ўртача 8,2 фоизни ташкил қилгани шундан далолат беради⁴⁹.

Конституциянинг қатъий амал қилаётгани шарофати билан мамлакатимизда кучли, рақобатбардош, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти таркиб топди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54 фоиздан ортиб бормоқда, ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этилиб, янги иш ўринлари очилмоқда, аҳоли даромадлари ошмоқда.

Тарихан қисқа муддат ичида бундай улкан иқтисодий муваффақиятларга мамлакатимиз Конституциясининг иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва устувор бўлиб, давлат химоясида эканини кафолатлайдиган нормаларининг самарали амалга оширилиши туфайли эришдик.

Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар – аҳолини ижтимоий химоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидласак арзийди.

Президентимизнинг маърузасида таъкидланганидек, “тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгиланишларни чуқур англаш, тасаввур этиш учун биз кеча ким эдиг-у, бугун ким бўлдик, деган табиий саволни бериш ўринли”⁵⁰.

⁴⁹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 4-бет.

⁵⁰ Ўша жойда.

Ҳеч кимга сир эмас, собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ўз салоҳияти ва аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг колок республикалардан бири бўлиб, бугунги кунда демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган, куч-қудрати тобора юксалиб, замонавий кўп тармоқли иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айланиб бораётгани мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Бугун, вақт ўтиши билан, ҳаётнинг ўзи, мамлакатимиз эришаётган юксак марралар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган, халқимизнинг орзу-умидлари, бугунги ва келажак манфаатларига жавоб берадиган қоида ва принципларнинг нақадар тўғри эканини исботламоқда.

Конституция тамойилларига асосланган ички ва ташқи сиёсатимиз мана шу давр мобайнида ҳар томонлама ҳаёт синовидан ўтди.

Юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, кадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборимиз тобора ортмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Биз Конституциямизнинг бугунги Ўзбекистон давлатчилигининг тикланиши ва ривожланишидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини юксак баҳолаймиз”⁵¹**.

⁵¹ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 111-бет.

Истиқлолнинг дастлабки даврида мустақил Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши ижтимоий ва давлат қурилишининг барча жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизнинг барча соҳаларини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий тизимни ташкил этди.

Мустақиллик йилларида Конституциямиз ўз юридик тарихининг кўп асрлик анъаналари ва жаҳон конституциявий тажрибасининг энг илғор жиҳатларини, энг мақбул принципларини ўзида мужас-самлаштирганлигини амалда тўла намоён этди. Аввало, у дунё сиёсий харитасида янги суверен давлат – Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс эттириб турибди.

Мухтасар айтганда, Конституциямиз мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни ортга қайтариб бўлмаслиги, уларни жадал ва барқарор ривожлантириш ҳамда келажакда давлатимизни равнақ топтиришни кафолатлайди.

Президентимиз қайд этганидек, **“Ҳеч бир давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди”**⁵².

⁵² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 103-бет.

“Минтақамизда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ана шундай ташқи сиёсатгина халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади”⁵³.

Ислом Каримов

ХАВФСИЗЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Мамлакатимизнинг истиқлол йилларида олиб бораётган оқилона ташқи сиёсати ва жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақида фикр юритар эканмиз, авваламбор, Ўзбекистонни СССР чангалидан юлиб олган инсоннинг – Президент Ислом Каримовнинг матонати ва жасорати билан мустақилликка эришиш арафасидаги қарийб уч йил давомида бу борада амалга оширилган оқилона чора-тадбирларга тўхталмаслик мумкин эмас.

Нега деганда, бутун жаҳон эътироф этаётган, тан олаётган мустақил Ўзбекистон давлати қандай бунёд бўлганини қайтадан идрок этиш иштиёқи бизни энг яқин тарихга мурожаат қилишга ундайди. Бугунги тинч, осуда ҳаёт, фаровон кунлар қандай оғир ва машаққатли курашлар эвазига қўлга киритилганини яна бир бор англаш истаги ҳам шуни тақозо этади.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимизнинг **“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”** номли китобидан қуйидаги жумлаларни келтириш ўринли:

“Чет эллар билан ўзимиз бевосита алоқада бўламиз, муносабатлар ўрнатамиз. Ўзбекистон келажакда тенг ҳуқуқли

⁵³ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 15-бет.

ва суверен давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўладиган кун келишига аминман. Бу – бизнинг қонуний ҳуқуқимиздир, бу – халқаро қонунларга асосланган давр талабидир, жафокаш ўзбек халқининг, республикамизда яшовчи барча эркесвар фуқароларнинг истагидир”⁵⁴.

Қатъият ва ишончга тўла бу сўзлар Президентимиз томонидан **“Биз энди мустақилмиз!”** деган, асрлар давомида кутилган хуш-хабар эълон қилинган тарихий дақиқалардан 80 кун олдин, мустақил давлатимизнинг БМТга аъзо бўлишидан эса, қарийб 10 ой илгари, яъни 1991 йилнинг 12 июнида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси минбаридан баён этилган.

Ана шу сўзлар айтилганидан кейин икки ойдан кўпроқ вақт ўтиб, яъни 1991 йилнинг 17–19 август кунлари Ўзбекистон ССР Президенти Ислон Каримов Ҳиндистонга расмий ташриф билан боради. Айтиш керакки, бу ташриф Ўзбекистон Президентининг хорижга қилган биринчи мустақил – тарихий ташрифи эди⁵⁵.

“Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси” фильмидаги шу расмий ташриф якуни билан боғлиқ тегишли лавҳаларни – Ҳиндистондан қайтаётган Ўзбекистон раҳбари Ислон Каримовни Тошкент аэропортида кутиб олган расмий шахслар орасидаги Марказдан келган учта совет генералининг совуқ қиёфасини бир кўз олдимизга келтирайлик.

Синчиклаб қаранг: нафақат ўша совуқ қиёфаларда, балки ўша пайтдаги мавжуд расмий протокол қоидаларига мутлақо зид бўлган бундай қалтис ва қўпол хатти-харакат замирида қандай тағдор сиёсий маъно яширин экани, янада очиқ айтадиган бўлсак, шўролар бизнинг мустақиллигимизни хоҳламагани, бундан нечоғлик талвасага тушгани шундоққина сезилиб турибди.

Шу манзаранинг ўзидан ҳам Истиклол йўлида биринчи қадам қўйганимиздан бошлаб, Ўзбекистон диёрига, унинг раҳбарияти ва сиёсатига маломат тошларини отиш ва тутаётган йўлимизни тўсиш ҳаракатлари кундан-кунга кучайиб борганини яққол билиб олиш мумкин.

⁵⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 343-бет.

⁵⁵ Ҳиндистонга меҳр билан. “The Times of India” газетаси мухбири саволларига жавоблар // Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 358–363-бетлар.

Ўша оғир ва мураккаб вазиятларда юртимиздаги мавжуд ҳолатни шунчаки номига эмас, аксинча, тубдан ўзгартириш, Ўзбекистонни нафақат иқтисодий, балки том маънодаги суверен ва мустақил, келажаги буюк давлатга айлантириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиб, дунё ҳамжамиятидан мустақкам ўрин эгаллаш, халқимиз учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитлари яратишдек бугунги кунда реал воқеликка айланган улуғ мақсадларни Ислом Каримов – мард ва жасур инсон ўша йиллардаёқ кўнглига жо этиб, шу йўлда бутун борлиғи билан интилиб яшаганини исботлайдиган юқоридаги каби ёрқин мисоллар янги тарихимизда жуда кўп.

Ўзбекистон билан жаҳон ҳамжамияти ўртасида “катта эшиклар”нинг очилишига биринчи энг муҳим омил – 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилингани бўлса, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилингани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Эндиликда Ўзбекистон суверен давлат сифатида халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир.

“Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда” қабул қилинган Асосий Қонуни-мизда илк бор қўйидаги ғоятда аҳамиятли конституциявий қоидалар мустақкамлаб қўйилди:

“Ўзбекистон – суверен демократик республика” (1-модда).

“Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади” (2-модда).

“Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир” (3-модда)⁵⁶.

Мамлакатимизнинг қулай геосиёсий ўрни, унинг биринчи навбатда ўз миллий манфаатларини инobatга олган ҳолда олиб бораётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, мустақил ва изчил ташқи сиёсати давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, халқаро майдонда обрў-эътиборининг ортиб боришини таъминлади.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 4-бет.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” номли маърузасида қайд этилганидек, “Бугунги кунда мамлакатимиз олиб бораётган ташқи сиёсатнинг таг-томирида ҳеч кимга сир бўлмаган бир мақсад турибди – Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати. Бизнинг бу соҳадаги барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган, десам, айти ҳақиқат бўлади”⁵⁷.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати, Конституциямизда белгиланганидек, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республикаимиз давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин (17-модда)⁵⁸.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Конституциямизнинг XIX бобига биноан:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

иккинчидан, мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

учинчидан, музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

тўртинчидан, ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

⁵⁷ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 29-бет.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 6-бет.

олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади⁵⁹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига, Конституциямизнинг 78-моддаси биринчи қисми 4- ва 20-бандларига биноан, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш, шунингдек, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш киради⁶⁰.

Мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва ўзининг хориждаги ваколатхоналари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда мамлакатимиздаги халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларнинг ваколатхоналари, айрим кенгаш ва жамиятлар Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларида ўз ваколатлари доирасида масалаларни ҳал этишга кўмаклашади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон 60 дан ортиқ, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва қатор ихтисослашган халқаро тузилмалар ишида фаол иштирок этиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамжамият олдида турган бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳақида гап борар экан, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида 1945 йилда ташкил этилган энг йирик халқаро ташкилот – **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти** ва унинг бир қатор ихтисослашган муассасалари билан ўзаро манфаатли амалий муносабатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганидан кейин кўп ўтмай – **1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлди**. Шу

⁵⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 22 – 26-бетлар.

⁶⁰ Ўша жойда. – 15–16-бетлар.

куни БМТ Бош Ассамблеяси биноси олдида Ватанимизнинг Давлат байроғи кўтарилди. 1993 йил 24 августда БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси очилди. БМТда Ўзбекистон Республикаси ваколатхонаси иш бошлади.

Ўтган йиллар давомида давлатимиз БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бу энг нуфузли халқаро ташкилотнинг мақсад ва қоидаларига қатъий амал қилиб келмоқда.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон билан БМТнинг Ривожланиш дастури (БМТРД), БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО), Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО) каби бир қатор асосий органлари ва муассасалари ўртасида амалий ҳамкорликнинг самарали ривожланишини таъминламоқда.

Тарихимизда мисли кўрилмаган бундай ўзгаришлар жаҳон саҳнида ўз мустақил овозига эга юртимиз обрў-эътиборини янада оширишга, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, миллий манфаатларимизни ҳар томонлама ҳимоялашга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 48-сессиясида⁶¹, БМТ ташкил этилганининг 50 йиллигига бағишланган 1995 йил октябрь ойидаги сессияда, БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган “Минг йиллик саммити”⁶² да сўзлаган нутқлари дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг юксак халқаро минбардан туриб қилган ушбу муҳим чиқишларида, жумладан, халқаро терроризм ва нарқобизнес билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, жаҳон хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, БМТ фаолияти ва таркибий тизимини ислоҳ қилишга тааллуқли таклифлар билан чиқди.

⁶¹ Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 47 – 57-бетлар.

⁶² Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 10 – 20-бетлар.

Энг муҳими, Ўзбекистон ўз овози ва мавқеига эга аъзо сифатида БМТ олдида муҳим ва долзарб масалаларни қўйиб, аксарият ҳолларда бу масалаларнинг ижобий ечим топишига эришиб келмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган 2010 йилдаги ялпи мажлисдаги нутқи ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди⁶³.

Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда.

Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса, кутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон халқининг аҳволини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқида “афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор”, деган қатъий ёндашув яна бир бор илгари сурилди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **“Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир”** номли маърузасида⁶⁴ алоҳида таъкидланганидек:

⁶³ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 10 – 20-бетлар.

⁶⁴ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 12 – 15-бетлар.

“Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовутлар негизида вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда.

Ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролининг тарқалиб кетиш хавфи, муросасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескинлик ўчоқларининг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бундай жараёнларнинг барчаси жаҳондаги йирик давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

АЙСЕФ деб аталмиш коалицион қўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин қўшни Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Воқеаларнинг ана шундай йўналишда ривожланиши бугунги қарама-қаршиликнинг миллатлар ва элатлар ўртасидаги можарога айланиб кетиши, Афғонистонда фуқаролар урушининг янгитдан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли экспертлар томонидан истисно этилмаяпти.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳокама этилаётган энг мақбул вариант – бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ва шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳини шакллантиришдан иборат.

Бу гуруҳ хатти-ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муросага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди. Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносиб муқобил варианты йўқ.

Ўзбекистон ўзининг кўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлакати келажagini ўйлаб танлаган йўлини ҳурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам шу принципга амал қилади⁶⁵.

Халқаро ҳамжамиятда катта акс-садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонунда айнан ана шундай ёндашувлар мужассамдир.

Мазкур концепция давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон, ўз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда:

биринчидан, турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида; очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принципларини аниқ-равшан баён этади;

иккинчидан, Ўзбекистон мафқуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда кўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуроли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низо-

⁶⁵ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 12 – 14-бетлар.

ларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир⁶⁶.

Мамлакатимиз раҳбари комил ишонч билан уқтирганидек, Ўзбекистон ташқи сиёсатини айни шу принципларга асосланиб олиб боришни барча юртдошларимиз, бутун халқимиз қўллаб-қувватлайди.

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йилларидан буён яна бир ғоят ўткир муаммо – экология масаласи ва Орол фожиасига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб келади. Бу бежиз эмас. Нега деганда, экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир.

Афсуски, бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув хавзасига айланди. Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса, ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Ўзбекистон раҳбари БМТ минбаридан туриб айтганидек: **“Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба – Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин”**⁶⁷.

Ҳақиқатан ҳам, бундай шароитда 30–40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8–9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар ет-

⁶⁶ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 12 – 15-бет.

⁶⁷ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 16-бет.

казиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлишини тавсия этмоқда. Президентимиз дунё минбаридан туриб қайта-қайта бонг урганидек, **“қуриб бораётган Орол муаммоси – бу ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир”**⁶⁸.

Албатта, давлатимиз ташқи сиёсатида Ўзбекистон манфаати устувор аҳамият касб этади. Ўтган даврда миллий манфаатларимиз мос келадиган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, очиқ мулоқот йўли давом эттирилди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорликка эришилиши, иқтисодий ва институционал ислохотларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда инвестиция муҳитининг яхшиланиши мамлакатимиз инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада кучайишини таъминламоқда. Айниқса, иқтисодиётимиздаги юқори ўсиш суръатлари ҳисобидан марказлашмаган манбалар, биринчи навбатда, хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши ортиб бормоқда.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жаҳондаги энг йирик ва машҳур АҚШнинг “Женерал Моторс”, “Тексако”, Германиянинг “МАН”, “Даймлер Бенц”, “Класс”, Буюк Британиянинг “БАТ”, Испаниянинг “Максам”, Япониянинг “Исузу”, “Иточу”, Малайзиянинг “Петронас”, Жанубий Кореянинг “Кореан Эйр”, “СНОС”, “LG”, Хитойнинг “СНПС”, Россиянинг “Лукойл”, “Газпром” каби компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатларининг инвестиция банклари мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари бўлмоқда.

⁶⁸ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 17-бет.

Айтиш жоизки, инвестиция ва саноат соҳасидаги фаол сиёсат натижаси сифатида мустақиллик йилларида юртимизда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар ишлаб чиқарадиган янги автомобиль заводлари ташкил этилди. Жаҳондаги етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, юзлаб тўқимачилик мажмуалари барпо этилди.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди.

Бунинг тасдиғини Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари Вероника Бакалу хонимнинг ушбу миссиянинг Ўзбекистонда 2012 йил ноябрь–декабрь ойларидаги иши натижалари бўйича билдирган фикрлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Яъни, В. Бакалунинг таъкидлашича, **“Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди”**⁶⁹.

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил якунларига бағишланган мажлисдаги маърузасида қайд этилганидек, ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир⁷⁰.

Президентимиз ибораси билан айтганда, **“Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун му-**

⁶⁹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз кенг кўламли ислохотлар йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 7-бет.

⁷⁰ Ўша жойда.

носиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади”⁷¹.

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш билан бир қаторда, **Тинчлик, Барқарорлик, Ҳамкорлик – Ўзбекистон давлатининг ана шу учта устунини мустаҳкамлашда, ҳеч шубҳасиз, Асосий Қонуни**миз пухта замин бўлиб келмоқда.

⁷¹ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 20-бет.

“Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг кафолатини Конституция беради”⁷².

Ислом Каримов

КОНСТИТУЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Мустақиллик, фуқаролик жамияти ва демократия тушунчалари ўртасидаги узвий алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустақил мамлакатни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, юртимизда истиклолнинг илк кунлариданоқ демократик янгиланиш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинди.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларини халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, олдимизга қўйилган асосий мақсад ва устувор вазифалар мамлакатимизни эркинлаштириш ва модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган **“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”** тамойилига асосланган. Бу – демократик ислохотларимиз изчил ва тадрижий, босқичма-босқич ва узлуксиз тизимли жараён эканининг яна бир исботидир.

“Фуқаролик жамияти” деган тушунчанинг туб илдиэлари халқимизнинг неча минг йиллик олис тарихига бориб тақалиши айни ҳақиқатдир. Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, миллий демократия мактаби – маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос экани ҳам шундан далолат беради.

⁷² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 52-бет.

Шу ўринда савол туғилади: **фуқаролик жамияти институтлари нима ва улар жумласига қандай ташкилотлар киради?**

Биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг нафақат асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган фуқаролик институтлари сирасига киради.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти институтлари мақсад ва вазифаларининг асосий йўналиши мамлакатимизда демократик кадриятлар ва тамойиллар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси – бу давлатнинг вазифа-ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишдан иборат”**⁷³.

Фуқаролик институтлари, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда, миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва маънавий дунёқарашини юксалтиришда кўмаклашмоғи зарур.

Улар кишиларимиз ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини ҳис этиб яшашида, мустақил фикр-мушоҳада юритишида, ўз салоҳияти ва қобилиятидан самарали фойдаланишида, бир сўз билан айтганда, буюк келажакни барпо этишга қаратилган барча саъй-ҳаракатларида ҳамюртларимизга камарбаста бўлмоғи даркор.

Учинчидан, Конституциямиз олтига бўлимдан иборат бўлиб, унинг учинчи бўлими – **“Жамият ва шахс”** деб номланган ва фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган конституциявий қоидалардан ташкил топган⁷⁴.

Конституциямизнинг 34-моддасида фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш каби конституциявий ҳуқуқи мустақамлаб

⁷³ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 350-бет.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 11 – 13-бетлар.

қўйилган: **“Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар”⁷⁵.**

Президентимиз таъкидлаганларидек, **“нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вазифасини бажариши керак”⁷⁶.**

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кишиларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси алоҳида устувор аҳамият касб этиши шарт. Бизнинг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдан мақсадимиз, аввало, кишиларимиз онгига демократик кадриятларни ва кўникмаларни изчиллик билан сингдириб боришдир.

Бунинг замирида ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган юксак маънавиятли шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар мужассамдир.

Ўзбекистон учун истиқлол йиллари аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

Бешинчидан, Конституциямизда алоҳида XIII боб ва 7 та модда бевосита жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишлаганини таъкидлаш жоиз⁷⁷. Хусусан, **“Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига рияз этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.**

⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 9-бет.

⁷⁶ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 333-бет.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 11–12-бетлар.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 58-модда)⁷⁸.

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошқора ҳисоботлар бериб турадилар.

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

Шу тариқа Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Ўзбекистонда 1991 йили жамоат бирлашмаларининг сони 200 тани ташкил этган бўлса, 2000 йилда – 2300 тага, 2010 йилда – 5100 тага етди. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 6000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда қарийб 3 баробар кўпдир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: **“Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари**

⁷⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 11–12-бетлар.

хозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социалиқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда”⁷⁹.

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли шахс ўз кадрқиммати, ор-номуси ва ғурурини англаши, **“Мен – эркин инсонман”** деган туйғуни теран ҳис этиб яшаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Зеро, **мустақиллик – бу ҳуқуқ. Мустақиллик – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилидир.**

Асосий Қонун – Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари орасида касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи мавжуд экани ҳам истиқлол самарасидир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, юртимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари нуфузи ҳамда таъсирини кучайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хозирги кунда юртимиздаги фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари,

⁷⁹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 42–43-бетлар.

жумладан, маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос миллий демократия мактабидир.

Конституциямизнинг 105-моддасига кўра: **“Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.**

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади”⁸⁰.

Ушбу конституциявий қоида ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг ҳаётимизга чуқур жорий этилиши туфайли истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг ривожига катта ҳисса қўшаётир.

Фуқаролик жамиятининг оммавий ахборот воситалари каби муҳим институти ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 1250 дан зиёд оммавий ахборот воситасининг аксарияти нодавлат ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот соҳасини демократлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

“Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда ва булар алоҳида эътиборга лойиқдир, – дейди **Европа “Сохнут” агентлигининг Марказий Осиё мамлакатларидаги ваколатхонаси раҳбари Идан Пейсахович.** – Фуқаролик жамияти ва унинг институтларини янада ривожлантириш мақсадида давлат ва ҳукумат билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам муҳим вазифаларни бажармоқда. Муҳими, бу ишларда халқаро тажрибадан кенг фойдаланилмоқда. Бу борада Ўзбекистон тўғри йўлдан бораётганига ишончим комил. Бизнингча, Ўзбекистон тажрибаси ғоят қизиқарли бўлиб, уни Исроилда ҳам қўллаш мумкин”⁸¹.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 29-бет.

⁸¹ Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси // Халқ сўзи, 2012, 20 ноябрь.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини ва давлат қурилишини демократлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, фақат эркин, молиявий жиҳатдан мустақил фуқаролик жамияти институтларигина ўз олдида турган вази-фаларни тўлақонли адо эта оладилар.

Албатта, бунда уларнинг давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланиши, умуман, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу маънода, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ҳар бири инсон ҳуқуқлари бўйича тегишли миллий демократик институтларига эга. Жумладан, мамлакатимизда **Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар** ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Буюк бобокалонимиз, шавкатли саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳазратларининг **“Куч – адолатда”** деган ҳикматли сўзлари ҳаммамизга маълум. Президентимиз Ислоҳ Каримов бу пурмаъно нақлни янада ривожлантириб, **“Адолат – қонун устуворлигида”**, деб таъкидлар экан, худди шу ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарурлиги, биз учун бундан бошқа йўл йўқлигини алоҳида уқтиради.

Ўз ўрнида, **“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига”** ўтиш жараёни ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асосда, Конституция устуворлиги тамойилига мувофиқ равишда кечмоғи даркор.

Шу маънода, истиқлол йилларида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, **фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани диққатга сазовордир**⁸².

Бир сўз билан айтганда, **истиқлол йилларида Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари ва нодавлат ногижорат ташкилотлар тўғрисида қонунчилик тизими яратилди**. Шунинг ўзи ҳам ўтган давр мобайнида бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

⁸² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 43-бет.

Бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, сиёсий партияларни молиялаштириш, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат фондлари, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, сайловлар тўғрисидаги бир қатор қонунлар юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муайян ҳуқуқий асослари яратилганидан яққол далолат бериб турибди.

Кейинги йилларда фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг** қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, **“Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига қўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори** ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенаати Кенгашларининг **“Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори** ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу Жамоат фонди маблағларини бошқарадиган, таркибига ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилингани ва самарали фаолият олиб бораётгани эътиборга сазовордир.

Мазкур комиссиянинг фаолияти “учинчи сектор” деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошқо-

ра, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган даврда, яъни 2008–2012 йилларда фуқаролик жамияти институтларига ижтимоий аҳамиятга эга ўз лойиҳаларини амалга оширишлари учун давлат бюджетидан мазкур Жамоат фонди орқали 22,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Мамлакатимизда бугун кўплаб ижобий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусларини бундай қўллаб-қувватлаш асосида соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш соҳаларида юзлаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Сўнгги йилда Давлат дастурини рўёбга чиқаришда иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони қарийб икки бараварга кўпайди.

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир.

Ва айни шундай амалий ёндашув билан мамлакатимизда бошқа кўплаб соҳалар қатори демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда фаол иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш зарурлигига доимо жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, демократик ислоҳотларимиз изчил, тадрижий, босқичма-босқич ва узлуксиз жараён эканини яна бир бор исботлайди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисида Президентимиз томонидан баён этилган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ғоят муҳим воқеа бўлганини таъкидлаш жоиз.

Ўтган йили мамлакатимизда бўлган **Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари Норберт Жюстеннинг** фикрича, “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг истиқболли модели ишлаб чиқилган. Мамлакатингизда фаолият кўрсатаётган минглаб ННТлар фуқаролик жамияти ва давлат ўртасида ижтимоий шериклик учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Бу борада мақсадли қонунчилик такомиллаштирилаётгани ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Президентингиз томонидан илгари сурилган ва мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган Концепцияга мувофиқ қатор янги қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий майдонни янада кенгайтиришга хизмат қилади”⁸³.

Дарҳақиқат, Концепциянинг қоида ва хулосалари асосий стратегик мақсадга эришишга – иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган ва бутун дунёда ҳурмат-эътибор қозонган, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий кадрият ҳисобланувчи кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга сазовордир.

Жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда **“Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги янги қонунлар**, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган **“Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун** лойиҳала-

⁸³ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 35 – 107-бетлар.

рини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш белгилаб берилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу вазифани ҳал қилишда **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги** ва **“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунларнинг** янги таҳрири қабул қилинди.

Шулар қаторида соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиляётгани эътиборга моликдир.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ахборот соҳасини босқичма-босқич демократик ислоҳ этиш, бу жараённинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш, ислохотларнинг ошқоралиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадли комплекс ишлар амалга ошириляётир.

Натижада Ўзбекистонда фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса, 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган қарийб 1250 та оммавий ахборот воситаларининг аксарияти нодавлат ҳисобланади.

Айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларга биноан мамлакатимиз парламенти янги қонунлар ишлаб чиқмоқда, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритмоқда.

Булар, ўз навбатида, ахборот соҳасини янада демократлаштириш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўляётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва эркин ривожлантириш, уларнинг жамиятни демократик ўзгартириш ва либераллаштиришда фаол иштирок этишини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий шароитлари, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, Президентимиз таъкидлаганидек, **“фуқаролик институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”**⁸⁴.

Буларнинг барчаси давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитаётган буюк Қомусномамиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шарофати туфайлидир.

⁸⁴ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 42-бет.

“Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституциямизда мустақамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, “ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт модели мужассам топган”⁸⁵.

Ислон Каримов

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТ: “ЎЗБЕК МОДЕЛИ”

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб, айни пайтда шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ватанимиз озодлиги нақадар машаққатли ва тинимсиз курашлар, халқимизнинг қандай оғир ва фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилгани, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда қандай оғир вазият ҳукм сурганини ёдда тутиш ва тасаввур этишга тўғри келади.

Маълумки, собиқ совет тизими қатъий марказлаштирилган ҳолда режалаштириш ва тақсимлаш усулига асосланган эди. Ана шу тизимга хос бўлган иллатлар билан бир қаторда республикамиз иқтисодиётининг бирёқлама ривожланиб, хомашё тайёрлашга йўналтирилгани, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳоқимлигининг мисли кўрилмаган даражага етгани ўша пайтда юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди.

Ғоят улкан табиий, минерал-хом ашё ва меҳнат ресурсларига, инсоний салоҳиятга эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожига бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди. Бундай шароитда иқтисодиётнинг ҳалокатли равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг ўта кескин даражада ўсиб кетишига чек қўйиш, шакланган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутун-

⁸⁵ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 5-бет.

лай издан чиқишига барҳам бериш, ишсизликнинг янада ортиб кетишига йўл қўймаслик фавқулодда муҳим аҳамият касб этар эди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ана шу ҳолатларнинг барчаси эътиборга олиниб, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб дунё тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик ҳукуқий давлат барпо этиш дастури ишлаб чиқилди. Унда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустақамлаш, умумбашарий кадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари **“Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли”**⁸⁶ рисоласида халқимиз босиб ўтган миллий тараққиёт йўлини чуқур таҳлил этиб, бу борада икки тарихий давр муҳим ўрин тутганини ҳар томонлама асослаб берган эди. Аввало, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган **дастлабки босқич** – 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган давр мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида беқиёс ва улкан, том маънода тарихий из қолдирган давр бўлди.

Шу билан бирга, мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври – 2001 йилдан бугунги кунгача бўлган муддатни ўз ичига олган навбатдаги босқич эса, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиш, аҳоли ҳаёт даражасининг муттасил ўсиб боришини таъминлаш борасида янада муҳим аҳамият касб этди.

Бу хусусда сўз борганда, мустақиллик йилларида эришилган барча ютуқ ва марралар – авваламбор, мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ўз вақтида бошланган, ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсатнинг натижаси эканига такрор-такрор ишонч ҳосил қиламиз.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган Ўзбекис-

⁸⁶ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 3-бет.

тоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, унинг афзалликлари ҳақида жаҳондаги нуфузли сиёсатчи ва иқтисодчилар, эксперт ва таҳлилчилар томонидан кўплаб ҳаққоний фикрлар, юксак баҳолар билдирилган.

Асосий негизини иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги, сиёсатдан устунлигини назарда тутадиган прагматик иқтисодий сиёсат; давлатнинг бош ислохотчилик вазифасини ўз зиммасига олиши; қонун устуворлигини таъминлаш; кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш; ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби машҳур беш тамойил ташкил этадиган ушбу тараққиёт модели, айниқса, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзининг нақадар тўғри эканини яна бир бор исботлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда четдан тиқиштирилган, “шок терапияси” деб аталган усуллардан, “бозор иқтисодиёти ўзини ўзи бошқаради” қабилдаги сохта қарашлардан аввалбошданок воз кечиб, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтишда инқилобий эмас, балки тадрижий ривожланиш йўлининг танлангани бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Айниқса, **“Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”, “Ислохотлар – ислохот учун эмас, аввало инсон учун”** деган, бугун кўпчиликка ёд бўлиб кетган ҳаётий шиорлар негизда янги давлат, янги жамият пойдеворини барпо этиш йўлида қандай ютуқларга эришаётганимизни бугун ҳар қадамда кўриш мумкин.

Юртимизда ўтган йиллар давомида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва бошқа институционал тизимлари айнан ана шу тамойиллар негизида шаклланиб, фаолият олиб борди, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор дастур ва режалари, жумладан, Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам шу асосда ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилди.

Шунинг ҳисобидан биз бугунги кунда собиқ совет тузумидан қолган оғир иллатларнинг хатарли таҳдидларини енгиб ўтиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан сақланиш учун ишончли тўсиқ ва мустаҳкам пойдевор яратиш билан бирга, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланишини, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги узлуксиз ошиб боришини таъминлашга эришмоқдамиз.

Фақат мустақил тараққиёт, ижтимоий-сиёсий тизимдаги чуқур ўзгариш ва ислохотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиётининг ана

шундай жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш имконияти пайдо бўлганини бугун ҳар қайси юртдошимиз ўз ҳаёти мисолида кўрмоқда.

Истиқлолимизнинг энг буюк ютуқларидан бири – юртимизда та-рихан қисқа муддатда миллий давлатчилигимиз пойдевори яратилган билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди. **Миллий давлатчилигимизнинг энг муҳим қадриятларини белгилаб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиб, улар орасида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши ҳал қилувчи қоида сифатида муҳрлаб қўйилган.**

Конституция – халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, **Конституциямизнинг асосий моҳияти – инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат.**

Асосий Қонунимизда жамиятимизнинг иқтисодий асоси – кўп укладли бозор иқтисодиёти ва фуқароларнинг хусусий мулки қонун ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш ҳамда халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Конституциямиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.

Ўтган тарихан қисқа, аммо сермазмун йиллар давомида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини Конституция даражасида мустаҳкамлаш, шахснинг ҳуқуқларини, айниқса, унинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишга кўмаклашиш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, бу борада давлат органларининг фаолиятини айнан шу соҳага йўналтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилгани ғоятда аҳамиятлидир.

Ушбу ислохотларнинг самараси ўлароқ бугунги кунда халқимиз фаровонлиги кундан-кунга яхшиланиб, аҳоли турмуш тарзи тобора ўсиб бормоқда.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий дав-

лат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг ҳуқуқий асоси, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясидир.

Конституциямиз ҳар бир шахсга мулкдор бўлиш ҳуқуқини кафолатлабгина қолмасдан, фуқароларнинг банкка қўйилган омонатлари сир сақланиши ва мерос ҳуқуқининг қонун билан муҳофаза қилинишини ҳам ҳуқуқий мустаҳкамлади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиб бориш, бу йўналишда, авваламбор, ҳар бир шахсда мулкка нисбатан эгалик ҳиссини шакллантириш, ўз мулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан манфатдор бўлиш масаласига давлат сиёсати даражасидаги эътибор туфайли катта натижаларга эришилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда тадбиркорлик эркинлигига мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилганлиги, тадбиркорлик фаолиятига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ортиқча аралашувларининг олдини олиш борасида кўрилаётган муҳим чора-тадбирларнинг яққол самарасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шакллари жорий этиш ва уларнинг тенглигини ҳуқуқий кафолатлаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини айнан ушбу хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши ҳам Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг 53-моддасида: **“Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмомчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”**⁸⁷, деб белгилаб қўйилган.

Шу ўринда Конституция қоидаларининг ҳаётийлигини пойтахтимизда 2012 йил 12 – 14 сентябрь кунлари **“Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти”** мавзuida ўтказилган халқаро конференция яққол тасдиқлайди.

⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 11-бет.

Дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан қарийб 250 нафар давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли анжуман, авваламбор, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий шакллантириш ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим бўғини сифатида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни юксалтириш борасидаги илғор тажрибани ўрганиш, халқаро ҳамжамиятни мамлакатимизда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан кенг таништиришга бағишлангани билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу халқаро конференциянинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқи⁸⁸ кенг жамоатчилигимиз, дунё аҳлида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Бу бежиз эмас. Зотан, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, **Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг бош мақсади – кучли, рақобатбардош миллий иқтисодий яратиш ва шунинг ҳисобидан аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришдир.**

Шу сабабли мамлакатимизда замонавий бозор механизмлари, уларнинг самарадорлигини таъминлаш ва шу асосда юртимизда барқарор бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим шартига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишга айланди. Албатта, бу ўз мевасини бермоқда.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида Президентимизнинг юқорида қайд этилган нутқидан айрим факт ва рақамларни келтирамыз.

Биринчи мисол. Агар 2005 – 2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади.

Иккинчи мисол. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

⁸⁸ Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили // Халқ сўзи, 2012, 15 сентябрь.

Учинчи мисол. 20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса, мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоизидан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этади.

Тўртинчи мисол. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келмоқда⁸⁹.

Ҳеч шубҳасиз, миллий иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ортиб бораётгани ички бозорни рақобатбардош ва сифатли товарлар билан тўлдириш, замон талабларини инобатга олган ҳолда хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, экспорт таркибида жаҳон бозорларида харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, аввало ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, бизнеснинг эркин фаолият кўрсатишининг асосий мажбурий шартларидан бири, **“биринчи навбатда, тадбиркорлик эркинлигининг кучли ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, уларни сўзда эмас, амалда бажариш, давлат, ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари ва тузилмалари томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш”**⁹⁰ ҳисобланишига халқаро анжуман иштирокчиларининг эътиборини қаратди.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимизнинг **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** номли маърузасига тўхталиб ўтиш жоиз.

Биринчидан, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимида барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди.

⁸⁹ Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили // Халқ сўзи, 2012, 15 сентябрь.

⁹⁰ Ўша жойда.

Шу борада қабул қилинган ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар қаторида **Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари**, “**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**”, “**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**”, “**Чет эл инвестициялари тўғрисида**”, “**Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида**”ги қонунларни қайд этиш мумкин⁹¹.

Иккинчидан, ислохотларимизнинг кейинги босқичида “**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**”, “**Хусусий корхона тўғрисида**”, “**Валютани тартибга солиш тўғрисида**”, “**Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида**”, “**Фермер хўжалиги тўғрисида**”ги қонунлар, янги таҳрирдаги **Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди**. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустақам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ҳолисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда⁹².

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз тақдим этган Концепцияда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида мазкур соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Таъкидланганидек, ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир.

Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим.

⁹¹ Қаримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 47–48-бетлар.

⁹² Ўша жойда. – 48-бет.

Айни шу мақсадни рўёбга чиқаришни назарда тутиб, Ўзбекистон парламенти бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган **“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни**⁹³ қабул қилди.

Шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида **“Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг**⁹⁴ ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнес қонуний белгилаб қўйилди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг⁹⁵ қабул қилинганлиги туфайли, ҳеч шубҳасиз, юртимизда оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг очилишига қулай имкониятлар яратиб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши – хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ.

Бу эса, банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 9/2-сон, 245-модда.

⁹⁴ Биринчи марта “Халқ сўзи” газетасида 2012 йил 25 декабрда нашр этилган, расмий нашр этилган кундан сўнг олти ой ўтгач кучга киради.

⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 4-сон, 111-модда.

замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш бора-сида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, Президентимиз таъкидлаганидек, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

Шу маънода, кейинги даврда **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни** танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш, **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги** қонунларнинг янги таҳрирларини тайёрлаш, **“Рақобат тўғрисида”ги** янги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасида катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ғоят муҳим аҳамиятга молик қонунларни такомиллаштириш билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантикий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

“Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”, “Гаров реестри тўғрисида”, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”, “Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги ва бошқа янги қонунлар шулар жумласидандир.

Конституциямиз асосида яқин истиқболда қабул қилинадиган ва такомиллаштириладиган қонунлар ҳақидаги фикрларимизни шу жойда мухтасар этиб, Асосий Қонунимиз нормаларини амалда татбиқ этиш эвазига эришаётган иқтисодий маъмурлик ва фаровонлик ҳақида икки оғиз тўхталиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бундан 21 йил олдин иқтисодиёти бирёқлама ривожланиб, хом ашё тайёрлашга йўналтирилган, боз устига, ғоят улкан табиий, минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларига, инсоний салоҳиятга эга бўли-

шига қарамай, собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожига бўйича охириги ўринларга тушиб қолган республикамизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган мураккаб, айни пайтда шарафли йўлига доир баъзи мисолларга назар ташлайлик.

Биринчи мисол. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан ҳақиқий даромадлар 7 баробар, нафақаларнинг ўртача миқдори – 9 баробар, иш ҳақи 18 баробар ўсди.

Иккинчи мисол. Мутахассислар эътироф этганидек, янгиланган иқтисодиёт ва янги ҳаёт одамлар умрининг давомийлигида ижобий акс этди, умр ўртача 7 йилга узайди.

Учинчи мисол. Мамлакатимизда уй-жой фонди қарийб 2 баробар ошди. Бугун юртимиздаги оилаларнинг 98,5 фоизи ўз уйи ёки квартирасига, қишлоқдаги оилаларнинг 97,5 фоизи ер майдончасига эга.

Тўртинчи мисол. Агар 21 йил илгари 10 та хонадондан биридагина энгил автомобиль бўлган бўлса, ҳозир ҳар учинчи оилада биттадан, айрим хонадонларда ҳатто бир нечтадан шахсий автомашина бор.

Бешинчи мисол. Сўнгги етти йил мобайнида мамлакатимиз йилига 8–8,5 фоиз ўсишга эришмоқда. Жаҳонда, айниқса, 2008 йилдан буён давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бундай кўрсаткичларга эга давлатлар жуда кам. Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Бинобарин, кейинги вақтда пойтахтимизда ўтказилган бир нечта йирик халқаро анжуманларда Ўзбекистоннинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, таълим тизимларини ривожлантириш борасидаги тажрибалари юзлаб хорижий мутахассислар иштирокида атрофлича ўрганилиб, намуна сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Энг муҳими, истиқлол йилларида эришилган барча ютуқ ва марраларимиз тимсолида Ўзбекистон дунёнинг тараққий топган демократик мамлакатлари қаторидан мустаҳкам жой эгаллаш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш йўлидан дадил одимлаётганини кўрамиз.

Ўз навбатида, буларнинг барчаси ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсат натижаси, “ўзбек модели” самаралари эканига такрор-такрор ишонч ҳосил қиламиз.

Президентимизнинг кейинги вақтдаги бир неча хорижий сафарлари якунлари бўйича яқин истиқболда амалга ошириладиган миллиардлаб доллар маблағ йўналтириладиган ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди.

Ёки бўлмаса, юртимизда жорий этилаётган биргина ҳужжат — **“2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Давлат дастури** бўйича умумий миқдори салкам 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан зиёд инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугун Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини холисона баҳолар эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани — буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Истиқлолимизнинг ўтган тарихан қисқа даври юртимизда истиқомат қиладиган, ўзлигини таниган ҳар бир инсон учун ўз ҳуқуқ ва эркинликларига том маънода эга бўлиш, қолаверса, тарих, бугун ва келажак, истиқлол ва истиқбол олдидаги бурч ҳамда масъулиятини теран англаш йилларидир. Бу йиллар мамлакатимизда бунёдкор халқимизнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ва самарали ҳаракатлари даври сифатида тарихда зарҳал ҳарфлар билан битилиб қолажак.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз тасдиғи ва исботини топган, эътироф этилган бу ҳақиқатни Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз танлаган йўл — тараққиётнинг ўзбек модели, жамият ҳаётини янгилаш ва эркинлаштириш жараёнларида амалда ўзини оқлаётган ҳаётбахш ислохотлар яққол тасдиқлаб турибди. Бу эзгу ишлар ижобатида Асосий Қонунимиз ҳамиша йўлчи юлдуз бўлиб йўлимизни ёритиб бораверади.

“Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириши ва модернизация қилиши суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун, айниқса, муҳимдир”⁹⁶.

Ислом Каримов

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – инсон ва давлат, инсон ва жамият муносабатларининг ишончли кафолатидир. Конституциямизнинг асосий моҳияти – инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат.

Инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Бош Қомусимиз пойдеворини ташкил этади. Конституциямизда ўз ечими ва аксини топган энг муҳим талаб – инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

“Инсон манфаати – ҳар нарсадан улуг”. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият”. “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун”. “Ҳамма нарса – инсон учун, унинг келажаги учун”. “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон”...

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз давлат мустақиллигини қўлга киритиши арафасида ва истиқлол йилларида изчиллик билан илгари сурган ҳамда ҳаётимизга чуқур татбиқ этиб келинаёт-

⁹⁶ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 11-бет.

ган бундай эзгу даъватлар ва ҳаётбахш ғоялар замирида Инсон оми-лига юксак эътибор энг олий мезон сифатида ўз ифодасини топган.

“Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир”⁹⁷, деб қайд этилади **“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”** китобида. Президентимиз истиқлол арафасидаёқ халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг маънавий ва жисмоний такомиллиги – давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири эканини белгилаб берди.

“Инсон ҳаётининг бу нозик ва мураккаб томонлари билан, ҳазиналарга тўла миллий-тарихий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирди. Бинобарин, бу камчиликларни тузатиш учун жуда катта меҳнат қилишимиз керак”⁹⁸, деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

Шу тариқа “инсон ва давлат муносабатларида инсон манфаатлари устувор бўлиши шарт”, “жамиятдаги ҳар қандай янгиликлар, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор”, “инсон – ислоҳот учун эмас, ислоҳот – инсон учун хизмат қилиши керак”, деган ғояларни тўла рўёбга чиқариш йўлида барча зарур шароитлар яратилди.

Асосий Қонунимизда дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда **“фуқаро-жамият-давлат”** ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топдик.

Конституцияимизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда: **“Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар”⁹⁹** дейилган, яъни унда инсон манфаатларининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қафолатланган.

Инсон – муқаррам ва муборак зот. Бош Қонунимизда ҳам миллий, ҳам умумбашарий мезонларга тўла мос келувчи ана шу фикрни илгари сурдик. Энг муҳими, бир неча ўн йиллар давом этган тоталитар ҳуқуқсизликдан сўнг инсон ҳуқуқларининг устуворлиги тамойил асосий йўналиш, деб танланди.

⁹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 94-бет.

⁹⁸ Ўша манба, 108-бет.

⁹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 4-бет.

Ўзбекистон Конституцияси жамиятнинг мутеликдан узил-кесил қутилиши, инсоннинг озод бўлиб, фаол фуқаролик мавқеини эгаллаши сари қўйилган муҳим амалий қадам бўлди. Бунинг натижасида одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши кескин ўзгарди.

Айнан ушбу хусусиятлар ва ўзига хосликлар туфайли мамлакатимиз Асосий Қонунининг ҳаётий куч-қудрати, унинг юқори даражада амал қилиши таъминланмоқда.

Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида жаҳон конституциявий тажрибасининг энг илғор жиҳатларини қамрай олган.

Шу билан бирга, **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси** ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципаал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахс фуқаролик ҳуқуқига эга. Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллатидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадир. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

“Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ва аҳил-иноқ яшамоқда, – дейди **Словакия инсон ҳуқуқлари миллий маркази ўқитувчиси Томас Фолдес**. – Бу жуда катта ютуқ бўлиб, мамлакатингизда фуқароларнинг миллати, тили ва динидан қатъи назар, Конституция томонидан кафолатланган бир хил ҳуқуқ ва эркинликларига тўлиқ риоя этилаётганидан далолат беради.

Шунингдек, асосий ҳуқуқлардан бири бўлган фуқароларнинг шахсий мулкка эгаллик бўйича Конституцияда белгиланган ҳуқуқи ҳам катта аҳамиятга эгадир. Буларнинг барчаси Европанинг инсон ҳуқуқлари бўйича позициясига мос келади. Ўзбекистон қонунчилиги мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Масалан, айти пайтда давлатингиз раҳбарининг янги ташаббусларига мувофиқ Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу жамиятингиз олға қараб ривожланаётгани, яъни Ўзбекис-

тонда демократлаштириш жараёни тўғри йўналишда амалга ошири-
лаётганидан далолат беради”¹⁰⁰.

**Конституциямизнинг муҳим бир банди Аллоҳ таоло ато
этган энг улугъ неъмат — инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳақида.** Биз истиқлол йилларида Ўзбекистонда инсон ҳаётининг дахлсизли-
ги бош кафолати бўлган тинчлик ва барқарорликни мунтазам ра-
вишда таъминлашга жиддий эътибор бермоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яшаш ҳуқуқи ҳар
бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани тўғрисидаги моддасини бажариш
доирасида **2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим
жазоси бекор қилинди, қамоққа олишга санкция бериш
ҳуқуқи судларга ўтказилди.** Жиноят ва жиноят-процессуал қонун-
чилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойиллари-
га мувофиқлаштириш жараёни давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳам-
жамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани, албатта,
ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли
хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳа-
да юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга ошири-
лиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо ти-
зимларидан бири яратилди.

Халқаро экспертларнинг бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни
кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия
ва Польшада 5 та, Белгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда
13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича
тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда
жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарлик-
ни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм
учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-
қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва
ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Асосий Қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафку-
ралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейил-
ган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши

¹⁰⁰ Саидов А.Х., Мирзаев Ф.А. Демократик ва халқчил қомус. Конституция ҳақида муҳим маълумотлар. Тарғиботчилар учун қўлланма. — Тошкент, — 2012. — 8-бет.

мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафқурасини яратиш вазифасини қўйди.

Эндиликда миллий истиқлол мафқураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимиз ва шууримизга теран сингдириш йўлида хизмат қилмоқда.

Президентимиз **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** китобида таъкидлаганидек, **“миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади”**¹⁰¹.

Ана шу юксак тушунчалар билан бирга, миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини теран тарғиб этиш бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказидан жой олган.

Таъкидлаш жоизки, **“миллий ғоя”** деган ибора **Ўзбекистонимизда яшаётган ва шу табарруқ заминни ўз Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир.** Нега деганда, миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш, авваламбор, жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ.

Ва бу аён ҳақиқатни бугун юртдошларимиз яхши билади ҳамда айни шу ижобий ўзгаришлар юртдошларимизнинг турли соҳалардаги фидокорона бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигидан далолатдир. Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўпмиллатлилик жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этиши айни ҳақиқатдир.

Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган мин-

¹⁰¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 72-бет.

тақа ва давлатлар миллий тараққиёти, шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Буни Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли давомида турли соҳаларда эришаётган юксак марралари мисолида яққол кўриш мумкин. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, **“халқимиз тинчлик ва фаровонлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини маслак ва мақсад этиб яшамокда”**.

Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшайди. Ана шу кўп сонли миллат ва элат вакилларининг биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб умр кечириши натижасида уларнинг ҳар бири маънавий ва маданий жиҳатдан бойиб, ўзаро муносабатлар таъсирида кўп миллатли халқимизнинг турмуш тарзи янада юксалмоқда.

Бошқача айтганда, миллатлараро тотувлик ғояси жамиятимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосига айланмоқда.

Бу ғоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратиб, уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этмоқда.

Конституциянинг 8-моддасида **“Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”**¹⁰², деб белгилаб қўйилган. “Ўзбекистон халқи” тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Конституциянинг 18-моддасида: **“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”**¹⁰³, деган қоида мустаҳкамланган. Ушбу модданинг давомида қайд этилганидек, имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Бош Қомусимизнинг 4-моддасига кўра: **“Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элат-**

¹⁰² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 5-бет.

¹⁰³ Ўша манба, 6–7-бетлар.

ларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади¹⁰⁴.

Ўзбекистоннинг бу борада олиб бораётган оқилона сиёсати Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни барча юртдошларимиз билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик берадики, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидандир.

Истиқлол бизга ана шу эзгу анъаналарни изчил давом эттириш ва авлоддан-авлодга янада мукаммал бўлиб ўтишини таъминлаш имконини берди.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактабларда барча миллат вакиллари учун тенг шарт-шароитлар яратилгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани бу борадаги самарали фаолиятимизнинг яққол далилидир.

Хусусан, олий таълим тизимида ўқиш миллий тилларда олиб бориладиган махсус факультет ва бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Миллий тилларда боғчалар, мактаблар тизимини ривожлантириш, уларни педагог кадрлар ва зарур дарсликлар билан таъминлаш ишлари изчил амалга оширилаётир.

Мустақилликнинг дастлабки даврида, яъни **1992 йилда мамлакатимизда миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди.**

Бугунги кунда ушбу марказ томонидан маънавият, маданий мерос ва миллий қадриятларни тиклаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида катта тажриба тўпланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими ташкил қилинди, бу борадаги ишлар самарадорлиги Асосий Қонунимиз нормаларининг сўзсиз бажарилишига асосланган.

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 4-бет.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Мустақил бўлган бу институтлар бир-бирини такрорламасдан жамиятимизда қонун устуворлиги, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларига риоя этилишига хизмат қилаётир.

Ўзбекистонда **“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”** принципига мувофиқ, юксак демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқ стандартларига мос миллий сайлов тизими яратилди.

Кўппартиявийлик асосида мунтазам ўтказилаётган сайловлар мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланганининг ёрқин ифодаси бўлиб, бу уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат бошқарувидаги ролини ошираётир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари фаолияти учун ҳуқуқий шароит ҳамда кенг имкониятлар яратиб беради. Бунга ҳақиқий демократиянинг муҳим асоси сифатида қаралади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, миллий ва диний адоватни тарғиб қилувчи жамоат бирлашмаларининг тузилиши ман этилган.

Конституциямизга мувофиқ, мамлакатимизда давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Бу принцип ҳаётда ҳам ўз ифодасини тўлиқ топмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 6 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Уларга давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида катта ёрдам кўрсатилмоқда. Биргина 2012 йилда ушбу мақсадларга Давлат бюджети дан 6 миллиард сўм ажратилди.

Фуқаролик жамиятининг энг қўйи бўғини – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ўзимизнинг маҳаллалардир.

Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг муҳимларидан бири марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тузилмаларига, шу жумладан, Бош Қомусимизда илк бор конституциявий мақомга эга бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларга босқичма-босқич ўткази боришни кўзда тутди.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини босқичма-босқич демократик ислоҳ этиш, бу жараённинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш, ислохотларнинг ошқоралиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадли комплекс ишлар амалга оширилаётир.

Булар, ўз навбатида, ахборот соҳасини янада демократлаштириш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришга хизмат қилмоқда.

Конституциянинг қабул қилиниши мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам сифатида тарихда қолди. У суверен давлатимизнинг ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг тағзамини, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тошидир.

Кези келганда шунини ҳам айтиш жоизки, **конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш инсон ҳуқуқларидан ажралмасдир. Конституциянинг нормаларини нима ҳаракатга келтиради?**

Албатта, қонунга итоаткорлик. У, авваламбор, мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам Конституцияни билишларини қатъий талаб этади.

Юртимизда демократик, конституциявий, ҳуқуқий тузумни мустаҳкамлаш, ижтимоий онгда Конституцияга, ҳуқуқ ва қонунга нисбатан ҳурматни қарор топтириш – булар янгиланаётган Ўзбекистондаги мустақил конституциявий тараққиётнинг таркибий қисмларидир.

Айнан Конституцияга садоқат Ватанга ва ўз халқига садоқатни келтириб чиқаради. Бу эса, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришни

тақозо этади. Зотан, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Ҳар қайси инсон Конституция ва қонунларга ҳурмат билан қарагандагина бошқалардан – давлатдан, давлат идораларидан, қонунни муҳофаза қиладиган, унинг ижроси учун масъул бўлган ходимлардан ҳам қонунни сўзсиз бажаришни талаб қилишга ҳаққи бор”**¹⁰⁵.

Шу маънода, Конституцияни ўрганиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган тадбирларга тўхталар эканмиз, **Президентимиз 2001 йил 4 январда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойишнинг**¹⁰⁶ аҳамияти нечоғли юксак эканини эътироф этиш жоиз.

Эндиликда Конституциямиз болалар боғчаларидан бошлаб, мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида ўқитилмоқда. Мазкур Фармойиш талабларини бажариш йўлида бугунги кунгача ўнлаб дарслик, рисола ва махсус қўлланмалар тайёрланиб, ҳар икки имлода, бир неча тилда нашр этилгани айни муддаодир.

Шундай қилиб, **мамлакатимизда Конституцияни ўрганишнинг узлуксиз тизими яратилди.**

Мухтасар айтганда, **Конституция – бу истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзидир.** Конституция – биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Асосий Қонунимизда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Шу маънода, Конституциямиз – нафақат бугунги куннинг Қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир.

¹⁰⁵ Қаримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 153-бет.

¹⁰⁶ Халқ сўзи, 2001, 6 январь.

Бош Қонунимиз – Ўзбекистоннинг ўзлигини дунёга тўла намоён этишини таъминлаётган, мустақиллигини тасдиқловчи ноёб гувоҳнома. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси мавжудлигини шоён акс эттириб турибди.

“Ўз-ўзидан аёнки, биз адолатли ва фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя қилиб яшаш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шартдир”¹⁰⁷.

Ислом Каримов

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кучли демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласи Президентимиз Ислом Каримов томонидан асосий вазифа этиб белгилаб берилди. Ўтган йигирма йилдан зиёд вақт давомида юртимизда ҳуқуқий давлат қуриш йўлида муайян натижаларга эришилганини эътироф этган ҳолда, бу борада ҳали олдимизда жуда кўп ишлар турганини ҳам қайд этиш жоиз.

Давлатимиз раҳбари бу йўлда қўйилган дастлабки қадамларга тўхталар экан, **“Биз, энг аввало, ҳуқуқий асосни тайёрладик. Жамиятимизнинг асосий ақидалари, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган Конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тузилмасини ўзгартирдик”¹⁰⁸**, деб қайд этади.

Биз қачонки “демократик давлат” деган иборани айтадиган бўлсак, албатта, “ҳуқуқий” деган сўзни ҳам қўшиб ишлатамиз. Бугунги кунда халқимизнинг сиёсий онги ошиши билан “ҳуқуқ” деган сўз ва унга боғлиқ бўлган **“ҳуқуқий давлат”, “ҳуқуқий онг”, “ҳуқуқий маданият”, “инсон ҳуқуқлари маданияти”** каби истиқлол даври учун янгилик бўлган муҳим тушунчалар ўзида ифода қиладиган мақсадни теран англаш, бу тушунчаларнинг моҳиятига янада чуқур этиб бориш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, **ҳуқуқ** – давлат иродасини ифодалайдиган ва уни куч билан ҳимоя қиладиган умумий мажбурий нормалар мажмуи (тизими). Ҳуқуқ, аввало, феъл-атвор нормалари ёки қоидалари маж-

¹⁰⁷ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 102–103-бетлар.

¹⁰⁸ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 135-бет.

муаси, аниқроқ қилиб айтганда тузилмасидир. Шу маънода, ҳуқуқ эркинлик меъёрини белгилаб ёки чегаралаб, мажбурият юклаб ва аниқлаб, кишилар фаолиятини ижобий йўналтириш учун уларнинг феъл-атвориға фаол таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий давлат – жамиятнинг иродасини ифода этувчи ва уни акс эттирувчи, қонуннинг устуворлиғига асосланган умумий ташкилотдир. Ҳуқуқий давлат – ҳуқуқнинг ҳукмронлиғи ва устуворлиғи, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиғи таъминланадиган, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари иши самарали бўлган, ҳақиқий халқ ҳокимияти, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлат.

Ҳуқуқий давлат давлатнинг ривожланганлик даражасини белгилаб беради ва унинг қуйидаги белгилари мавжуд:

биринчиси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий ва ҳар томонлама кафолатланиши;

иккинчиси, ҳуқуқ ва қонуннинг устуворлиғи;

учинчиси, қонунларнинг тўғри амал қилиши;

тўртинчиси, фуқароларнинг давлат олдидаги масъулияти ва аксинча, давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулияти; ҳокимиятларнинг тақсимланиш принципининг амалиётга татбиқ қилиниши;

бешинчиси, жамият томонидан қўллаб-қувватланадиган, демократия, қонунийлик ва конституциявийлик режимларининг мавжудлиғи.

Президентимиз қайд этганидек, **“Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиғи, Конституция ва қонунларнинг устунлиғи таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиғи принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: “Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади”**¹⁰⁹.

Ҳуқуқий маданият деганда, жамиятнинг қонунчилик даражаси, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси, халқнинг ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиши тушунилади.

¹⁰⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 125-бет.

Хуқуқий маданият – бу хуқуқий саводхонликдир. Хуқуқий маданиятни юксалтириш хуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Бошқача айтганда, хуқуқий маданиятсиз хуқуқий давлат бўлмайди. Давлатимиз раҳбари ўзининг **“Биздан озод ва обод Ватан қолсин”** китобида: **“Хуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши хуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида хуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга, хуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-хуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, хуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади”**¹¹⁰, деб таъкидлайди.

Юқоридаги таърифлардан яққол кўриниб турибдики, **хуқуқий давлат ва хуқуқий маданият – ўзаро узвий боғлиқ.** Аҳолининг хуқуқий саводхонлигини йилдан-йилга ошириб бориш хуқуқий давлат қуришнинг энг муҳим омилдир.

Маълумки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва хуқуқий маданиятни юксалтириш борасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази каби миллий тузилмалар ишлаб турибди. Шунингдек, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус бўлинмалар тузилган ва бугунги кунда фаол ишламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори билан мамлакатимизда **Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш** ташкил этилди.

Бугунги кунда Идоралараро кенгаш ўз фаолиятини изчил олиб бормоқда. Жумладан, 2013 йилнинг бошида жамиятда хуқуқий мада-

¹¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, – 322-бет.

ниятни юксалтириш ишларини янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимлар тарғиботини кучайтириш мақсадида Идоралараро кенгаш томонидан **“Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан конференция, семинар, давра суҳбатларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича Услубий қўлланма”** ишлаб чиқилди.

Мазкур Услубий қўлланманинг тасдиқланиши ва ижрога йўналтирилиши муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан ташкил этилган мазкур Идоралараро кенгашнинг жорий фаолиятида жиддий аҳамият касб этади.

Умуман олганда, бу ҳужжат мамлакатимиздаги барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимлар тарғиботини кучайтириш борасидаги ишларини янада жадал, кенг миқёсда ва тартибли ташкил этишлари учун асос бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Идоралараро кенгашнинг зиммасига юклатилган вазифалар **“Обод турмуш йили”**да амалга ошириладиган ишлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Нега деганда, агарки инсоннинг ҳуқуқий маданияти, онги, савияси юқори бўлса, бу соҳадаги ўзгаришлардан хабардор бўлса, демак, юрт обод бўлади.

Юрт ободлиги аввало кўнгилдан бошланади. Чунки ҳаётни, турмушни обод қилиш учун, аввало, инсон кўнгли обод бўлиши даркор. Обод юртда яшаш ҳам инсоннинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади. Инсоннинг ҳуқуқий маданиятини ошириш эса, юрт ободлигининг асосий шартидир. Обод юртда яшаш ҳам инсон ҳуқуқига киради.

Шу ўринда бевосита ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган миллий меъёрий-ҳуқуқий асосга тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши;

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 10 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида”ги Қарори.

Шундай қилиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун мустақилликнинг дастлабки давриданоқ мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Кейинги вақтда бу борада амалда бўлган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида муайян ишлар олиб борилаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Жумладан, 2012 йилда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жаҳон парламентаризмида ноёб воқелик бўлган **“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”нинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тайёрланди.** Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни янги, янада юқори босқичларга кўтаришга хизмат қилади.

Бу ишлар кўп жиҳатдан янги ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ экани сир эмас. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади. Шунинг учун одамларда Конституцияга, қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш катта аҳамиятга эга.

Энг муҳими, ҳаётимизнинг, жамиятимизнинг асосий принципларини ва давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий тузилишини, умуминсоний кадриятларга асосланган, эркин демократик келажакимизни аниқ белгилаб берган Конституциямиз ҳуқуқий давлат пойдеворини қуриб берди.

Айни вақтда ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланишини назарда тутиб, қонунларимизни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этишга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

бажарилишининг мониторингини кучайтиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Албатта, фуқароларимизнинг маънавиятини, ҳуқуқий онги ва маданиятини миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар асосида ўстириш борасидаги фаолиятимизда Президентимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”**ги Фармойишини бажариш бўйича амалий тажриба ўз самараларини бермоқда.

Ушбу муҳим ҳужжат, авваламбор, бизга олдимизда турган буюк мақсадларимизга босқичма-босқич эришиш, бу йўлда дуч келадиган барча ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳар бир ўзбекистонлик учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч – бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир, деган, барчамизга бирдек дахлдор бўлган муҳим ҳақиқатни теран англади.

Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимиз раҳбари фақат Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаб, Конституциянинг қабул қилиниши вазифасини ҳал қилибгина қолмай, балки Асосий Қонуннинг кафили сифатида майдонга чиқар экан, Конституция нормалари ва қоидаларини ҳаётга тўла татбиқ қилишни ҳам амалга оширди.

Конституция ҳар бир инсон, фуқаронинг ҳуқуқий хулқ-атворини белгилаб беради. Уни билмай туриб, ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди. Шу маънода, Ислом Каримовнинг **Конституция ҳуқуқий маданият асоси, миллий қонунчилик негизи эканини**, Конституцияга садоқат Ватанга ва ўз халқига садоқатни келтириб чиқаришини инobatга олиб, Асосий Қонунни ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратгани айниқса диққатга сазовор.

Мазкур Фармойиш ижросининг самараси ўлароқ, бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари, олий ўқув юртларидан тортиб маҳаллаларгача қамраб олган узлуксиз конституциявий-ҳуқуқий таълим тизими яратилди. Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга бағишланган шарҳлар ва 50 дан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг бакалаврлик ва магистрлик босқичлари учун алоҳида-алоҳида дарсликлар чиқарилди.

Айни чоғда, мамлакатимизда нафақат Конституцияни ўрганиш, балки, умуман, ҳуқуқий билимлар сари сафарбарлик, яъни фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қайтишнинг бош ташаббускори Президентимиз Ислоҳ Каримов эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Конституция кунига бағишланган маросимлардаги нутқларида Юртбошимиз томонидан ҳар гал янгидан-янги ғоялар ва фикрларнинг илгари сурилиши яхши анъанага айланди.

Шу тахлит Ўзбекистонда маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарбиянинг узлуксиз тизими яратилди.

Ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири – аҳоли ҳуқуқий онги ўсиши динамикасини мониторинг қилишни таъминлашдир. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятга асосланади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчалари, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзаро узвий боғлиқ тушунчалардир.

Ҳуқуқий онг деганда, кишиларнинг ҳуқуқ ҳақида тушунча ва билимларга эга бўлиши, шунингдек, ҳуқуқ борасидаги тасавурларнинг инсон онгида акс этиши тушунилади. **Ҳуқуқий мафкура** – ҳар хил ҳуқуқий ходисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, ғоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборат.

Ҳуқуқий маданият бўлмаса, ҳуқуқий онг ҳам бўлмайди. Ҳуқуқий онг дегани бу – қонунларни фақат билишгина эмас, балки уларни изчил ижро этиш ҳамдир. Президентимиз уқтирганидек, **“Қонунлар сўзсиз бажарилгандагина биз ҳуқуқий давлат қуришимиз мумкин”**.

“Ҳуқуқий онг” тушунчаси “ҳуқуқий саводхонлик” тушунчасидан кенгрокдир. Ҳуқуқий онг қонунларнинг ижросини ҳам ўз ичига олади. Демократик жамиятда қонунларнинг ижро этилиши билан бирга, қонунларга ҳурмат кўрсатилишини ҳам таъминлаш тақозо этилади.

Мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“олдимизда турган барча ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч – бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир.**

Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин. Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг

маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўллан-масига айлантиришимиз даркор”¹¹¹.

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида биз шахс ва оиланинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш вазифасини ўзимиз учун мақсад қилиб қўйиш билан бирга, бу масалани том маънодаги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти сифатида белгилаб олдик.

Ҳуқуқий онг бўлмаса, демократия бўлмайди. Ҳуқуқий онгнинг ўсиши – бу ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши, қонунларни ижро этиш ва ҳурмат қилиш даражасининг ошиши, демакдир. Ҳуқуқий онг қонунларни нафақат билишни, балки қонун талабларига итоат этишни ҳам англатади. Албатта, инсон ҳамма қонунларни билиши мумкин эмас, аммо у энг муҳим қонунларни билишга мажбур. Бу конституциявий мажбуриятдир.

Президентимиз куйиниб гапирганларидек: **“Одамларимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Очигини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни ҳимоя қила олмаймиз... Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз биз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат – бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас. Балки у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қайта қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир. Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини англаб етишимиз ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида биргаликда қатъият билан курашмоғимиз лозим”¹¹².**

Бу ҳақда гап борар экан, ҳеч шубҳасиз, аҳолини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш, бунда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада ошириш ғоят долзарб вазифа эканини, яъни фуқароларнинг ахборот олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъ-

¹¹¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 139–140-бетлар.

¹¹² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 251-бет.

минлаш, ўз навбатида, юртдошларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Чунки, ҳаётда ҳар бир инсон ўзининг инсонлигини ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билганда, англаб етгандагина тўла ҳис этади. Акс ҳолда, ўзининг ва ўзгалар ҳуқуқини таниб олмаган инсон жамиятнинг жонсиз бир “мурвати” бўлиб қолаверади. Шу маънода, комил инсонни тарбиялашнинг энг зарур шартларидан бири инсоннинг ҳуқуқни, қонунларни чуқур билишига алоҳида аҳамият қаратишдан иборатдир.

Мамлакатимиз миллий қонунчилиги мунтазам такомиллашиб, қонунчилик соҳаси ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгариш ва янгиланишлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисини юридик ахборот, ҳуқуқий адабиётлар, ҳуқуқий-маърифий оммабоп асарлар билан доимий таъминлаш йўлида салмоқли ишлар қилинди.

Ўзбекистонда бугунги кунда ўнлаб ҳуқуқшуносликка ихтисослашган газета ва журналлар чоп этилаётгани, “Адолат” нашриёти томонидан кўплаб ҳуқуқий адабиётлар, дарсликлар, Конституцияни ўрганиш бўйича юридик рисоалар изчил нашр этилаётганини ижобий ҳол сифатида баҳолаш керак.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон суверен субъект сифатида жаҳон ҳамжамияти билан мустақил халқаро муносабатлар ўрнатиш ҳуқуқидан кенг фойдаланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди, қанчадан-қанча халқаро ҳужжатларни ратификация қилди. Биргина **инсон ҳуқуқлари соҳасига тааллуқли 70 дан ортиқ халқаро шартномага қўшилдик.**

Эслатиш жоизки, миллий қонунларимиз билан халқаро шартномалар ўртасида номувофиқликка дуч келинганда, қоида бўйича ана шу халқаро шартномалар устун ҳисобланади ва тегишли тартибда уларнинг қоидалари қўлланилади. Бу эса, ҳар биримиздан нафақат Конституциямиз ва миллий қонунларимизни, балки мамлакатимиз қўшилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам пухта ўрганишимизни тақозо этади.

Халқаро-ҳуқуқий саводхонликни оширишда, шунингдек, халқаро шартномаларнинг ва имкон борича хорижий давлатлар Конституциялари матнларини ўзбек тилида чоп этиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Бу борада ҳам биринчи қадамлар қўйилди. Халқаро гуманитар ҳуқуққа оид 1949 йилги Женева конвенциялари тўплами, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонларига оид ҳужжатлари тўплами, БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид универсал шартномалари тўплами, хорижий мамлакатлар Конституцияларининг саккиз жилди чоп этилди.

Конституциямиз мазмун-моҳиятини ўрганиш, унинг аҳамиятини кенг тарғиб этиш ва умуман, конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис оммавий ахборот воситаларида мазкур масала бўйича доимий рукнлар туркуми, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш алоҳида аҳамиятга молик.

Бу жабҳадаги ишлар таҳлиliga таяниб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда фуқароларимиз онги ва шуурида конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган мавзудаги чиқишлар фақатгина Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги ёки ҳукуматга қарашли бир неча йирик газеталар кўлами билан чекланиб қолмаётир. Аксинча, айни мавзу партиялар нашрлари, турли тармоқлар газеталари ва умуман мамлакатимизнинг барча оммавий ахборот воситалари учун ҳам муҳим аҳамият касб этаётгани кишини қувонтиради.

Шу билан бирга, бугунги глобаллашув замонида жаҳон жамоатчилигини, халқимизни ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиш, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотлар олишини кенг таъминлаш, шу йўл билан давлат ва жамиятга бўлган ўзаро муносабатларини холис ва ҳаққоний акс эттириш, қолаверса, жамоатчилик фикрини шакллантиришдек муҳим ва масъулиятли ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада кучайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш, даврий матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, интернет-журналистикани шакллантириш, уларнинг том маънодаги мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш бўйича салмоқли натижаларга эришилди.

Эндиликда оммавий ахборот воситалари тобора хилма-хил фикр ва қарашлар минбарига айланиб бормоқда. Мустақил, хусусий бос-

ма ва электрон оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғида миллий домен провайдерлари ва миллий веб-сайтларнинг изчил кўпайиб бораётгани шундан далолатдир. Бу имконият ва салоҳиятдан ҳуқуқий ахборот тарқатиш, шу йўл билан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш йўлида янада кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг нафақат давлат телерадиоканалларида, балки ҳудудий нодавлат телерадиоканаллари ҳамда севиб ўқиладиган газета ва журналларда ҳам ҳуқуқий ахборотлар мунтазам ва замонавий шаклларда бериб борилиши лозим. Шунингдек, мавжуд миллий сайтларда юридик маълумотларни фуқаролар бемалол фойдалана оладиган тарзда жойлаштириш зарур.

Аҳолининг иш фаолияти давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳамда таълим билан қамраб олинмаган қисмининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда замонавий ахборот воситалари, жумладан, интернет ва уяли алоқа тизимлари имкониятидан кенг фойдаланиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, ҳуқуқий йўналишдаги сайтлар сони ва сифатини ошириш, уларнинг фойдаланиш учун қулайлиги масалалари муҳим аҳамиятга эга.

Бу борадаги яна бир ғоят муҳим жиҳат – жамоатчиликка давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолияти ҳақида маълумот бериш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлардан, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг қонуний манфаатларига доир қарорлардан аҳолини кенг хабардор қилиб бориш механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ.

Аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг амалий иштирокини кенгайтириш мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришнинг ғоят муҳим шартидир. Бунинг учун фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, сиёсий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий ахборотлардан кенгроқ фойдаланишга қаратилган зарур имкониятлар яратиш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиши лозим бўлган ҳуқуқий даврий нашрлар ролини янада кучайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон Парламенти томонидан ҳаётнинг барча соҳаларига доир миллий қонунчилик базаси мунтазам такомил-

лаштириб борилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг самарали фаолияти туфайли турли соҳалар бўйича янги қонунлар қабул қилинмоқда, амалдаги қонунларга муҳим қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мавжуд ҳуқуқий негиз халқаро андозалар ва давр талаби асосида изчил мустаҳкамланаяпти. Оммавий ахборот воситаларида ана шу қонун ижодкорлиги жараёнларини, бу қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ва бераётган натижаларини, мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳам атрофлича таҳлил этиб, кўрсатиб бериш мақсадида журналистиканинг замонавий усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш даркор.

Қонунлар ижроси устидан Парламент назорати, шунингдек, жамоатчилик назорати жараёнлари ва натижалари ҳақида фуқароларни ҳолис, муҳим ва қизиқарли услубда тайёрланган журналистик материаллар орқали мунтазам таништириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Парламент олдидаги йиллик ҳисоботидан бошлаб, ижро ҳокимиятининг барча даражалардаги мансабдор шахслари, етакчи давлат ва нодавлат ташкилотларнинг миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳисобдорлигигача кенг қамраб олиши лозим.

Жойларда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг натижалари ва эришилаётган ютуқларни аҳолининг барча қатламлари ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда таҳририятларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш, бу тадбирларнинг ОАВда кенг ёритилишига эришиш керак.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳамда аҳолини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қарорларидан хабардор қилиш мақсадида қарорлар, маънавий-маърифий, ахлоқий-ҳуқуқий тадбирлар, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатларидан чиқарилган хулосаларни кенг оммага ҳавола этиш мақсадида илмий-оммабоп, услубий қўлланмалар ҳамда рисоаларни нашр қилиб тарқатишга эътиборни кучайтириш лозим.

Фуқароларнинг ҳуқуқий ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш борасида хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва амалда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда интернет-журналистиканинг жадал ривожланиш тенденциясидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда нашр этиладиган ҳуқуқий газета ва журналлар, шунингдек, ҳуқуқий ахбо-

рот тарқатадиган телеканаллар ва радиодастурларнинг Интернетда ўз веб-сайтига эга бўлишини тўла таъминлаш, мавжуд веб-сайтлар орасида эса, онлайн тизимида, яъни ахборотлар мунтазам янгилаб туриладиган интернет нашрлар сонини кўпайтириш зарур.

Фуқароларимизнинг ҳуқуқий ахборот олишга доир ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш учун ахборот соҳасида рақамли технология ва Интернет каналлари изчил ривожланаётган, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни виртуал тармоқ орқали узатиш амалиётига эътибор тобора ортиб бораётган ҳозирги даврда илғор ахборот техникаси ва технологияларини жадал ўзлаштириш, бу борада ҳам та- раққий этган дунё билан барабар ривожланиш – давр талабидир.

Аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда хорижий давлат- ларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш фуқа- роларимизнинг ҳуқуқий маданияти тобора юксалиши йўлида янада қулай имкониятлар яратади. Бу борада фуқароларнинг ҳуқуқий би- лимларини оширишга қаратилган ва ҳар бир фуқарода қонунга нис- батан ҳурмат туйғусини кучайтирадиган маънавий-маърифий, илмий- оммабоп адабиётларни нашр қилиш кўламини янада кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Оммавий ахборот воситаларининг нафақат аҳолини ҳуқуқий ах- боротлар билан таъминлашда тутган ролини, балки фуқароларимиз- нинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий мада- ниятини юксалтириш борасидаги ўрни ва аҳамиятини янада кучай- тириш лозим, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсати- нинг таркибий қисми инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш билан узвий боғлиқдир. Миллий тараққиётнинг “ўзбек модели” за- миридаги асл моҳият ҳам ҳар томонлама инсон ҳуқуқлари устувор жамият ва давлат барпо этишдан иборат. Мустақиллик йилларида инсонга берилган кенг ҳуқуқ ва эркинликлар уни ташаббускорлик- ка, тадбиркорликка, бунёдкорликка, ўзи ва оила аъзолари, маҳалла- кўй ва эл-юрт учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга илҳом- лантирмоқда.

Конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш инсон ҳуқуқларидан ажралмасдир. Шунинг учун Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни тушунтириш ва тушуниб олишга бундан кейин ҳам жуда катта эътибор бериш лозим. Бинобарин, ҳар қандай қонун ав- вало уни билиш ва ҳурмат қилиш, унга сўзсиз риоя этиш орқали том

маънода қонунийлик касб этади. Конституциянинг нормаларини ҳам айнан ана шу итоаткорлик ҳаракатга келтиради.

Бу авваламбор, мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам Конституцияни билишларини қатъий талаб этади. Шу боис телевидение ва радио, газета-журналлар, интернет сайтлари ёрдамида Конституция тарғиботининг энг таъсирчан ва энг самарадор усулларини амалда қўллаш бугунги ахборот асрининг, мураккаб глобаллашув замонининг муҳим талабларидандир.

Зотан, **Конституцияга риоя этиш Конституцияга садоқатни, Асосий Қонунга садоқат, ўз навбатида, Ватанга ва халққа садоқатни келтириб чиқаради.** Бу эса, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, унинг маъносига етиб бориб, кундалик ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришни тақозо этади.

Шу маънода, оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантириш, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий онгини янада юксалтиришга қаратилган фаолиятини янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, инсонларнинг ҳуқуқий маданияти ижтимоий-иқтисодий, ғоявий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий кадриятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис ҳар бир фуқаро ушбу соҳалардаги ҳуқуқий кафолатлар моҳиятини яхши билиши ва бу ҳақда амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Оммавий ахборот воситаларида “Ҳуқуқий маданият нима?” “Сиз ҳуқуқни биласизми?” каби йўналишларда ёшларни ўзига жалб қила оладиган мавзуларда туркум мақолаларни бериб бориш, ҳуқуқий билимдон ёшларнинг ўзлари телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда фаол иштирок этишини таъминлаш, уларни мунтазам рағбатлантириб бориш керак.

Аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга бағишланган учрашувлар, ўтказилган тадбирлар, чиқарилган қарорлар юзасидан ҳар хил роликлар тайёрлаш ва уларни CD ва DVD дискларга жойлаштирган ҳолда телевидение ва радио эшиттиришлар орқали ёритиб боришга эришиш лозим. Матбаачилик талаблари асосида ҳуқуқий нашрлар фаолиятини, ОАВ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириб, аҳолига ахборот тарқатишнинг ҳамда ОАВдан фойдаланишнинг янги механизмларини яратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга шарҳлар, кодекслар, қонунлар, турли соҳалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тезкор ва сифатли нашр эттириб, ташкилот ва корхона-

ларга, таълим муассасалари ва маҳаллаларга бепул ёки энг имтиёзли нархларда доимий равишда тарқатиш бу борада катта амалий аҳамият касб этади.

Қонун ҳужжатларини расмий манбаларга асосланган ҳолда, аҳолига содда ва тушунарли усулларда етказиш, уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида ҳуқуқшунос олимлар билан таҳририятлар ва нашриётларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиб, амалдаги барча қонун ҳужжатларига шарҳлар яратиш ва чоп эттириб бориш зарур. Бундан ташқари, солиқ, божхона, банк, молия, ОАВ, меҳнат, ижтимоий таъминот соҳаларига доир савол-жавобларни ўз ичига олган “Аҳоли учун юридик маълумотнома” рукнида нашр этиладиган тўпламларни кўпайтириш даркор.

Ёшларни ҳуқуқий меросимиз хазинасидаги асарлар билан таништириш, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодни ўзлигини танишига, Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат-эътибор руҳида камол топишига хизмат қилади. Шу боис буюк алломаларимизнинг “**Ҳидоя**”, “**Сунани Термизий**”, “**Сиёсатнома**”, “**Усулул-фиқҳ**” каби ҳуқуқий асарларини нашр этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида мунтазам тарғиб этиш долзарб вазифалардандир.

Қисқача айтганда, оммавий ахборот воситалари аҳолининг айрим ҳолларда ҳали ҳам сақланиб келаётган эскича психологиясини тамомила ўзгартириб, одамларда янги ҳуқуқий онгни шакллантиришга хизмат қилиши зарур. Токи ҳар бир юртдошимиз инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари айни вақтнинг ўзида бурч, мажбурият ва масъулият эканини чуқур ҳис этадиган бўлсин.

Албатта, **ҳуқуқий онг ҳуқуқий билимларсиз шаклланмайди ва ривожланмайди**. Ҳар бир кишига шуни тушунтириш лозимки, демократия сари йўл – бу фақат қонунларнинг сони билан эмас, балки уларнинг киши онгига нечоғлик сингиши билан белгиланади.

Ҳуқуқий онг уч мезонда ётади, булар – шахс, жамият, давлат. Ҳар қандай жамиятнинг белгилари жамият ва давлат, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан аниқланиши лозим. Давлат доирасида қонунларни бажариш шарт, жамиятда эса, ахлоқий, маънавий қадриятларга амал қилиш лозим. Инсон жамиятнинг аъзоси сифатида маънавий-ахлоқий қадриятларни ҳисобга олиши шарт. Шахснинг жамиятдаги ўрни унинг маънавий қадриятларга, ахлоқий нормаларга ҳурмати билан ўлчанади.

Ҳуқуқий маданият ва маънавий қадриятлар, ахлоқ-одоб ҳақида гап борганда, авваламбор, кўҳна заминимиз одамлари кўнглида ус-

тувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Зотан, Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида яққол акс эттиради.

Не-не буюк мутафаккир аждодларимиз яшаб ўтган шонли тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва маънавиятга, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, бу буюк инсоний сифатлар халқимиз даҳосининг ўлмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён бўлиб келганини кўришимиз мумкин.

Айнан шунинг учун ҳам истиқлол шарофати билан қабул қилинган Конституциямиз ўзининг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, таъбир жоиз бўлса, инсоний қиёфаси билан ажралиб туради. **Асосий Қонунимизда, Президентимиз таъкидлаганларидек, дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда “фуқаро-жамият-давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик.**

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Конституциямиз – тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Чунки, у Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. **Шу боис Асосий Қонунимиз умуминсоний ғоялар – тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади.**

Бинобарин, инсон ўз ҳуқуқини англаб етар экан, унда ҳуқуқ билан бирга, бурч ва масъулият борлигини ҳам унутмаслиги лозим. Агарки жамиятда ҳаммамиз фақат ҳуқуқимизни талаб қиладиган бўлсак, Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, меҳнатга муносабат, атрофдаги воқеаларга дахлдорлик, виждон амри деган тушунчаларнинг амалий ифодаси қандай бўлади, деган мантиқий савол туғилиши табиий.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб айтганда, **ҳуқуқий маданият – бу қонунчилик берган имкониятлардан, Конституцияда муҳрланган ва қонунларимизда ўз ифодасини топган, биз деярли ҳар куни такрорлаб гапирадиган масала, яъни, бизга берилган шунча ҳуқуқлардан имкон қадар кўп фойдаланиш даражаси деганидир.**

Ҳаётнинг ўзи, тараққиёт қонуниятлари, эришилган марралар, истиқболдаги мақсад ва вазифалар ҳуқуқий демократик ислохотларни қатъият билан давом эттиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Президентининг **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да белгилаб берилган улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш, аввало, таълим-тарбия, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот масалаларига боғлиқ экани зиммамизга катта масъулият юклайди.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек: **“Халқимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим... зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир”**¹¹³.

¹¹³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 29–30-бетлар.

“Эски мустабид ўтмишининг оғир юки ва мероси ҳаётимизда барҳам топмоқда, одамларимиз бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини яхши тушуниб етмоқда, уларнинг миллий манфаатларимизга нақадар жавоб бераётгани ёки бермаётганини ўзига аниқ тасаввур этмоқда. Нега деганда, шуни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим, биз кўпни кўрган, курашларда тобланган, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, муқаддас динимиз ва қадриятларимизни юксак баҳолайдиган халқимиз”¹¹⁴.

Ислом Каримов

КОНСТИТУЦИЯ ВА МАЪНАВИЯТ

Мустақиллик йилларида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий Қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг эркинлик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижасидир. Авваламбор, конституциявий бинони қуришда уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянилганини қайд этиш ўринлидир.

Асосий Қонунимиз қадимги Хоразм ва Сўғдиёна, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва темурийлар, ўзбек хонликлари, халқимизнинг тарихий анъаналари ва унинг мустақил давлат ҳақидаги кўп асрли орзусини ўзида мужассам этган.

Кўхна заминимиз одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган.

Асосий Қонунимиз умуминсоний ғоялар – тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик,

¹¹⁴ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 11–12-бетлар.

мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуг ғояларга хизмат қилади.

Ўзбекистон Конституциясининг ғоя ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий мероси акс эттирилгани унинг ҳаётийлиги кафолатидир.

Шу билан бирга, Асосий Қонунимиз кўплаб демократик давлатларда конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэтироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этган.

Шу маънода, Президентимиз таъкидлаганидек, **“Конституция-мизнинг ўз миллий анъаналаримизга, миллий табиатимизга ва бугунги жаҳон эришган ютуқларга, андозаларга муносиблиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди”**¹¹⁵.

Асосий Қонунимизнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, Конституциямиз асосини давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг машҳур беш тамойилини ўз ичига олган “Ўзбек модели” ташкил этади.

Бу тамойиллар – иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ва ислохотларни босқичма-босқич, тадрижий амалга оширишдан иборат. Конституция халқимизга ларзаларсиз бир ижтимоий-сиёсий тизимдан бошқа тизимга ўтишга ёрдам берди.

Бир сўз билан айтганда, Конституция – барча иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг ҳам, маънавий ислохотларнинг ҳам тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Халқимиз маънавият ва маданият, таълим ва тарбия соҳаларида бой меросга эга бўлиб, ёш авлодини ҳамшиша ватанпарварлик ва инсонпарварлик, дўстлик ва меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат ва биродарлик, бағрикенглик ва камтарлик каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келган.

Президентимиз Ислом Каримов **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** асаарида таъкидлаганидек, **“Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг**

¹¹⁵ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 396-бет.

ички дунёси, продасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”¹¹⁶.

Маънавият – аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса, келажакка боғловчи кўприк вазифасини бажаради. У ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, аждодларимиз тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади.

Тарихимизнинг бойлиги ва буюклиги, аввало, халқимизнинг юксак маънавияти ва маърифати билан боғлиқдир. **Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдулхолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур** каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшганлар.

Доно халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган ибратли сўзлар бежиз айтилмаган. Яъни, ҳар бир шахснинг ўсиб камол топишида у яшаган оила муҳити, устозлари ва мавжуд ижтимоий шароитлар муҳим ўрин тутади.

Афсуски, эски тузум замонида таълим-тарбия, маърифат ва маданиятга иккинчи даражали соҳалар деб қаралди. **“Маънавият”** сўзининг ўзи тилимизда истеъмолдан чиқариб юборилдики, бу тушунча замиридаги қадриятларимизнинг ўша даврдаги аҳволи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шу боисдан, Истиқлол арафасида маънавият соҳасига беқиёс эътибор қаратилиб, Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан тилимизда, демакки, онгу тафаккуримиз – дунёқарашимизда **маънавий бойликлар, маънавий тарбия, халқ маънавий бойлиги, халқ маънавияти, маънавий бурч** каби тушунчалар янгидан шаклланди.

Президентимиз томонидан 2006 йил 25 августда қабул қилинган **“Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарор** бу борадаги ташкилий ва амалий ишларни, ғоявий-услубий ёндашувларни такомиллаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлди.

¹¹⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 19-бет.

Ушбу қарорнинг самараси, биринчи навбатда, шунда намоён бўлдики, жойларда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилган маънавият ва маърифат ишларига эътибор янада кучайди. Бу борадаги фаолият янгича рух, маъно-мазмун билан бойиди.

Мустақиллик йилларида юртимизда Республика Маънавият тарғибот маркази, вилоятларда унинг минтақавий-ҳудудий бўлимлари, шунингдек, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, махсус тарғиботчилар гуруҳлари ташкил этилди. Барча вилоятларда ҳокимларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди.

Шуни таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида амалга оширилаётган маънавий тарғибот фаолияти ўзининг мазмун-моҳият ва аҳамияти жиҳатидан эски даврдаги “пропаганда-агитация ишлари”дан ер билан осмонча фарқ қилади. Конституциямизнинг 12-моддасида: **“Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.**

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”¹¹⁷, деб белгилаб қўйилганини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Мақсадимиз оддий ва ҳаётий – одамларимиз қалби ва онгида юқорида зикр этилган инсоний туйғулар қарор топиши, жамиятимизда олийжаноб фазилатлар устувор бўлишига эришишдир.

Асосий Қонунимизнинг 4-моддасида: **“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.**

Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”¹¹⁸, деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимизнинг ташаббуси ва тарихий жасорати билан 1989 йилдаёқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани, 1990–1991 йилларда қабул қилинган қатор ҳужжатларга мувофиқ юртимизда “Наврўз” байрами қайта тиклангани, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари катта байрам ҳамда дам олиш кунлари деб

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 5-бет.

¹¹⁸ Ўша жойда. – 4-бет.

эълон қилингани – бу каби муҳим тарихий қарорлар халқимизнинг асрий орзу ва армонлари рўёбга чиқиши, миллий кадриятларимиз тикланиши йўлида илк йирик қадамлар бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Ўзбекистонда кўп сонли миллат ва элат вакилларининг биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб умр кечириши натижасида уларнинг ҳар бири маънавий ва маданий жиҳатдан бойиб, ўзаро муносабатлар таъсирида кўп миллатли халқимизнинг турмуш тарзи янада юксалмоқда.

Бошқача айтганда, миллатлараро тотувлик ғояси жамиятимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосига айланмоқда.

Бу ғоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратиб, уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этмоқда.

Бугунги кунда юртимизда маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш, минг йиллар мобайнида сайқалланиб келаётган ибратли анъана ва кадриятларни тарғиб этиш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, жойларда қизиқарли кўрик-танловлар, кўргазмалар, учрашув, мулоқот ва давра суҳбатлари уюштирилмоқда, илмий рисоалар чоп этилмоқда, оммавий ахборот воситаларида ранг-баранг материаллар эълон қилинмоқда.

Конституциямиз ўзининг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, таъбир жоиз бўлса, инсоний қиёфаси билан ажралиб туради. Асосий Қонунимизда, Президентимиз таъкидлаганидек, дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурдик.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **“ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкураравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни баргараф этишининг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир. Бу – жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинакам сиёсий-иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир”**¹¹⁹.

¹¹⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 359-бет.

Ислохот – аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Дунёда энг қийин иш инсонни тарбиялаш, унинг онгу тафаккурини шакллантириш, деган гап бор. Истиқлол ва Конституция шарофати билан жамиятимиздаги маданий-маънавий иқлим тубдан ўзгарди.

Миллатимиз, халқимиз ўзлигини англамоқда. Фуқароларимизда миллий ғурур, орият, шаън, кадр-киммат, номус туйғулари кучаймоқда, ҳаётга янгича муносабат тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Ватанга меҳр, мулкка эгалик ҳисси ошмоқда.

Мустақиллик йилларида одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгарди, бугунги замондошларимиз ўтган асрнинг 90-йилларидаги одамлар эмас. **Юртдошларимизнинг маънавий дунёси, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалиб, ижтимоий фаоллиги ўсиб, дахлдорлик туйғуси кундан-кун кучайиб бормоқда.**

Бинобарин, юксак маънавият, юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият эгаси бўлган шахсни ҳеч ким енга олмайди, бундай юксак сифат даражалари қарор топган давлат ва жамият эса ҳаргиз таназзулга юз тутмайди.

Конституция ва ҳуқуқий маданият, маънавият ва миллий қадриятлар ҳақида гап борганда, кўҳна заминимиз одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олийжаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Зотан, Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида яққол акс эттиради.

“Шу азиз Ватан – барчамизники”, “Ўзбекистон – ягона уйимиз”. Президентимиз Ислон Каримов томонидан айтилган бу ҳикматли даъватларнинг маъно-моҳияти бугун халқимизнинг, миллатидан қатъи назар, шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллади, том маънода қалб амрига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2012 йил – **Мустаҳкам оила йили**, деб эълон қилингани ана шу эзгу мақсаднинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Зеро, тобора глобаллашиб ва мураккаблашиб бораётган бугунги даврда ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз бўлган Ватанимиз ва жамиятимиз, ҳар биримизнинг оила-рўзғоримиз, фарзандларимиз келажагини таъминлашга эришиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик берадики, олийжаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш хал-

қимизнинг энг юксак фазилатларидандир. Истиқлол бизга ана шу эзгу анъаналарни изчил давом эттириш ва авлоддан-авлодга янада мукаммал бўлиб ўтишини таъминлаш имконини берди.

Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, **“Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз – жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир”**¹²⁰.

Ўз навбатида, Конституция – биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя.

Юртимизда мустабид тузум замонидагидан жиддий фарқ қилган ҳолда, хотин-қизларнинг тенглиги, эркинлигини қоғозда, қуруқ сўзда – ҳавойи мафкурада эмас, том маънода амалий ҳаётимизда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, аёлларни иззат-икром қилиш, улуғлаш, ардоқлаш, оғирини енгил қилиш ота-боболаримиздан қолган муқаддас удумимиздир.

Муҳими шундаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларимиз, шу жумладан, хотин-қизлар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамланган.

Шунинг ўзи ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишига оид вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини тамомила янги босқичга кўтариш борасида босқичма-босқич ислохотлар ўз самараларини бераётганини кўрсатиб турибди.

Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбари томонидан истиқлол йилларига **“Инсон манфаатлари”, “Оила”, “Аёллар”, “Соғлом авлод”, “Она ва бола”, “Меҳр ва мурувват”, “Мустаҳкам оила”** каби турли номларнинг берилиши ва шунга мувофиқ тарзда бири-бирини мантикий давом эттирадиган махсус дастурларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши ибратли анъанага айланди.

Агар аҳолимизнинг қарийб 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этишини ҳисобга олсак, юқоридаги дастурлар ижросидан меҳру муҳаббат ва нафосат тимсоли – оналаримиз, опа-сингилларимиз, гўзал ва оқила қизларимизга етаётган манфаатлар кўлами нечоғли кенг экани янада ойдинлашади.

¹²⁰ Каримов. И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 181-бет.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида: **“Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”**¹²¹, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак – улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аجدодларимизнинг ишларини давом эттиришларига муваффақ бўлишимиз, бунинг учун эса, албатта, нуридийдаларимизнинг ҳар томонлама соғлом камол топишларини таъминлашимиз лозим.

Юртдошларимизнинг умр кўриши истиқлол йилларида 6–8 ёшга узайди. Шу биргина мисолнинг ўзи ҳам мамлакатимиз танлаган соғлиқни сақлаш миллий модели қанчалик тўғри ва самарадор эканини тасдиқлаб турибди.

Конституциямизнинг 42-моддасида: **“Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.**

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”¹²², деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни изчил ривожланаётгани мисолида ҳам ана шу конституциявий қонданнинг ҳаётимизга нечоғлик чуқур татбиқ этилаётганини кўриш, кузатиш кишига мароқ бақишлайди.

Маърифат – маънавиятга олиб келадиган йўл. Иқтисодий ислохотларни ҳал этиш, ҳеч шубҳасиз, ғоят муҳим масала. Халқ фаровонлигига ҳам албатта эришамиз.

Аммо маънавий ислохотлар, қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш – бу дунёда бундан ортиқроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ.

Шунинг учун ҳам Президентимиз ана шу омилларнинг барчасини назарда тутиб, Ўзбекистонда таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш борасида янги ташаббус ва ғояларни мунтазам илгари суриб келмоқда.

¹²¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 9-бет.

¹²² Ўша жойда. – 9–10-бетлар.

Бу ташаббуслар амалда ўз тасдиғини топиб, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиғини таъмин этаётгани баробарида, жаҳон ҳам-жамияти эътирофига ҳам сазовор бўлаётир.

Бутунжаҳон банки маълумотига кўра, мамлакатимиз аҳолиснинг саводхонлик даражаси 99,34 фоизга етган. Ўйлаймизки, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан эканини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ҳа, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-хунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажagini таъминлаши мумкин.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва халқ учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар”**¹²³.

Интеллектуал салоҳиятнинг юксак даражада ривожланиши халқнинг миллий маънавияти юксалишида ҳам улкан омилга айланади. Яна бир муҳим томони – у миллий манфаатларни ҳимоя қилишда қудратли қурол вазифасини бажаради.

Қолаверса, интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатда демократик кадриятлар барқарор ривожланади. Чунки, интеллектуал бойлик фақат билим, ақлу тафаккур, илм-фан салоҳияти билан чекланмай, юксак маънавиятни ҳам ўз ичига олади.

Бу ўринда, авваламбор, **Франциянинг нуфузли “Insead” халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан тайёрланиб, 2012 йил 3 июль куни эълон қилинган “2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси” номли таҳлилий маърузага таянган ҳолда жаҳоннинг етакчи оммавий ахборот воситалари тарқатган бир хушхабарга тўхталиш жоиз**¹²⁴.

¹²³ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т. 18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 95-бет.

¹²⁴ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 17-бет.

Яъни, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон дунёда иккинчи ўринни эгаллади, дейилади мазкур хабарда.

Бу каби юксак эътирофлар кейинги даврда тобора кенгайиб, энг муҳими, аниқ илмий-амалий тадқиқотлар, халқаро таҳлилий ҳужжатлар, нуфузли расмий анжуманларнинг якуний резолюцияларида ўз аксини топаётгани диққатга моликдир.

Жумладан, 2012 йил февраль ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган **“Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг** иштирокчилари томонидан қабул қилинган якуний ҳужжатда Ўзбекистонда таълим соҳасида шакланган самарали модель юксак баҳоланиб, бу борада тўпланган тажрибаларни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этиш лозим, деган хулосага келинди.

Тошкент давлат техника университетида амалга оширилаётган “Янги авлод олимлари” лойиҳасини, таъбир жоиз бўлса, илмий салоҳиятга эга замонавий техник кадрларни мақсадли тайёрлашнинг ўзига хос намунавий тизими сифатида кўрсатиш мумкин.

Бу лойиҳага ҳозирда 260 дан зиёд ёш тадқиқотчи жалб этилган бўлиб, улар томонидан мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилувчи истиқболли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бундай ибратли ташаббуслар бошқа олий ўқув юртларида ҳам турли йўналишлар бўйича фаоллик билан амалда татбиқ этилаётгани қувонарлидир.

Президентимизнинг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган **“Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони** ўз вақтида қабул қилинган, соҳадаги демократик янгиланишларни мантиқий давом эттиришга қаратилган дастуриламал ҳужжат бўлди.

Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам! Ёшлар, қайси соҳада бўлмасин, замонавий билимларни эгаллашга, илм чўққиларини забт этишга, энг илғор техника ва технологияларни жиловлашга бел боғлар экан, аввало, ана шу даъватга таяниб иш кўриши айни муддаодир. Биз шавкатли аждодларимизга муносиб бўлмоғимиз зарур.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кон-

цепцияси”да ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча йўналишлари қаторида маънавият соҳасига оид вазифалар ҳам аниқ белгилаб берилган.

Чунки, Концепцияда зикр этилган улуввор ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш, аввало, таълим-тарбия, маънавият-маърифат, тарғиб-бот-ташвиқот масалаларига бориб тақалади.

Концепция, ўз моҳиятига кўра, давлат ва жамият ривожининг принципиал жиҳатдан янги босқичида мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича бошланган кенг кўламли ишларни янада изчил давом эттириш дастуридир.

Президентимиз таъкидлаганидек: **“Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эришолмаймиз, яъни, инсон қалбига йўл тополмаймиз”**¹²⁵.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – озов ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш экан, бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди, ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак қадриятларни ўзида мужассам этади.

Албатта, биргина китоб доирасида истиқлолимизнинг ортда қолган қисқа, айни чоғда шонли тарихи давомида юртимизда амалга оширилган маънавий ислохотларнинг бутун қамровини кўрсатиш, маънавий соҳадаги ўзгаришлар самараларининг мустақил тараққиётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини, қолаверса, истиқболдаги вазифаларимизнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш осон иш эмас.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“Маънавият – узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доим ўзгариш ва янгилашишда бўлади”**¹²⁶.

¹²⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 129-бет.

¹²⁶ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 302–303-бетлар.

“Ўзбекистон мафкуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуроли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишининг қатъий тарафдоридир”¹²⁷.

Ислом Каримов

ХАЛҚ ВА АРМИЯ – ЯҚДИЛ

Ватанни севмоқ – иймондандир. Ватан муҳаббати барчамиз учун бирдай муқаддас, бирдай ардоқли. Ватанни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Юртимиз иқболи ва тинчлигини дилларга жо этган ҳарбийларимиз борки, бизнинг кўнглимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Улар аждодларимиз ўғитларига, уруш ва меҳнат фахрийлари тажрибасига, заҳматкаш халқимизнинг ақлидрокига таянган ҳолда хизмат бурчларини ўтамоқдалар.

Конституциямизнинг XXVI боби мудофаа ва хавфсизлик масалаларига бағишланган¹²⁸. Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуроли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуроли кучларига эга.

Мустақиллик йилларида халқимиз эришган энг катта бойлик, ҳеч шубҳасиз, тинч-тотув ҳаётимиздир. Ана шу осойишта ва барқарор ҳаётнинг мустаҳкам қалқони – миллий армиямизнинг барпо этилиши халқимизнинг мустақилликни қўлга киритиш тарихи билан узвий боғлиқ.

¹²⁷ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 15-бет.

¹²⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 37-бет.

Модомики, Ватан ҳимояси ва Ватан ҳимоячилари ҳақида гап борар экан, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида **1991 йил 6 сентябрь куни Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилгани** ўта мураккаб ва таҳликали йилларда ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмайд яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида дадил қадам бўлганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда **1992 йил 14 январь куни давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ҳудудидаги барча Қуроли Кучларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилингани ва ўша кундан бошлаб миллий армиямизга асос солинганини фахр билан қайд этиш жоиз.**

Албатта, юртимизда барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга бўлган миллий армияни барпо этиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Ҳарбий таълим соҳасини профессионализмдан ташқари, миллий истиқлол ғоялари асосида тубдан қайта ташкил этиш, Қуроли Кучларимизни ҳар қандай хавф-хатарни чуқур таҳлил қилишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, юксак маънавиятли офицер кадрлар билан тўлдириш ниҳоятда муҳим эди.

Дунёдаги айрим иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатлар катта маблағ эвазига четдан ёлланган ҳарбийларга таянишни маъқул кўрган бир пайтда, Президентимиз ташаббуси билан ҳарбий таълимни ривожлантиришга, миллий армиямиз сафларини миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимиз сувини ичиб, тузини татиган, серқуёш заминимизда тарбия топган, вояга етган ўз йигитларимиз билан кенгайтиришга катта эътибор қаратилгани бу борадаги муваффақиятларнинг асосий омиллари бўлди.

Бош Қомусимизда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари мамлакатимизнинг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши, Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуроли кучларига эга бўлиши қатъий белгилаб қўйилган.

Истиқлол йилларида Ватан ҳимоячилари кунини катта байрам, буюк ва муқаддас Ватанимиз тақдирини ўз тақдири деб билган мардлар байрами сифатида кенг нишонлаш анъанага айланган бўлиб, бу

шодиёналар халқимизга бемисл хурсандчилик бағишлаб келмоқда. Зеро, байрам миллат тақдири ва ҳаётига дахлдор бўлсагина, унинг шукуҳи ва руҳи халқнинг кўнглидан, маънавиятидан чуқур жой олади.

Кези келганда, Президентимизнинг ташаббуси ва ғояси асосида 2010 йили пойтахтимизда Қуролли Кучларимиз шарафига ўрнатилган **“Ватанга қасамёд” ҳайкали**¹²⁹ эл-юрт ҳимоячиси бўлган фидойи инсонларга қўйилган гўзал бадиий обида, ёшларимиз учун ўзига хос монументал дарслик сифатида эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Бугун Ўзбекистонда туғилиб, улғайиб, вояга етаётган ёшларимизнинг ҳар бири ўз ҳаётини, келажагини мана шу буюк ва муқаддас, бетакрор Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги билан уйғун кўради. Осуда, хотиржам ва саодатли ҳаётимизнинг кадрига етиб, уни янада зиёда қилишни кимнингдир буйруғи деб эмас, балки кўнглидаги энг тоза ва покиза ният, доимий интилажак ёруғ манзил деб билади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, **“Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда сон жиҳатдан ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоён этмоқда”**¹³⁰.

Ҳақиқатан ҳам, Қуролли Кучларимизни изчил ислоҳ этиш давомида принципиал янги ташкилий-штат тузилмаларини, ҳарбий бошқарув тизимларини, турли қўшин турлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш механизмларини шакллантириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилаш бўйича кўлами ва маъно-мазмунига кўра улкан ва беқиёс ишлар амалга оширилгани ўзининг қутилган самараларини берди.

¹²⁹ Каримов И.А. Ватанга қасамёд, мардлик ва жасорат мадҳияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 23 бет.

¹³⁰ Халқ сўзи, 2013, 12 январь.

Айни вақтда дунёдаги вазият шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларни модернизация қилиш ва уларнинг жанговар тайёргарлигини, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини оширишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Президентимиз уқтирганидек, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатимиз суверенитети ва унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш борасидаги ишларни давом эттириш **“Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонунда** баён этилган ташқи сиёсий стратегиямизни изчил амалга ошириш, Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти ва кафолатидир.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан бу борада бир қатор истиқболли вазифалар белгилаб берилди. Жумладан:

биринчидан, Қуролли Кучларни қўллаш стратегияси ва тактикасини янада такомиллаштириш, жанговар операцияларни олиб бориш бўйича замонавий тажрибани чуқур ва пухта эгаллаш, шунингдек, шерикларимиз бўлган мамлакатлардаги ўқув ва тадқиқот марказларида қўмондонлик таркибининг малака ошириши бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режаларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади;

иккинчидан, давлат чегараларимизни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бўлинмаларни реал вақт мезонлари асосида самарали бошқариш имконини берадиган замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларини қўшинларни бошқариш тизимига кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш даркор;

учинчидан, қўшинларнинг ўқув, жанговар тайёргарлиги маъно-мазмунини тубдан ўзгартириш Қуролли Кучлар қўмондонлигининг устувор вазифаси ҳисобланади. Тезкор-тактик, қўмондонлик-штаб ўқув машқларини пухта режалаштириш, уларни жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирган ҳолда олиб бориш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам ғоят жиддий эътиборни талаб қил-

моқда. Ўқув машқлари давомида моделлаштириш ва симуляция усулларидан фаол ва кенг фойдаланиш, мамлакатимиз худудига суқилиб киришга уринадиган бузғунчи тўдалар, қўпоровчи-террорчи гуруҳларни бартараф этиш бўйича жанговар операцияларни олиб боришнинг турли модель ҳамда вариантларини синаб қўриш муҳим аҳамиятга эга;

тўртинчидан, Қуролли Кучларни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан қайта таъминлашни давом эттириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши шарт. Бу соҳада шерикларимиз бўлган хорижий мамлакатлар билан халқаро ҳарбий-техник ҳамкорликни яхшилаш ва унинг қўламини кенгайтириш зарур;

бешинчидан, ҳарбий кадрлар, биринчи навбатда, чуқур билимга эга бўлган ва замонавий фикрлайдиган, интеллектуал етук офицерларни, шунингдек, бугунги кунда армиямизнинг ўзагини ташкил этаётган юксак профессионал малакали кичик командирлар – сержантларни тарбиялаш тизимини тубдан яхшилаш ҳам Қуролли Кучлар қўмондонлиги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши даркор.

Бу борада, Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар мактабларида ҳарбий кадрларга ҳарбий соҳа ва ҳарбий санъат ривожига асосий тенденцияларни акс эттирадиган, принципал жиҳатдан янги мутахассислик ва илм-фан йўналишларини жанговар ҳаракатларни олиб боришнинг хорижий тажрибаси, замонавий шакл ва методларини ҳисобга олган ҳолда ўргатиш олдимизда турган ишларнинг энг масъулиятли жабҳаси ҳисобланади;

олтинчидан, армияда офицерлар, сержантлар ва оддий аскарларда юксак маънавий фазилатлар, мустаҳкам ирода, Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини камол топтириш, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишлар тизимини тубдан яхшилаш Қуролли Кучларимиз барча бўғинлари командирларининг алоҳида муҳим вазифасидир, деб таъкидлайди Президентимиз.

Аён ҳақиқат шуки, бугунги кунда ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади. Ҳозирги вақтда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб кел-

моқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси – ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий кадриятларига эга бўлган ёшлардир.

Ана шу реал воқеликдан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари олдида турган яна бир долзарб вазифани белгилаб берди. Яъни:

еттинчидан, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг, миллий армия-мизнинг ана шундай янги қиёфасини ҳисобга олган ҳолда, эски қолип ва мезонлардан қатъий воз кечиб, мавжуд Умумқўшин уставлари, қўлланмалари, қоида ва йўл-йўриқларини, ўқув-тарбия ишларини, қўшинларнинг жанговар хизмат фаолиятини ташкил этишнинг шакл ва методларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур¹³¹.

Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу йўналишдаги ишларимизнинг бош мақсади Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ёшларда қатъий ирода ва характер, ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг юксак инсоний фазилатлар соҳиби ва жисмоний чиниққан бўлишларига эришиш, ўз билим ва малакасини такомиллаштириш, фан-техника янгиликларини эгаллаш, мамлакатимизда хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш борасидаги ўзининг ҳарбий бурчини сидқидилдан адо этиш учун интилиб яшашга хизмат қиладиган муҳитни мустаҳкамлашдан иборат бўлиши керак.

Бу вазифани амалга оширишга **Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашини**, маданият, санъат, спорт намояндалари, мамлакатимиз кенг жамоатчилиги вакиллари фаол жалб этиш лозим, деб уқтиради мамлакатимиз раҳбари.

Маълумки, ушбу Жамоатчилик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган “**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини тузиш тўғрисида**”ги **Қарорига** мувофиқ ташкил этилган.

Кенгаш мақсад ва вазифаларига кўра, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатига дахлдор энг долзарб масалаларга оид жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришдан бошлаб, резервга бўша-

¹³¹ Халқ сўзи, 2012, 12 январь.

тилган фуқароларнинг ижтимоий ва профессионал мослашувига ча бўлган масалаларни ҳал этиш, шунга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган муҳим вазифаларни бажаришга киришди.

Президентимизнинг мазкур Қарори бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, бу борада жамоат ташкилотларининг роли ва мавқеини юксалтириш йўлида навбатдаги муҳим ва таъсирчан қадам бўлди. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳужжат миллий армиямиз билан халқимиз ўртасидаги яқдилликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳарбий қисмлардаги шарт-шароитлар, ҳарбийларимизнинг ҳаёти ва хизмат фаолияти жараёнлари жамоатчилигимизнинг кўз ўнгида, худди кўзгудагидек намоён бўлиб туришини таъминлашда мазкур тарихий ҳужжатнинг баҳоси беқиёс. Мамлакатимиз раҳбарининг қарорига қўра тузилган Жамоатчилик кенгаши наинки ҳарбий қисмлардаги маънавий-маърифий иқлим юксалишида, айни чоғда ёшларимизни ҳарбий хизматга тайёрлаш, юртдошларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, бу воят долзарб ташаббус **“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”** деган эзгу тамойилни ҳаётимизга янада изчил ва теран татбиқ этишда катта роль ўйнайди. Жамоат ташкилотларининг, жамоатчилик назоратининг фаолият кўламини кенгайтиришнинг бундай ноёб амалиёти, фикримизча, хориж тажрибасида ҳам ҳали мавжуд эмас.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг Қарори юртимиз жамоат ташкилотлари вакилларига билдирилган катта ишонч бўлиб, уларга муайян ваколатлар билан бирга масъулият ҳам юклайди.

Бундан кўзланган мақсад, авваламбор, тинчликни асраб-авайлаш, тинчликнинг қадрига етиш, тинчликни тараннум этиш, десак муболаға бўлмайди.

Эътибор беринг: биз инсоният тарихидаги энг ривожланган даврда яшаяпмиз. Фан-техника тараққиёти янги-янги босқичларга кўтарилмоқда, одамларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Бироқ тинчлик, ҳаёт аввалида бўлганидек, ҳозир ҳам энг тансиқ неъмат. Буни дунёнинг ҳар кунги манзараси инсониятга бот-бот эслатиб турибди. Мустақиллик йилларида халқимиз эришган энг катта бойлик, ҳеч шубҳасиз, тинч-тотув ҳаётимиздир.

Жамоатчилик кенгаши фаолияти доирасидаги тадбирларнинг амалий аҳамиятига келсак, илгари ҳарбий қисмларда театр ва кино усталари, хонанда ва санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, олимлар ва маънавият тарғиботчилари билан учрашув ҳамда мулоқотлар фақат байрамлар муносабати билан ташкил этиб келинган бўлса, эндиликда бундай тадбирлар тизимли ва мунтазам тус олади.

Жамоатчилик вакиллари ҳарбийларимизнинг ҳузурига, ўз навбатида, ҳарбийлар намояндалари жамоатчилик ҳузурига боришини, барча байрам ва яхши кунларни биргаликда нишонлашни кенг йўлга қўйиш, қисқа қилиб айтганда, ҳарбийларимиз билан халқимиз ўртасидаги азалий бирдамлик, меҳр-оқибат, ўзаро эътибор ва эҳтиром, ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғуларини янги, янада юксак босқичларда тараннум этишга эришмоғимиз керак. Президентимиз зиммамизга юклаган вазифанинг асл мазмун-моҳияти ҳам шунда.

Қуролли Кучларимиз сафларида наинки ҳарбий интизом ва жанговар техникани, ҳарбий-спорт машқлари ва ҳарбий уставларни қиёмига етказиб ўрганган, айни чоғда ота-онасига, яқинларига, маҳаллақўйи, Ватанига меҳр-муҳаббати ва садоқатини шеър ва қўшиқ орқали, санъатнинг турли услублари ҳамда воситаларида ёрқин ифода этиш қобилиятига эга бўлган иқтидорли ва салоҳиятли ҳарбийларимиз бисёр.

Бундай ноёб истеъдод соҳиби бўлган офицер ва сержантларни, аскар ва курсантларни излаб топиш, кашф этишга доимий эътибор қаратиш, бу эзгу ишга тизимли ёндашиш даркор. Жумладан, шундай лаёқат соҳиби бўлган ҳарбийларимизнинг ижодий кечаларини, концерт дастурларини, асарлари тақдимотларини доимий равишда ташкил этиб бориш лозим.

Негаки, ҳарбийларимиз, умуман, юртдошларимизнинг ўз касбига, ўз бурчига, ҳаётга кўтаринки руҳ ва тиниқ ижодий кайфият билан ёндашиши юксак интеллект ва маънавият белгиси ҳисобланади. **Халқимизнинг қалбида не-не авлодлардан мерос бўлиб келаётган юксак маънавият эса, Президентимиз таъкидлаганидек, енгилмас кучдир.**

Ўз навбатида, юртимизда 2013 йилнинг **“Обод турмуш йили”** деб эълон қилиниши муносабати билан ҳарбий хизматчиларни уйжой билан таъминлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, уларда бугунги кун талабларига, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг эҳтиёжларига жавоб бе-

радиган барча қулайликларни яратишга қаратилган давлат дастурларини изчил амалга ошириш янги, янада юқори босқичларга кўтарилмоқда.

Ҳа, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – улкан тарихий аҳамиятга эга ноёб ҳужжат бўлиб, унда суверен давлат ва адолатли жамиятни шакллантиришнинг муҳим асослари, инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик, фуқаролар осойишталиги ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш мустаҳкамланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ – ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Авдрэ Дюле,

*Франция Сенатининг “Франция-Марказий Осиё”
парламентлараро гуруҳи раиси:*

– Ўзбекистон Конституцияси жаҳонда амалдаги энг демократик Асосий Қонунлардан биридир. Унинг қоидалари давлат бошқарувининг замонавий институтлари ташкил этилиши ва ривожланиши ҳамда фуқаролик жамияти мустақамланиши имкониятини беради. Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва “хабеас корпус” институтининг жорий этилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган аниқ қадамларнинг натижалари бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бугунги кунда юздан ортиқ этник гуруҳлар иноқ яшаётган Ўзбекистон фуқаролик институтлари самарали фаолият кўрсатиши учун очиқ бўлган демократик мамлакат ҳисобланади.

Мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистон энг ривожланган демократик мамлакатлар бир неча ўн йиллар мобайнида эришган натижаларни қўлга киритди.

Л. Фоллерс,

*Ўзбекистон Республикасининг Бремендаги
фахрий консули:*

– Навқирон Ўзбекистон мустақил ривожланиш йилларида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда катта ютуқларга эришди. Республика Конституцияси демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш учун барча зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни яратди. Ўзбекистонда шакллантирилган ҳуқуқий база мамлакатда барча соҳаларни янада ривожлантиришга кўмаклашади ҳамда кўламли ислохотлар ва республикани барқарор ривожлантиришнинг ишончли асоси бўлиб хизмат қилади.

Ли Ман Соп,

*Жанубий Корея Миллий Ассамблеясининг
собиқ спикери:*

– Мамлакат Конституцияси ҳар бир давлат учун Асосий Қонун ҳисобланади. Конституция ўзида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари-

ни, мамлакатдаги тинчлик ва тотувликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган, умум томонидан қабул қилинган демократик меъёрларни ифодалаш керак. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда Президент Ислоҳ Каримов раҳбарлигида жуда катта ишлар амалга оширилди. Масъулиятни зиммамга олган ҳолда айтишим мумкинки, Сизнинг Асосий Қонунингиз умумий қабул қилинган халқаро меъёрларга тўлиқ мувофиқдир.

Катрин Пужоль,

*Шарқ цивилизациялари миллий институти
профессори, сиёсатшунос (Франция):*

– Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг роли ва ўрни тобора ошиб бораётган шароитларда мамлакат Конституцияси маънавий тараққиётни таъминлаш ишида, асосийси, мамлакатнинг изчил иқтисодий ривожланиши ва халқ фаровонлиги ошишида реал ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси мустақиллик қўлга киритилгандан кейин жуда қисқа муддатларда ишлаб чиқилганлиги ва қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Асосий Қонунни ишлаб чиқишда ўзбек давлатчилиги ривожланишининг бой тарихий йўли, конституциявий қурилишнинг замонавий ғоялари, универсал демократик тамойиллар ҳамда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг илғор конституциявий тажрибаси ҳисобга олинди.

Ўзбекистон Конституцияси демократик ривожланиш йўлида мамлакатнинг барқарор ва изчил олға боришининг, “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалга оширишнинг асоси ҳисобланади.

Элчин Ҳусейнов,

*“Trend” халқаро ахборот агентлигининг халқаро
ҳамкорлик бўйича директори:*

– Ўзбекистонликларнинг иродаси ва хоҳиши, кучи ва қудрати, серғайрат, серҳафсалалиги ва бунёдкорона меҳнати туфайли жаҳон харитасида янги мустақил, суверен давлат пайдо бўлди. Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон ва диний эътиқод эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлашга, жамиятда бағрикенглик руҳи мустаҳкамланишига ҳамда динлараро дўстлик ва ҳамкорлик ривожланишига катта аҳамият берилмоқда. Республика Конституцияси ва қонунлари халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг асо-

сий қоидалари ва талабаларига мувофиқ бўлиб, виждон эркинлигини амалга оширишнинг конституциявий тамойиллари ва тартибини белгилаб беради.

Г. Штромайер,

*Берлин-Бранденбург Фанлар академияси
профессори (Германия):*

– Ўзбекистон Конституциясида умуминсоний қадриятлар билан биргаликда ўзбек халқининг ноёб миллий анъаналари тўлиқ даражада ақс эттирилган. Унда бошқа мамлакатлар конституцияларида кўриш қийин бўлган кексаларга ғамхўрлик қилиш, болаларнинг ота-оналар олдидаги бурчлари каби тамойиллар мустақкамланган.

К. Ладаж,

*Фонтис университети профессори, ҳукуматга қарашли
бўлмаган “Intertwine Consultancy” таъшилоту раҳбари
(Нидерландия):*

– Ўзбекистон Конституцияси билан танишиб, у демократик давлатнинг умумий эътироф этилган барча меъёрларига жавоб берадиган замонавий Конституция экан, деган хулосага келдим. Ўзбекистон Конституцияси замонавий демократик жамият қураётган кўплаб бошқа давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шарлота Уанг,

*Франция матбуот институти фан доктори,
Ўрта Осиё ва Қозоғистон геосиёсати бўйича эксперт:*

– Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида илғор миллий ва умуминсоний қадриятлар ўз аксини топган бўлиб, у мамлакат изчил ривожланишининг, давлат ва жамият қурилишининг, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишининг, демократия тамойиллари амалга оширилишининг ишончли ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон қисқа даврда мамлакатни демократлаштириш ва эркинлаштириш ишида олға томон салмоқли юришни амалга оширди. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги дастурий нутқлари бунинг яққол мисоли бўлиб хизмат қилади. Ушбу нутқлар мантиқан бир-бирини тўлдиради ва мамлакатнинг ҳозирги ривожланиши билан янада кенг танишиш

имконини беради. Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган асосий йўналишлар, шубҳасиз, давлатнинг бундан кейинги демократик янгиланиши асоси бўлиб хизмат қилади.

Биз яқин келажакда республикада ислохотларнинг туб бурилиш билан тавсифланадиган янги босқичга кўтарилишига гувоҳ бўлишимизга ишонаман. Ушбу ислохотлар минтақадаги қўшни мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади. Мустақил оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш жараёни кучли фуқаролик жамияти қуриш, давлатнинг чуқур ўйланган стратегияни амалга ошириши учун зарур шарт ҳисобланади. Мамлакатда амалга оширилаётган қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш йўлларини белгилаб олиш фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ва уларнинг ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлиги, бутун мамлакатда ижтимоий хусусиятга эга бўлган дастурларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг янада фаол иштирок этиши учун қулай муҳит яратади.

Саид Ирандуст,

Осиё технологиялар институти президенти:

– Ўзбекистон Конституцияси ёш мустақил давлатнинг қарор топишида муҳим роль ўйнади ва ҳозирги вақтда мамлакатнинг изчил демократик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ишончли кафили бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасида катта ишлар олиб борилмоқда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратишда, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришда, ахборот соҳасини ислоҳ қилишда ва мамлакатда сайлов қонунчилигини ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Алан Пелукс,

Франция Ташқи ишлар вазирлиги вакили:

– Мамлакатингиз мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов раҳбарлиги остида барча соҳаларда ажойиб натижаларга эришди. Кўп жиҳатдан ислохотларнинг аниқ мақсадли дастурларини амалга ошириш туфайли Ўзбекистон, бошқа ёш мамлакатлардан фарқ қилган ҳолда, ўтиш даври қийинчиликларини енгиб ўтишга, иқтисодиётнинг изчил ўсишига, ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш ва демократлаштириш соҳасида ислохотларни самарали амалга оширишга муваффақ бўлди.

Шак-шубҳасиз, республиканинг барча муваффақиятларига Ўзбекистоннинг Асосий Қонунида ифодаланган тамойиллар ва меъёрларга қатъий риоя қилиниши асос бўлди.

Нирмала Жоши,
*“Ҳиндистон-Марказий Осиё” тадқиқот
жамғармаси директори:*

– Ўзбекистон Конституцияни қабул қилиб, қонун устуворлигига ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган демократик ривожланиш йўлини танлади. Ўзбекистон Конституцияси ислохотлар миллий моделининг муваффақиятли амалга оширилиши ва мамлакатни модернизация қилиш учун яхлит ҳуқуқий базани таъминламоқда. Мана шу туфайли давлат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишларда улкан таассурот қолдирадиган натижаларга эришмоқда.

Дидье Мос,
*Франция Давлат кенгаши аъзоси, Конституциявий
ҳуқуқ халқаро ассоциацияси раиси:*

– Ўзбекистон Конституцияси билан батафсил танишиб, унинг ривожланган демократик давлатларнинг Асосий Қонунларига тўлиқ мувофиқ эканини айтишим мумкин. Унда демократик давлат қуришнинг барча асосий тамойиллари – Президентлик институти, ҳукумат, парламент, суд органларининг ваколатлари ва бошқалар ўз аксини топган. Демократиянинг универсал қадриятларига тўлиқ даражада мувофиқ бўлган инсоннинг асосий ҳуқуқлари аниқ белгиланган.

Ўзбекистон асосий ҳужжатининг тузилиши шу тарзда қурилганки, у мамлакатнинг келажаги учун салмоқли базага айланган ҳолда, унинг барқарор сиёий ва институционал ривожланишини таъминламоқда. Конституциянинг барча қондалари долзарб ва улар ҳаётга фаол жорий этилмоқда. Энг асосийси – Ўзбекистон Конституцияси давр билан бирга қадам ташламоқда, такомиллашмоқда.

Арун Моханти,
*профессор, “Евроосиё” тадқиқот-таҳлил
жамғармаси директори:*

– Ўзбекистон мустақиллик йилларида аҳоли ҳаёт даражасини изчил ошириб бориб, иқтисодий ривожланишнинг барқарор кўрсаткичларини намойиш қилмоқда. Ушбу ютуқлар мамлакат Конститу-

циясида акс эттирилган ҳар томонлама чуқур ўйланган меъёрлар, қоидалар ва тамойилларни ҳаётга жорий этишга асосланган танланган йўлга содиқликни намоён қилмоқда. Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни демократик давлат қуриш устуворликларини аниқ белгиланган ҳолда, ўзбек халқининг узоқ муддатли манфаатлари ва интилишларига мосдир. Мустақиллик йилларида республикада аҳолининг ижтимоий фаоллиги сезиларли даражада ошди. Бу, ўз навбатида, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг кўламларини кенгайтириш ва уларни фаоллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари родини кучайтириш учун барқарор негиз яратади.

Люджер Пере,

Бельгиянинг “Эверест” компанияси директори:

– Ўзбекистон қисқа тарихий даврда ўз давлатчилигини мустақамлаш ва демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш йўлида бекиёс муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган тамойилларни бажариш ушбу муваффақиятларга асос бўлганлигини қайд этиш муҳимдир.

Шарль Висенти,

Франция ҳуқуқ ва савдо ассоциацияси президенти:

– Ўзбекистон Конституцияси ўзбек давлатчилигининг қарор топишида муҳим роль ўйнади ва мамлакатнинг изчил демократик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ишончли кафили бўлиб хизмат қилади.

Конституция яратиб берган қонунчилик базаси шарт-шароитлари туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти ўсишнинг юксак, эътиборга муносиб суръатларини намоёиш қилиб, муваффақиятли ривожланмоқда. Айни вақтда самарали қонунчилик хорижий инвестициялар жалб этилишига, халқаро майдонда катта нуфузга эга бўлган Европа корхоналари билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда ва суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Айниқса, мамлакатда яраштириш институти жорий этилиши сингари юридик ҳужжатлар, “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани,

судларнинг ихтисослашуви, апелляция, содалаштирилган суд амалиёти ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш имконини берадиган вакиллар институти ташкил этилгани муҳимлигини қайд этиш зарур. Арбитраж фаолияти тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳити мустаҳкамлашишига ҳам хизмат қилади.

Жорж Крол,

*Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон
Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:*

– Конституция демократик жамиятни бунёд этиш йўлидаги асосий ҳужжат саналади. Шунини алоҳида таъкидлашни истар эдимки, Конституция нафақат мамлакатнинг Асосий Қонуни, балки ҳаёт пойдевори ҳамдир.

Ўзбекистон раҳбари қайд этганидек, мамлакатда амалга оширилаётган изчил ислохотлар Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва қоидаларнинг ҳақиқий тимсолидир. Конституция ўзбек халқининг фахри ва тараққиётни рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.

Мамлакатингиз Президенти Ислам Каримов ташаббусига кўра, 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши Ўзбекистон халқининг фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Ле Ман Луан,

*Вьетнамнинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси:*

– Мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ва эътиқодлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб келаётгани таҳсинга сазовордир. Мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар тили, урф-одат ва анъаналарига нисбатан ҳурмат билан муносабат таъминланиши, уларнинг муносиб ҳаёт тарзи учун шарт-шароитларнинг яратиб берилиш тамойилининг Конституцияда ўз ифодасини топгани ва изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани нафақат бу борадаги, балки кенг қамровли барча муваффақиятларнинг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамоат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари муҳофаза қилиниши улар учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Шу боис фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти мам-

лакатингизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда унинг қонуний манфаатларини химоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Александр Саковскис,

Латвия парламенти – Сеймнинг Ўзбекистон билан парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳи раиси:

– Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги муваффақиятли тараққиётида замонавий давлат ва жамият шаклланишининг асосий тамойиллари ва меъёрларини ўзида акс эттирган мамлакат Конституцияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мен Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва унинг беш тамойили қай тарзда ҳаётга татбиқ этилаётганини узоқ йиллардан буён катта қизиқиш билан кузатиб келаман. Шу ўринда юртингизда барча фуқаролар манфаатларига жавоб берадиган ҳамда дунё мамлакатларининг илғор тажрибасига асосланган кенг миқёсли ислохотлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлашни жоиз, деб биламан.

“Ўзбек модели”да акс этган иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги ҳамда қонун устуворлиги сингари тамойиллар Ўзбекистонда мустақам ҳуқуқий асос яратилганини, шунингдек, ўзбек халқининг мамлакат ҳаётини янада яхшилаш ва юксалтиришга бўлган интилишларини намоён этади. Фикримча, Ўзбекистон бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна сифатида хизмат қилади. Жумладан, мамлакатингизда ҳукм сураётган бағрикенглик, миллатлараро ва эътиқодлараро ҳамжиҳатлик таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон бўйлаб сафарим чоғида ўзим бунинг шоҳиди бўлдим.

Мамлакатингизнинг Асосий Қонуни мустақиллик йиллари мобайнида эришилган муваффақиятларга мустақам негиз сифатида хизмат қилгани ҳолда, юксалиш ва тараққиёт йўлидаги янгидан-янги зафарларга пойдевор ҳам бўлади.

Ўзбекистон Президенти томонидан таклиф этилган Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юртингизда юз бераётган ўзгаришларга янгича нигоҳ билан қараш, эришилган муваффақиятларни янада чуқурроқ англаб етиш имконини беришини таъкидлашни истар эдим. Мазкур Концепция Ўзбекистон тараққиёти ва олиб борилаётган ислохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди. Ўзбекистон ва Латвия парламенти вакиллари ўз фаолияти

орқали мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб ўйлайман.

Игорс Апокинс,

Латвиянинг Ўзбекистон Республикасидаги

Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

– Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида Конституциянинг роли ва аҳамияти каттадир. Негаки, фуқаролар манфаатлари давлат манфаатларидан устуворлиги асосий фарқ ҳисобланадиган ушбу ҳужжат асосида мамлакат сўнгги 20 йил давомида тараққий топди ва мустақамланди.

Ўтган йиллар ичида кўп марраларга эришилди – Ўзбекистон замонавий сиёсий тузумни, рақобатбардош иқтисодиётни, бой маданий, илмий ва спорт жабҳасини ривожлантирмоқда. Президент Ислом Каримов ташаббускорлигида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида шундай ҳуқуқий майдон яратилдики, унда инсоннинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатлари асосий устуворлик ҳисобланади. Бу жараённинг замирида, шубҳасиз, мустақил, суверен ва демократик давлатнинг Асосий Қонуни туради.

Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Президенти раҳбарлигидаги комиссиянинг жонқуяр меҳнати самараси ҳисобланади. Мазкур комиссия жаҳон амалиётига мувофиқ келадиган замонавий давлатнинг Асосий Қонунини барпо этишни удалади. Ушбу ҳужжатда умуминсоний қадриятлар билан бирга ўзбек халқининг ноёб миллий анъаналари ҳам тўлалигича ўз аксини топган. Бугун Конституция яратган ҳуқуқий маконга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси азалий анъаналарга, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан ҳурматга, оилавий қадриятлар ҳамда меҳмондўстликка таянган ҳолда очик ва барча янгиликларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўладиган замонавий ҳамжамиятни ривожлантиришнинг ажойиб намунаси ҳисобланади.

Ким Ёнг Гу,

Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг

собиқ депутати, “Шиндонг Рисорсиз”

компанияси президенти:

– Конституция – ҳар қандай давлатнинг асосий қонуни бўлиб, у ўзида демократиянинг инсон ҳуқуқлари муҳофазасини ҳамда мамла-

катда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган меъёрларни мужассамлаштиради. Ўзбекистон Конституцияси барча умум қабул қилинган халқаро талабларга жавоб бергани ҳолда, унда илғор демократик давлатларнинг тажрибаси ҳам ўз аксини топган. Бу, ўз навбатида, республикада тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва эътиқодлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатлари бирдек муҳофаза этилиши учун муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон халқи мустақиллик йиллари мобайнида эришилган муваффақиятлардан фахрланишга ҳақлидир. Халқаро даражадаги юксак обрў-эътибор, барқарор ривожланаётган иқтисодиёт, мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар – буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган сиёсатнинг бевосита маҳсулидир. Давлат тараққиётининг мустаҳкам пойдевори бўлмиш мамлакатингиз Асосий Қонуни бу жараёнда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Конституциясида жамоат ташкилотларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза қилинишига доир моддаларнинг акс этгани мамлакатингиздаги демократик жараёнларнинг муҳим шарти саналади. Кореяда ҳам жамоат ташкилотлари давлат тизимининг муҳим таркибий қисми бўлгани ҳолда мамлакат тараққиётига ўз хиссаларини қўшмоқда.

Муҳаммад Воҳид ул Ҳасан,
Покистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

– Ўзбекистон Конституциясининг пойдеворини ўзбек давлатчилиги ривожланишининг тарихий тажрибасига асосланган давлат ва жамият қурилишининг тамойиллари ташкил этгани ҳолда, улар юртингизнинг миллий анъаналари ва ўзига хос жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихан қисқа муддат мобайнида давлатчиликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ва демократлаштириш жараёнларини изчил равишда чуқурлаштириш йўлида улкан муваффақиятларга эришди. “Обод турмуш йили” дея эълон қилинган 2013 йилда барча ўзбекистонликлар фаровонлигини янада юксалтириш йўлидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар давом эттирилишига ишончим комилдир.

Ли Кёнг Сик,
“The Korea Post” журналининг ношири
ва президенти:

– Сўнги 21 йил мобайнида Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Журналимизда ажойиб мамлакатингиз ва унда ҳаётга татбиқ этилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги мақолалар мунтазам равишда чоп этилади.

Конституция қабул қилинганидан буён ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт модели асосида танлаган йўлининг тўғри эканлиги ўз исботини топдики, бугунги кунда республикангиз собитқадам иқтисодий ўсиш суръатларини намоён этмоқда. Бу эса, давлатингиз раҳбарияти томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган изчил ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилаётганидан ҳамда Ўзбекистон белгиланган марраларга эришиш йўлида ишончли қадам ташлаётганидан далолат беради.

Абдулазиз ибн Хорун,
Малайзиянинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

– Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ютуқлари мамлакат Конституциясида белгиланган тамойилларга риоя қилишнинг натижаси ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни – бу инсоннинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодир бўлган ва демократик тамойилларга тўла мос келадиган адолатли қонун ҳужжатидир. Ушбу ҳужжат мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳамда давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Манал Шах Алкадри,
Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

– Конституция куни байрами алоҳида кўтаринки кайфиятда ва катта хурсандчилик билан нишонланиши чуқур мазмунга эга. Чунки, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришда улкан муваффақиятларга эришди.

Асосий Қонун – бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида демократик ислохотларнинг ҳуқуқий кафолати эканини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат хорижий мамлакатлар конституцияларини ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни пухта ўрганиб чиқиш натижасида, балки ўзбек халқининг кўп асрлик кадриятлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ноёб ҳужжат эканини таъкидламоқчиман.

Шунингдек, Конституция нормалари ва қоидалари ҳаётга изчиллик билан жорий этилаётганини қайд этиш зарур. Ўзбекистонда меҳроқибат ва бағрикенглик ғоялари амалда рўёбга чиқарилмоқда, миллатлараро тотувлик муҳити ҳукмрон, халқнинг ҳаёт даражаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда, юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликнинг кафили ҳисобланишини баралла айтиш мумкин. Сизнинг мамлакатингиз терроризм, экстремизм, наркотрафик ва трансмилий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашда жуда катта ишлар қилмоқда.

Абдурахмон А. Ал Шайа

*Саудия Арабистони Қироллигининг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси:*

– Ўзбекистон Конституцияси мамлакат ҳудудида яшайдиган барча миллатлар ва элатлар вакилларининг тилига, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни ривожлантириш учун шароитлар яратиш тамойилига риоя қилишнинг ишончли кафили ҳисобланади.

Менинг фикримча, Асосий Қонун шахснинг ҳуқуқий маданияти пойдеворини қўяди, шахс ва давлат ўзаро масъулиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Ханите Свобода,

*Европа парламенти депутати, “Европа Иттифоқи –
Марказий Осиё” парламент гуруҳи аъзоси:*

– Ҳуқуқий давлатнинг барча асосий демократик кадриятлари ва тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган. Ўзбекистонда 2010 йилда бўлганимда, изчил амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларнинг, том маънода, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига тўла мос келадиган ҳаётбахш ислохотларнинг салмоқли натижаларини ўз кўзим билан кўрдим.

Давлатингиз томонидан мустақил ривожланишнинг ўтган даврида Конституциянинг асосий қоидаларини имплементация қилиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳокимиятнинг демократик институтлари яратилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фуқаролик жамияти институтларининг роли кучаймоқда.

Ясуши Кацума,

*профессор, Васеда университети декани,
ҳуқуқ доктори (Япония):*

– Ўзбекистон Конституциясининг дастуриламал тамойиллари мамлакат инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича умумий эътироф этилган нормаларни, демократик идеаллар ва ижтимоий адолат тамойилларини ёқлашни жаҳон ҳамжамиятига ёрқин намойиш қилади. Мамлакатингизнинг Асосий Қонунида инсон, унинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддаслиги, уларнинг дахлсизлиги давлатнинг ҳимоясида экани белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари сўзсиз амалга оширилиши кафолатланган. Бу жиҳатдан мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ривожланган тизими яратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга йўналтирилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш Ўзбекистоннинг демократик кадриятларни ёқлашига яна бир мисолдир. Конституцияда мустақамланган тамойиллар асосида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти куриш йўлида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси шакллантирилган бўлиб, у изчил такомиллаштирилмоқда. Ҳаётнинг барча соҳаларида фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётгани диққатга сазовордир.

Кёко Накаяма,

*Япония парламенти юқори палатаси аъзоси,
Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги собиқ элчиси:*

– Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари изчил амалга оширилиши асосида ҳар бир кишининг том маънода

камол топишини таъминлаш бўйича дастуриламал нормалар мустаҳкамланган. Конституцияда, шунингдек, инсонни севиш ва қадрлаш, катталарга ҳурмат, адолатли ва меҳрибон бўлиш сингари ўзбек халқига хос бўлган фазилатлар ўз мужассамини топган. Шу боисдан мамлакатингизда тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон, миллатлараро ва динлараро тотувлик таъминланган.

Бэй Вэньли,

*Шарқий Хитой педагогика университети ҳузуридаги
Халқаро алоқалар ва минтақавий ривожланиш
институтининг директори ўринбосари:*

– Ўзбекистон жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган, мамлакатни ривожлантиришнинг демократик хусусиятларини ва аҳолига том маънода ғамхўрлик қилишни ўзида яққол ифода этган Асосий Қонунини ишлаб чиқди ва қабул қилди. Шу билан бирга, Хитой Ўзбекистоннинг ўз Конституциясида акс этган “Ташқи сиёсат” бобига тўлиқ жавоб берадиган тинчликсевар сиёсатини ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик стратегиясини қўлайди.

Фан Цзюнь,

Шарқий Хитой педагогика университети проректори:

– Мамлакатингиз мустақиллик йилларида жамиятни демократлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида залворли муваффақиятларни қўлга киритди. Ўзбекистонда ҳокимият шохобчаларининг бўлиниши, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини яратиш тамойилини босқичма-босқич жорий этишга катта эътибор берилган. Бугунги кунда юртингизда кучли парламентаризм институти ўрнатилган, давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади. Ҳукумат мамлакатнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиши, аҳолига ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитларини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш бўйича доимий равишда қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланмоқда.

Цянь Сяюнь,

*Шанхай халқаро тадқиқотлар академиясининг Россия
ва Марказий Осиё маркази директори ўринбосари:*

– Конституциянгиз суверен давлатингизнинг “ташриф қоғози”га айланди. У кўп асрлик ўз юридик тарихи анъаналарини ва жаҳон

конституциявий тажрибаси тамойилларини ўзида жамлаган. Таъбир жоиз бўлса, Асосий Қонун – бу Ватанингиз давлат-ҳуқуқий, маънавий-маданий эҳтиёжларининг ва барқарор конституциявий ривожланиш жаҳон тажрибасининг ижодий мужассамидир. Чунки Конституциянгизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эълон қилинган.

Ван Хайян,

*Шарқий Хитой педагогика университети ҳузуридаги
Халқаро ва минтақавий тадқиқотларни чуқурлаштириш
мактаби профессори:*

– Ўзбекистон раҳбарияти Конституциянинг асосий қоидаларига риоя қилар экан, турли миллат вакилларини ягона миллат – Ўзбекистон халқи этиб жипслаштирди, миллатлараро тотувлик, ҳамжихатлик ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромни рағбатлантириб келмоқда. Оқилона ва изчиллик билан амалга оширилаётган тадрижий ислоҳотлар тўғрисида иқтисодиёт ишончли ривожланмоқда. Бундай муҳим омилларни жаҳон ҳамжамияти ҳақли равишда қўллаб-қувватлайди.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давомидир”¹³².

Ислом Каримов

КОНСТИТУЦИЯ ВА КОНЦЕПЦИЯ – УЗОҚ МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯМИЗ

Бугунги кунда Конституциямиз ҳақида сўз юритар эканмиз, Президентимиз уқтирганларидек, энг долзарб, керак бўлса, энг буюк вазифамиз – Олий Қомусимиз белгилаб, муҳраб берган асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборатдир¹³³.

Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими – эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганини бугунги кунда ҳар бир ўзбекистонлик чуқур англаб ва бутун онгу шуури билан ҳис этиб яшамоқда.

Демократлаштириш ва либераллаштириш, биз учун принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлган давлатни шакллантириш, албатта, бу бир-икки йилда ҳал этиладиган вазифа эмас, балки муайян муддат билан чегараланиб қолмайдиган узоқ ва узлуксиз жараёндир.

Шу маънода, ислохотларни босқичма-босқич, изчиллик ва тадрижий ривожланишнинг давомийлиги асосида амалга ошириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, **Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**, Президентимиз таъкидлаганидек, **“ўз моҳият эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда ижтимоий, сиёсий ва иқтисо-**

¹³² Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 7-бет.

¹³³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 151-бет.

дий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегиясидир”¹³⁴.

Бу стратегияни босқичма-босқич жорий этишда, Президентимиз уқтирганидек, учта асосий принципга эътибор қаратиш зарур.

Биринчи принцип. “Амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича биз танлаб олган йўлнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлишини назарда тутган ҳолда, уларнинг узвийлиги, босқичма-босқичлиги ва изчиллигини, бошқача айтганда, тадрижийлигини сақлаш шарт”¹³⁵ эканидир.

Иккинчи принцип. “Концепцияда таклиф этилаётган ислоҳот йўналишлари ўзаро узвий боғлиқ экани ва бир-бирини тақозо этишини ўзимиз учун аниқ ва равшан англаб олишимиз даркор”¹³⁶.

Учинчи принцип. “Ислоҳотларимизнинг маъно-мазмуни ҳар бир онгли фикрлайдиган инсон учун очиқ ва тушунарли бўлган, улар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг амалий ишига айланган тақдирдагина мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг муваффақиятини таъминлашимиз мумкин”¹³⁷.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан баён этилган Концепцияда қуйидаги масалалар энг устувор йўналишлар этиб белгилаб берилган:

Даставвал, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, яъни ҳокимиятни ташкил қиладиган Президент – давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасида мувозанат ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, суд тизимининг мустақиллиги ва либераллашувини кучайтириш бўйича ислоҳотларни давом эттириш даркор.

Шунингдек, ахборот соҳасида фуқаролар ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

¹³⁴ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2012 йил 7 декабрь / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 7-бет.

¹³⁵ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2010 йил 7 декабрь / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 9-бет.

¹³⁶ Ўша жойда.

¹³⁷ Ўша жойда. – 10-бет.

Бундан ташқари, демократик кадриятлар ва инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалда муҳим омилига айланиши зарур бўлган фуқаролик жамияти институтларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш лозим.

Ва албатта, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, фақат кенг миқёсли иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни биз танлаган, ўзини амалда тўла оқлаган тараққиёт моделига ҳамоҳанг равишда давом эттириш иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини, ҳаётимиз сифатини ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради¹³⁸.

Бошқача айтганда, Ўзбекистонимиз яқин ва узоқ истиқболда ўз олдига қўяётган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегияси бўлган ушбу Концепция:

- давлат ва жамият қурилиши соҳасида;
- суд-ҳуқуқ тизимида;
- фуқароларнинг ахборот олиш эркинлигини таъминлаш соҳасида;
- сайлов қонунчилигини янада демократлаштиришда;
- фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришда;
- мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари ва бозор инфратузилмасининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги ўзгаришларни ўз ичига олган.

Мазкур Концепцияда ўз ифодасини топган ушбу ислохотлар, Президентимиз айтганидек, “бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи вазифа эканини биз, албатта, яхши англаймиз”¹³⁹.

Концепция 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган бўлишига қарамай, ўтган 2 йилдан кўпроқ вақт ичида унда кўзда тутилган 50 дан

¹³⁸ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2010 йил 7 декабрь/И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 8-бет.

¹³⁹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2011 йил 7 декабрь/И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 10-бет.

зиёд қонундан 12 таси ишлаб чиқилгани ҳамда қабул қилингани диққатга лойиқдир.

Ўтган 2012 йилда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан 30 та қонун қабул қилинган бўлса, шундан 9 таси Концепцияга мувофиқ тайёрланган. Бу қонунларнинг 28 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди.

Бу ҳақда гап борганда, ҳеч шубҳасиз, 2011 йилда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонун**¹⁴⁰ давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида ғоят муҳим қадам бўлганини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи – Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган бўлиб, амалда аллақачон ўзининг ижобий натижаларини намоён этмоқда.

Айни вақтда шуни унутмаслигимиз керакки, дейди Президентимиз, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир¹⁴¹.

Эътиборли жиҳати шундаки, қабул қилинган қонунлар, энг аввало, конституциявий ислохотларни давом эттиришга пухта ҳуқуқий

¹⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Халқ сўзи, 2011, 19 апрель.

¹⁴¹ Каримов.И.А Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 15-бет.

асос бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, кейинги вақтда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилигининг принциплари ва нормаларига, шунингдек, Олий Мажлисга, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига навбатдаги сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинганини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, 2012 йилда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги Конституциявий қонун¹⁴² ушбу вази­фаларни ҳал этишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу Қонуннинг асосий мақсадига кўра, сайлов жараёнини амалга ошириш ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи тармоқларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этиши учун ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда давлат тузилишини қарор топтириш ва ислоҳ этиш, ҳокимият тармоқлари бўлинишининг конституциявий принципини амалга ошириш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик ҳокимиятининг роли ва ваколатларини кучайтириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда миллий давлатчилигимиз ва халқимиз учун янгилик бўлган эркин бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва қарор топаётган дастлабки йилларда мамлакат Президентига берилган ҳуқуқ ва ваколатларнинг бир қисмини ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тузилмаларига бериш ишлари давлатимиз раҳбарининг бе­восита ташаббуси ва раҳнамолигида изчиллик билан олиб борилмоқда.

Даставвал, илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгалаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг бекор қилиниши ҳамда бу ваколатларнинг Бош вазирга ўтказилиши шу йўлдаги энг муҳим қадам бўлганини таъкидлаш лозим.

¹⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 4-сон, 104-модда.

Яна бир муҳим мисол – мамлакатимизда икки палатали парламент шаклланиши билан Президент ваколатларининг катта қисми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ўтказилганига ва бугунги кунда бу ваколатлар муваффақият билан бажарилаётганига эътибор қаратиш айтиш мумкин.

Ва албатта, фақат кейинги вақтнинг ўзида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг роли ва аҳамиятини ошириш, шу жумладан, унга ижро этувчи ҳокимиятни шакллантиришга қаратилган янги ваколатларни бериш, унинг мамлакатимиз ҳаётидаги назорат қилиш функцияларини кучайтириш бўйича бир қатор янги қонун нормалари қабул қилинганини эсламаслик мумкин эмас.

Шак-шубҳасиз, буларнинг барчаси ва бугунги кунда қўрилаётган бошқа чора-тадбирлар мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида мақсадли, босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Табиийки, бугунги ана шу объектив воқелик, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиғи ва изчиллиги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида”ги Қонунни¹⁴³ қабул қилишни тақозо этди.

Бу ўринда Асосий Қонунимизнинг 90-моддасига ушбу тузатиш давлат бошқарувининг демократик принципларини, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишда Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича мамлакатимизда кечаётган жараёнларни, шунингдек, ривожланган демократик мамлакатларнинг кўпчилигида қабул қилинган давлат қурилиши амалиётини ҳисобга олган ҳолда киритилганини таъкидлаш даркор.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида қонун устуворлигини, қонунийликни, шахснинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликни эркинлаштиришга, судга қадар иш юритиш босқичида суд назоратини мустаҳкамлашга, “Хабеас корпус” институтини татбиқ этиш соҳасини кенгайтиришга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилингани эътиборни тортади.

Концепцияда қайд этилганидек, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблагани, норматив-ҳуқуқий ҳуж-

¹⁴³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 12/1-сон, 344-модда.

жатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этаётган эди.

Шу жиҳатдан, бу соҳада қабул қилинган янги таҳрирдаги **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун**¹⁴⁴ қонунийликни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги, янада самарали механизмларини яратди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Концепцияда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган **“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунни**¹⁴⁵ қабул қилиш таклиф этилган эди ва бу Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган.

Бу Қонуннинг амалга киритилгани қуйидаги имкониятларни беради: **биринчидан**, турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи амалдаги нормаларни тизимлаштиради;

иккинчидан, тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда қонунийликка риоя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини яратади;

учинчидан, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш чоралари самарадорлигини оширади;

тўртинчидан, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини либераллаштиришга шароит яратади.

Бу Қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларнинг умумэтироф этилган амалиётига мос келишини айтиб ўтиш лозим.

¹⁴⁴ “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) // Халқ сўзи, 2012, 25 декабрь.

¹⁴⁵ “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун // Халқ сўзи, 2012, 26 декабрь.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодекси нормаларига кўра, жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар ушлаб турилиши, қамокқа олиниши ёхуд экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилиши мумкин.

Халқаро юридик тажрибани ўрганиш натижалари чет давлатларда ушлаб турилганлар, қамокқа олинганларни сақлаш, шу жумладан, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва тергов ҳибсхоналарининг фаолияти алоҳида қонун билан тартибга солинишини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда эса, бу масалаларни тартибга солувчи махсус қонун бўлмагани сабабли, улар шу пайтга қадар тегишли органларнинг идоравий ҳужжатлари ва бошқа қонуности ҳужжатлар билан тартибга солиб келинган.

Эндиликда **“Жиноят ишини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида”ги Қонун**¹⁴⁶ қабул қилиниб, бу борадаги бўшлиқ ҳам бартараф этилди. Қонунда:

биринчидан, ушлаб турилганлар ва қамокқа олинганлар (тиббий муассасага жойлаштирилганлар)ни сақлаш принциплари ва асослари;

иккинчидан, бундай шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, моддий жавобгарлиги;

учинчидан, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тартиби;

тўртинчидан, қамокда сақлаш жойлари, улар фаолиятининг тартиби, ички тартиби ҳамда мансабдор шахсларнинг ваколатлари;

бешинчидан, рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари;

олтинчидан, қамокда сақлаш жойларида ажратиб қўйиш, қўриқлаш ва назоратни таъминлаш масалалари белгиланган.

Мазкур Қонун тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари фаолиятининг қонуний асослари шаклланишига, қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига, миллий қонунчиликнинг халқаро андозаларга мослашувига замин яратади.

Энг устувор йўналишлардан яна бири — **ахборот тизимини ислоҳ этиш**, хусусан, мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан модернизация қилиш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган ахборот-коммуникация технологиялари ва телевидение тизимида сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган вазифалар амалга оширилди.

¹⁴⁶ “Жиноят ишини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 9-сон, 251-модда.

Шунингдек, 2011–2012 йилларда **“Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”**¹⁴⁷, **“Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”**¹⁴⁸, **“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”**¹⁴⁹, **“Мардлик” орденини таъсис этиш тўғрисида**¹⁵⁰ ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ушбу қонунлар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш каби мақсадларга хизмат қилиши билан ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Концепция доирасида, шунингдек, **“Миллий тикланиш”** демократик партияси фракциясининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”**ги ҳамда **“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”**ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун ҳам қабул қилинди¹⁵¹.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссияларининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг экспертлари, шунингдек, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида кенг муҳокамадан ўтди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида ушбу масала муҳокамасига бағишлаб элликдан зиёд семинар ва давра суҳбатлари, иккита халқаро конференция ўтказилди.

Бу тадбирлар натижаларига кўра, келиб тушган 80 тадан ортиқ таклиф ва тавсиялар умумлаштирилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида АҚШ, Канада, Германия, Фран-

¹⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 4-сон, 96-модда.

¹⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 10-сон, 272-модда.

¹⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 10-сон, 273-модда.

¹⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 9/1-сон, 241-модда.

¹⁵¹ “Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун // Халқ сўзи, 2012, 20 декабрь.

ция, Испания, Жанубий Корея, Япония каби дунёнинг ривожланган мамлакатлари илғор тажрибаси атрофлича ўрганилди.

Қонун қўйидаги асосий янги қоидаларни назарда тутати.

Биринчи янгилик. Сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва унинг бир хилда тушунилишини таъминлаш мақсадида Қонуннинг 27-моддасида “сайловолди ташвиқоти” тушунчаси берилди. Чунончи, “**сайловолди ташвиқоти**” – “**сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият**” сифатида белгилаб қўйилди.

Иккинчи янгилик. Сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги белгиланди (27-модда). Ушбу норма сайловчиларга ўз нуқтаи назарларини аниқлаштириб олиш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, ким учун ва қайси сиёсий партия учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилиш учун қўшимча вақт бериш мақсадида киритилди. Шунингдек, бу норма овоз бериш арафасида турли суиистеъмолчиликлар ва қоидабузарликларнинг юз бериш эҳтимолини бартараф этиш имконини беради.

Учинчи янгилик. Сайловолди ташвиқотининг самарадорлигини ошириш мақсадида, 2004 ва 2009 йиллардаги сайлов кампанияларининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда, ташвиқотни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланди (27-модда). Чунончи, **сайловолди ташвиқотининг қўйидаги турлари** мустаҳкамлаб қўйилди:

– сиёсий партиянинг ўз депутатликка номзодлари учун овоз беришга даъват этувчи дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни тарқатиш;

– депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни унинг учун овоз беришга даъват қилган ҳолда тарқатиш.

Сайловолди ташвиқотининг шакллари сифатида қўйидагилар белгиланди: омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш.

Сайловолди ташвиқотининг усуллари этиб қўйидагилар тақлиф этилди: оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидениедан фойдаланиш, босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ва тарқатиш; сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш.

Бунда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари, усулларидан ҳам фойдаланишлари мумкинлиги белгиланди.

Тўртинчи янгилик. Муддатидан олдин овоз беришнинг муддатлари, тартиби ва тартиб-таомиллари белгилаб қўйилди (41-модда).

Авваллари сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиш ва қарор қабул қилиб, ушбу қарорини ёпик конвертда қолдириш ҳуқуқига эга эди.

Бироқ ушбу нормада муддатидан олдин овоз беришнинг муддатлари, шунингдек, бутун тартиб-таомили назарда тутилмаган. Шу муносабат билан қуйидаги янги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди:

– муддатидан олдин овоз бериш сайловдан 10 кун олдин бошланади ва бир кун қолганида тугатилади;

– муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчилар, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади;

– муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш учун сайловчининг аризаси талаб этилади (унда сайловчининг сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари кўрсатилган бўлади);

– сайлов варақаси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида 2 нафари иштирокида берилади;

– сайлов варақаси конвертга солиниб, муҳр билан ҳамда комиссия аъзоларидан 2 нафарининг ва сайловчининг имзолари билан тасдиқланади.

Ушбу нормада муддатидан олдин овоз бериш тартиби батафсил белгиланган ва у мазкур таомилнинг очиқ-ойдинлигини таъминлаш имконини беради.

Бешинчи янгилик. Қуйидаги янги норма киритилди: **“Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди” (65-модда).**

Бу норма сайловчиларнинг ҳуқуқларини янада яхшироқ ҳимоя қилишга, у ёки бу номзодга нисбатан ноҳолис, янглиш муносабатни ҳамда сайловга оид қонун ҳужжатларининг бузилиши эҳтимolini истисно этишга имкон беради.

Олтинчи янгилик. Кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов бўйича Конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилди (6-модда). Ушбу ҳуқуқий механизм Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатлар сайловининг ошкоралиги ва очиқ-ойдинлигини таъминлаш имкониятини яратади.

Еттинчи янгилик. Қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш имконияти назарда тутилди (8, 32, 33, 38-моддалар). Ушбу норманинг жорий этилиши қамоқда сақлаш жойларида бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишни янада кўпроқ таъминлаш имконини беради.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқроқ амалга оширишга, мамлакатимизнинг сайлов тизимини янада демократлаштиришга, сайлов ташвиқотини олиб бориш жараёнида депутатларга, сиёсий партияларга тенг шароитлар таъминланиши самарадорлигини оширишга, шунингдек, депутатликка сайловнинг ошкоралиги ва очиқ-ойдинлиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жорий, 2013 йилда “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни амалга ошириш доирасида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган 2 та қонунга алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Булардан бири — “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Қонун биринчи навбатда аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини оширишга хизмат қилади. Шу мақсадда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ваколатларини аниқлаштиришга қаратилган нормалар киритилган.

Бу Қонуннинг энг муҳим мақсади — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги функцияларини янада кенгайтиришдир.

Шунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича янги таҳрирдаги Қонунда қўшимча ваколатлар берилган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги кафолатлари мустаҳкамланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш – Қонуннинг энг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига фуқаролар йиғини ҳудудида хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича қўшимча ваколатлар бериш; фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги маслаҳат марказларининг вазифа ва ваколатларини белгилаш кўзда тутилган.

Хусусан, маслаҳат марказларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчилар учун, **биринчидан**, қисқа муддатли курслар ташкил этиши; **иккинчидан**, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот бериши; **учинчидан**, ёшларнинг ишга жойлашишига, уларнинг ташкилотлар ҳамда ҳунармандларга бириктирилишига кўмаклашиши эндиликда қонунлаштирилди.

Шунингдек, Қонунга фуқаролар йиғинида яшовчиларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда кўмаклашиши; тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялардан фойдаланишида, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашиши ҳақидаги қоидалар киритилди.

Бундан ташқари, маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил қилишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фуқаролар йиғини билан ҳамкорлиги ҳақидаги нормалар белгилаб қўйилди.

Қонунда булардан бошқа яна бир қатор янги нормалар ҳам мустаҳкамлангани диққатга моликдир. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мулк ҳуқуқи кафолатларини белгилаш; фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин бўлган ҳолатларни кенгайтириш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштириш кенгашларини шакллантириш тартибини ҳамда уларни тузишга ваколатли органларни аниқлаштиришга доир қондалар шулар сирасига киради.

Янги таҳрирдаги Қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши тайин.

Мазкур соҳада **“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”**ги Қонун (янги таҳрири) ҳам қабул қилинди. Қонун ушбу соҳанинг учта муҳим йўналишига оид вазифаларнинг ечимига йўналтирилган.

Биринчи йўналиш — фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг роли ва масъулиятини янада ошириш.

Бу мақсадда:

бир томондан — сайловни ўтказиш муддатларини белгилашга масъул орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашини белгилаш;

иккинчи томондан — фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркибига тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари киритилиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Иккинчи йўналиш — сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул бўлган органларнинг ваколатларини аниқлаштириш, улар ўртасида вертикал алоқани ўрнатган ҳолда ваколатларини чегаралаш. Бу борада:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан тегишли фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ташкил қилинишини ҳамда

унинг асосий вазифаларини белгилаш, бу – сайловлар ўтказилишининг шаклланган амалиётига мувофиқдир ва сайловларнинг ташкил қилиниши ҳамда ўтказилишининг тизимлилигини таъминлашга қаратилган;

иккинчидан, ишчи гуруҳига ҳовлилар, уйлар, кўчаларда яшовчиларнинг фуқаролар вакиллариини сайлаш юзасидан умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш; сайланган фуқароларнинг вакиллари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)нинг баённомасини тузиш; тегишли комиссияга тақдим этиш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича қўшимча ваколатлар бериш.

Учинчи йўналиш – фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига қўйиладиган талабларни янада кучайтириш.

Қонунда фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) этиб энг муносиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган фуқароларнинг сайланишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар ва чекловлар белгиланган.

Масалан, номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги; фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзоднинг камида беш йиллик ўтроқлик цензи; давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларидаги ёхуд хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги иш тажрибасига эга бўлиши; юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши шулар жумласидандир.

Шунингдек, Қонунга бир қатор бошқа янги нормалар киритилган. Хусусан, фуқаролар йиғини органларини шакллантириш муддатлари аниқлаштирилган; фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодлар сайловнинг бошланишидан олдин фуқаролар йиғини олдидан чиқиш қилиб, келажакдаги ўз фаолиятининг дастурини эълон қилиши белгиланган.

Қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишнинг ошкоралигини кучайтириш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш, шунингдек, сайловларни ўтказиш сифатини оширишга қаратилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, **“Биз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимизнинг келажagini, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий**

курилишини белгилашда, биринчи навбатда, Конституция-мизни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда мулк ва мулкый муносабатлар ҳақидаги принципиал масала доимо эътиборимиз марказида бўлганини таъкидлаш лозим”¹⁵².

Фуқароларимизнинг мулкка доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан, 2012 йил давомида 6 та муҳим қонун қабул қилинди. Жумладан, **“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг¹⁵³** роли ва аҳамияти бағоят катта.

Концепцияда молия-банк тизимини янада ривожлантириш, хусусий банклар ҳамда лизинг, суғурта компаниялари, микрокредит ташкилотлари, шунингдек, бошқа шу каби хусусий мулкчиликка асосланган молиявий ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш орқали мазкур тизимда хусусий мулкка асосланган капиталнинг иштирокини оширишни таъминлаш катта аҳамиятга эга экани таъкидланган. Бундан кўзланган мақсад банк ва молия хизматлари бозорида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва рақобатни кучайтириш, халқаро стандартларга мос бўлган замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланишига шарт-шароит яратишдир.

Шу маънода, **“Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун¹⁵⁴** хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш ва уларнинг фаолияти кафолатларини таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

Бу йўналишдаги яна бир муҳим ҳужжат — **“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг¹⁵⁵** туб моҳияти шундаки, у рухсатномалар бериш тизимидаги асосий тамойиллар ва қоидаларни белгилаб беради. Қонуннинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

¹⁵² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — таракқиётимизнинг муҳим омилдир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2010 йил 7 декабрь / И.А.Каримов. — Т.: Ўзбекистон, 2010. — 25–26-бетлар.

¹⁵³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 9/2-сон, 245-модда.

¹⁵⁴ “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Халқ сўзи, 2012, 18 декабрь.

¹⁵⁵ “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонун // Халқ сўзи, 2012, 21 декабрь.

биринчидан, рухсатномалар бериш тизимини бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштириш имкониятини берадиган меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш;

иккинчидан, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларидан ўтиш шартлари ва тартибларини бир хиллаштириш ва шу билан ушбу соҳани тартибга солувчи қонунчиликни тизимлаштириш;

учинчидан, бошқарув тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатнома бериш тартиб-қоидаларини амалга оширишдаги ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф қилиш;

тўртинчидан, рухсатномалар бериш учун зарур ҳужжатлар ва рухсатномалар бериш муддатлари рўйхатини ўрнатиш йўли билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тааллуқли бошқарув ҳаракатларининг тўлиқ шаффофлигини таъминлаш;

бешинчидан, давлат бошқаруви органлари томонидан қонунда назарда тутилмаган янги рухсатнома ва рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари жорий қилинишини тақиқлаш;

олтинчидан, мансабни суиистеъмом қилиш учун имкониятларни камайтириш.

Президентимиз айтиб ўтганидек, **рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди. Давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги билвонита алоқаси босқичма-босқич жорий этилмоқда**¹⁵⁶.

Айниқса, **“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун**¹⁵⁷ иқтисодиётнинг турли соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли бўлган оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини яратгани эътиборга моликдир. Зотан, бунинг натижасида оилавий тадбиркорларнинг ҳуқуқий кафолатлари анчагина мустаҳкамланди.

¹⁵⁶ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2013 йил 18 январь/И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 29-бет.

¹⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 4-сон, 111-модда.

Бизнесни ташкил этишнинг “**оилавий тадбиркорлик**” шакли бизнесни юритиш борасида юзага келган миллий анъаналарга ва хўжалик фаолиятининг объектив воқеликларига тўлиқ мосдир. Оилавий тадбиркорлик аҳолини иш билан таъминлаш ва халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, оилаларнинг иқтисодий асосларини ва барқарорлигини мустаҳкамлашга доир муҳим масалаларни ҳал этишга хизмат қилиши хусусида ортиқча тўхталиб ўтиришнинг ҳожати бўлма-са керак.

Қонунга мувофиқ, оилавий тадбиркорлик оила аъзоларининг умумий мол-мулки ёки мулкӣ улуши негизида ҳамда оила аъзоларининг бевосита меҳнат иштироки билан ташкил этилган оилавий корхоналар томонидан амалга ошириладиган хўжалик фаолиятининг алоҳида ташкилий-ҳуқуқӣ шакли ҳисобланади.

Қонунда оилавий корхоналарни ривожлантириш ва уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қуйидагилар назарда тутилган:

биринчидан, оилавий корхона иштирокчилари томонидан корхона устав фондини энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаган миқдорда мустақил ҳолда белгилаш;

иккинчидан, оилавий корхона иштирокчиларини ҳисобга олган ҳолда ишчиларининг рўйхатдаги умумий сонини фаолият тури бўйича кичик корхона ва микрофирмалар учун ўрнатилган ишчилар сонига мос ҳолда ҳамда иштирокчилари сони ками билан икки киши бўлишини белгилаш;

учинчидан, оилавий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар жойларни (кўп хонадонли уйларда жойлашган турар жойлар бундан мустасно) нотурар жойларга ўтказиш талабларининг мавжуд эмаслиги, фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардан ташқари;

тўртинчидан, оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин уларнинг тасарруфига келиб тушган фойдага солиқ солишдан озод этиш;

бешинчидан, аҳоли учун назарда тутилган тарифлар бўйича коммунал инфратузилма объектларига уланиш ва коммунал хизматлардан (электр энергияси, газ, сув таъминотидан) фойдаланиш.

Шунингдек, қонунга қўра, оилавий корхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини сотишдан олинган тушумлар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан ҳам озод қилинади. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, бу Қонун-

нинг жорий этилиши оилавий тадбиркорлик соҳасида, айниқса, қишлоқ жойларда барқарор, босқичма-босқич янги иш жойлари ташкил этишни таъминлайди.

Ҳозирги вақтда янги таҳрирда амал қилаётган **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги¹⁵⁸, шунингдек, **“Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”**¹⁵⁹ ва **“Рақобат тўғрисида”**ги¹⁶⁰ қонунлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, бунинг учун зарур ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибадорлигини ва қулайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу, ўз навбатида, юртимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ўзининг натижаларини кўрсатишида муҳим омил бўлмоқда. **Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилгани ҳам буни яққол исботлайди.**

Халқаро ҳамжамиятда катта ақс садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”**ги Қонун давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб берди. Бу Қонун, Концепция ва ёндашувлар Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантиқий давомидир.

Маълумки, Ўзбекистоннинг қарийб 22 йиллик мустақил тараққиёти даврида ҳар томонлама пухта ўйланган ҳамда миллий манфаатларга асосланган, дунёда кенг эътироф этилган ва жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаган ташқи сиёсий йўли шаклланди. Давлатимизнинг ташқи сиёсати ўтган йиллар давомида эришилган амалий тажрибага таяниб, фаол, дадил ва мутаносиб ташқи сиёсий йўлни амалга оширишни талаб этаётган XXI асрнинг тинимсиз ўзгариб бораётган реал халқаро-сиёсий вазиятини ҳисобга олган ҳолда қурилаётганини қайд этиш даркор.

¹⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 5-сон, 133-модда.

¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 10-сон, 271-модда.

¹⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 1-сон, 5-модда.

Ҳозирги кунда глобаллашув ҳамда дунёда вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, сиёсий ва иқтисодий кучлар жойлашувида рўй берётган ўзгаришлар, минтақамиз ва Ўзбекистоннинг ён-атрофидаги таҳдидлар, террорчилик кўринишидаги хавф-хатарлар ва кескинликнинг кучайиши халқаро ва минтақавий воқеликка ўз вақтида ҳамда муносиб жавоб қайтариш мақсадида давлатимиз ташқи сиёсатининг концептуал асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, миллий хавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун имкон қадар қулай ташқи шароитлар яратиб бериш иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаш, унинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат қуриш йўлидаги изчил ҳаракатларни муваффақиятли давом эттиришни талаб этаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг принциплари ва асосий қоидалари ҳақида тўхталганда, қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларига, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигига, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга амал қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

иккинчидан, Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги ҳарбий можароларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек ўз ҳудудида хорижий давлат ҳарбий базалари ва объекллари жойлаштирилишига қўл қўймайди;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Мудофаа тўғрисида”ги Қонунига ва Ҳарбий доктринасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудудининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидагина тузилади ҳамда хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мафкуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўкнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуроли моjarолар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтиришга, ривожланган демократик давлатлар сафидан ўрин олишга, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишга кўмаклашади.

Бинобарин, Президентимиз таъбири билан айтганда, **“минтақамизда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узок ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ана шундай ташқи сиёсатгина халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади”**¹⁶¹.

Бу ҳақиқатни кенг жамоатчилигимиз яққол тушуниб-англаб, қалб тубидан эътироф этиб турибди. Айни шу боис ҳам барча юртдошларимиз мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини тўла қўллаб-қувватламоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида”** белгиланган вазифалар ижроси борасида жорий йилда олдинги йиллардагидан ҳам залворли ва масъулиятли ишлар бошланиб кетди.

Айни вақтда 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб

¹⁶¹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2012 йил 7 декабрь / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 15-бет.

чиқилаётгани ва муҳокама этиш босқичидан ўтаётгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун, айниқса, муҳимдир”¹⁶².

¹⁶² Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2012 йил 7 декабрь / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 11-бет.

“Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”¹⁶³.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 14-модда

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ ВА ОБОДЛИК ДАСТУРИ

Президентимиз 2013 йилни мамлакатимизда **“Обод турмуш йили”** деб эълон қилиш асносида таъкидлаганидек, **“обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади”¹⁶⁴.**

Ҳақиқатан ҳам, “обод” деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз.

Обод деганда – кўркам бинолар, чиройли кўчалар, боғу роғлар билан гўзаллик касб этган, гуллаб-яшнаган юрт кўз олдимизда гавдаланади.

Обод деганда – ишлов берилган, яхши қаров, парвариш кўрган гўшаларни тасаввур этамиз.

Обод деганда – халқ кўп йиғиладиган, гавжум ва серфайз манзилларни англаймиз.

Обод деганда – инсоннинг хурсанд, шоду хуррам бўлишдек рухий-маънавий ҳолатини, яъни бахтиёрлик кайфиятини ҳис этамиз.

Ободлик ва Бахт. Она тилимизда “бахт” сўзи тақдир, насиба, улуш, омад, толе, иқбол, саодат, маъмурлик, қут-барака каби маъноларни англатади. Бахт – бу ҳаётдан, турмушдан тўла мамнунлик, муродга етганлик ва беармонлик ҳолати. Бахт – кишининг ўз ҳаёти бекам-қўстлигидан ва муайян маъно касб этганидан, орзу-умиди ушалганидан ҳосил қиладиган қаноати.

Бахтга азалдан ҳаётнинг асосий мақсади, кишилар интиладиган маъмурликка эришилган ҳолатнинг шод-хуррамлик тимсолидаги энг

¹⁶³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 5-бет.

¹⁶⁴ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 26-бет.

юксак кўриниши сифатида қаралган. Бинобарин, **инсон ҳаётининг олий мақсади – бахтга эришишдан иборат.**

Ўз навбатида, инсоннинг бахтли бўлиши унинг соғлиғи, иродаси, ҳаётининг мазмунли ўтишига боғлиқ. Инсон юксак жисмоний камолотга эришиш йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий комилликка ҳам жаҳд қилса, шубҳасиз, ўзи интилаётган бахт-саодатга эришади.

Бахт тушунчаси улуғланган мана бу иккита иқтибосга эътибор беринг:

Биринчиси: **“Эй, Темур!.. Агар подшо бўлиб келган бўлсанг – бизга бахт ато эт!”**¹⁶⁵ (Юртбошимизнинг Тошкентда СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий советларнинг халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган кенгашдаги маърузасида келтирилган Амир Темур ҳақидаги ривоятдан, 1990 йил 24 февраль).

Иккинчиси: **“Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади”**¹⁶⁶ (Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан, 2012 йил 7 декабрь).

Ушбу иқтибослар айtilган оралиқ муддат – қарийб 22 йилни ташкил этади. Бу орада **бахт қуши – Ҳумо мустақил давлатимиз рамзига айланди** ва бемисл ардоқ топди. Элимиз ягона, ҳам-жиҳат Ўзбекистон халқи бўлиб жипслашди ва ўз суверен Давлатининг мадҳиясини аҳил, баралла куйламоқда: **“Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот...”**

Президентимиз томонидан тасдиқланган ва юртимизда изчил амалга оширишга киришилган **“Обод турмуш йили” Давлат дастури**¹⁶⁷ замирида ҳам эришган ютуқларимизни янада кўпайтиришга қаратилган улуввор мақсад ва режалар мужассам.

Давлат дастури саккизта бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлим мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровон-

¹⁶⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 56-бет.

¹⁶⁶ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 26-бет.

¹⁶⁷ Халқ сўзи, 2013, 21 февраль.

лигини изчил юксалтиришга қаратилган амалий-чора тадбирларни қамраб олган.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида **“Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”** каби ўндан ортиқ янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш белгиланган.

Бу қонунларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, жамиятимиз фаровонлигини изчил юксалтиришга хизмат қилади.

Давлат дастурининг иккинчи бўлими – аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари узлуксиз ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолига, аввало, ижтимоий муҳтож қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан мақсадли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган амалий чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

Ҳар бир одам бой бўлса, мамлакат обод бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил яқунларига бағишланган мажлисида Президентимиз томонидан шундай рақам келтирилди: **Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012 йилда атиги 8,0 баробарни ташкил этган**¹⁶⁸. Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, мамлакатимизда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчан самарасидир.

Энди бу рақамни бошқа бир факт билан муқояса қилайлик: БМТ маълумотларига кўра, сайёраимиздаги энг бой уч кишининг сармояси қарийб 600 миллион киши истиқомат қиладиган 48 та энг қашшоқ мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотидан ҳам кўпроқ экан. Қолаверса,

¹⁶⁸ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2013 йил 18 январь / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 32-бет.

дунёда ҳар йили очликдан 20 миллион одамнинг қирилиб кетиши, 1 миллиард 200 миллиондан ортиқроғининг тўйиб овқатланмаслиги халқаро ҳамжамиятни ташвишга солмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб деб билган¹⁶⁹. Бу жуда аҳамиятли кўрсаткичдир. Нега деганда, ўрта синф улушининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустақамлиги, одамларнинг ўз келажагига бўлган ишончининг муҳим омили ҳисобланади.

Давлат дастурида бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини 2013 йилда камида 23 фоизга ошириш, Давлат бюджети сарфларининг 60 фоизини ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирган ҳолда, ижтимоий соҳа муассасаларининг молиявий таъминотини янада мустақамлаш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини кучайтириш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгилангани ҳам юқоридаги фикримизни яққол тасдиқлайди.

Дастурда, шунингдек, 972,7 минг иш ўринлари яратиш, 13 мингта янги юқори технологик иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек, касб-ҳунар коллежларини 2012/2013 ўқув йилида битирган тахминан 500 минг нафар битирувчи бандлигини таъминлашдек ниҳоятда муҳим ва масъулиятли вазифалар кун тартибига қўйилган.

Давлат дастурининг учинчи бўлими – аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташҳис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, хасталикларнинг олдини олишни кенгайтириш ҳамда уларни даволашнинг янги технология ва услубларини жорий этиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш, пировардида фуқаролар, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш масалаларига қаратилган.

Тарихдан аёнки, **халқ соғлиги – юрт бойлиги**, деган мақолга шавкатли аждодимиз Амир Темур хазратлари қатъий риоя этган. Халқ ёппасига саломат бўлса, юрт обод, тинч-фаровон бўлади, деган ақидадан келиб чиққан Соҳибқирон ҳакимлар, табибларни, яъни халқ саломатлиги посбонларини ҳурмат қилган, уларнинг меҳнатини эъзозлаган.

¹⁶⁹ Ўша жойда. – 33-бет.

“Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир” – бу ҳикматли шиор шавкатли бобокалонимиз маънавияти бебаҳо дурдоналаридан бир шингил, холос. Амир Темур маънавияти улкан манба, туганмас булоқ бўлиб, ҳозирги кунда миллий ғоя ва юксак маънавият тамойилларини ҳаётимизга кенг жорий қилиш йўлида, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Юртбошимиз ташаббуси билан кенг қамровли ҳаётбахш ислоҳотлар доирасида тиббиёт соҳалари ходимларига алоҳида эътибор, эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимизнинг изчил сиёсатиغا айланди. Бунинг натижасида мамлакат миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилиб, улкан ижобий ютуқларга эришилмоқда.

Мамлакатимиз 2011 йилда “Болаларни асрайлик” халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 давлатдан иборат жаҳон рейтингда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич бўйича Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ каби энг ривожланган давлатлардан олдинда эканимиз ҳам шуни яққол намоён этмоқдаки, буларнинг барчаси мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида юртимизда олиб бораётган эзгу ишларимизнинг юксак самараларидир.

Репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди¹⁷⁰.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ўзининг 2011 йил 25–26 ноябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган нуфузли халқаро анжумандаги нутқида эътироф этганидек: **“Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди”**.

Мамлакатимиз раҳбари **“Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “соғлом она –**

¹⁷⁰ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2013 йил 18 январь / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 18-бет.

соғлом бола” мавзuidaги ушбу халқаро симпозиумнинг очилишидаги нутқида бу муваффақиятларимизнинг омиллари ҳақида атрофлича тўхталиб, мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишни давом эттириш ва янгилаш имконини бераётган мустаҳкам пойдевор яратилганига анжуман иштирокчилари эътиборини қаратди.

Юртимизда, аввало, энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва уларнинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат аҳолига бепул, юқори малакали шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва ноёб ягона тизим шакллантирилди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг устувор вазифаларидандир.

Шу маънода, Тошкент халқаро симпозиуми ўтганидан кейинок, яъни 2011 йил 28 ноябрь куни Президентимизнинг **“Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори** эълон қилингани бежиз эмас. Бу қарор соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакл ҳамда услубларини жорий этишга қаратилган.

Давлат дастурида кишиларимизда ўз соғлиғини сақлашга тўғри муносабатда бўлишга ва соғлом турмуш тарзи маданиятига йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш вазифаси ва шу доирада амалга ошириладиган тадбирлар устувор ўринда турибди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Давлат дастурунинг тўртинчи бўлими — ўсиб келаётган ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук — баркамол қилиб тарбиялаш, кадрларни касбий жиҳатдан ҳозирги замон даражасида тайёрлаш, келгусида таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкам-

лаш борасида олиб борилаётган барча ишлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларни назарда тутати.

Истиқлол йилларида баркамол авлод орзуси биз учун энг эзгу мақсадга, таъбир жоиз бўлса, энг савобли ишга айланди. Бугун барча эзгу ишларимиз бошида эл-юрт келажагига бевосита дахлдор ана шу масала турибди. Маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш истиқлол сиёсатининг узвий қисми ҳисобланади.

Инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш – изчил иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир. Шу мақсадда жорий йил Давлат дастурида жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, замонавий ҳунарларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш, таълим даражасини янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг ҳар томонлама самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 умумтаълим мактабини, 159 академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини капитал таъмирлаш, 55 мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 116 болалар спорт объектини, олий таълим муассасалари тизимидаги 45 иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланади. Шу билан бирга, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда ушбу жараённинг маънавий-ахлоқий жиҳатига эътибор қаратиш, уларда миллий ғурур, ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишлар доирасида 2013 йилда ёшларнинг касбий кўникма ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари фаолият кўрсатади, болалар ҳамда ёшларнинг фойдали ва маданий дам олишини ташкил этиш янада юқори даражага кўтарилади.

Давлат дастурининг бешинчи бўлими – халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш, замо-

навий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чоратадбирлар мажмуидан иборатдир.

Мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда. Албатта, бу каби ижобий омиллар аҳолимизнинг руҳиятини кўтариб, ишчанлик, бунёдкорлик қайфиятини кучайтирмоқда, юртдошларимизнинг келажакка ишончини янада оширмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир.

Шундай амалий ёндашув билан мамлакатимизда бошқа кўплаб соҳалар қатори демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда фаол иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш зарурлигига доимо жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Дастурда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, энг аввало, уларнинг аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича коммунал ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борадиган вазифаларини белгилаш кўзда тутилган.

Инвестиция ва саноат соҳасидаги фаол сиёсат натижаси сифатида мустақиллик йилларида юртимизда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар ишлаб чиқарадиган янги автомобиль заводлари ташкил этилди. Жаҳондаги етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, ўнлаб тўқимачилик мажмуалари барпо этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди.

Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортIGINи хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир¹⁷¹.

Яъни, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Давлат дастурининг олтинчи бўлими – маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги, шунингдек ёш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллалар ва аҳоли турар жойларининг ташқи кўринишини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид масалаларни ҳал этишдаги роли ва аҳамиятини оширишга доир вазифаларни ўз ичига олган.

Ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти – бу аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир. Шу ўринда истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳалла Уйғониш даврига қадам қўйганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бунинг билан миллий ва маънавий кадриятларимизни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, юртимиз маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, маҳаллаларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан

¹⁷¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2013 йил 18 январь / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 7-бет.

қўллаб-қувватлаш мақсадида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок, яъни 1992 йил 12 сентябрда Президентимизнинг фармониغا мувофиқ Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ташкил этилгани яққол тасдиқлайди.

Ҳуқуқий асосларга келсак, авваламбор, **Асосий Қонунимизнинг 105-моддасида маҳалланинг конституциявий мақоми мустаҳкамлаб қўйилди**¹⁷². Ҳозирги кунда маҳаллалар фаолиятини ҳуқуқий кафолатлашга қаратилган 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд ва улар мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг 2011 йил декабрь ойида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида 2006–2011 йилларда амалга оширилган ислохотлар самаралари, эришилган марра ва ютуқлар чуқур танқидий-тахлилий муҳокама этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Конференцияда “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгилаб берилган энг муҳим вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада **“Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг 2012–2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат режаси”** қабул қилингани муҳим роль ўйнайди.

Бугун юртимизда 10 мингдан зиёд маҳалла фойлият кўрсатмоқда. Аввал маҳаллий давлат бошқаруви идоралари зиммасида бўлган 30 дан ортиқ ваколатлар маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилмоқда. Айниқса, юртимиз бўйлаб **маҳалла гузарлари – мустақиллик даври архитектурасининг ўзига хос намунаси** бўлган қанчадан-қанча шарқона бинолар қад ростлади. Қисқача айтганда, ўтган даврда **маҳалла – миллий демократия дарсхонасига, ўзлигимизни, миллий турмуш тарзимизни намоён этувчи фуқаролик жамияти институтига, том маънода, энг фаол, адолатли ва таъсирчан тизимга айланди.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар аҳолининг эҳтиёжманд катламларига, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга, жисмоний имконияти чекланган ва ёлғиз қарияларга чинакам меҳр-мурувват кўрсатиш, оилалар мустаҳкамлигини

¹⁷² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 29-бет.

таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, энг асосийси, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

“Маҳалла – халқ виждони” деган ҳикмат бежиз туғилмаганини таъкидлаш лозим. Табиийки, бу таъриф одамларнинг дардини, кундалик ўй-ташвишларини яқиндан тушунишда, уларнинг оғирини енгил қилишда энг халқчил идора бўлган маҳалла тизимига нисбатан юксак ишонч, демакдир.

Ўзбекистонда маҳалла институтига фуқаролик жамияти тизимидаги ҳал қилувчи бўғин сифатида қаралаётганининг муҳим сабабларидан бири шундаки, маҳаллалар давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича кенг қонуний ваколатларга эга.

Давлат дастурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нуфузини янада ошириш бўйича белгиланган бир қатор, шу жумладан, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг намунавий лойиҳалар асосида маҳаллаларни ободонлаштириш бўйича ҳудудий тадбирлар режаларини тасдиқлаш, маҳаллалар ташқи кўринишини яхшилаш, аҳолининг дам олиши, эстетик тарбия ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш каби бир-биридан муҳим чораларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши бу борадаги ютуқларимизни янада ошириши тайин.

Давлат дастурининг еттинчи бўлими – оила мустаҳкамлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, аёлларнинг оила ва жамиятда тутган роли ва ижтимоий мақомини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ўстириш, иктисодиётнинг турли тармоқларида аёллар фаолиятини кучайтириш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш орқали уларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ўзига камрайди.

Мамлакатимизда 2012 йил эзгу ният ва олижаноб орзу-мақсадларга тўла **“Мустаҳкам оила йили”** деган ном билан ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги қарорига мувофиқ, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тасдиқланди ва изчил амалга татбиқ этилди. Бу Дастурнинг ижроси, унда белгиланган кенг қўламли чора-тадбирларни бажариш натижалари ҳақида сўз борганда, биринчи навбатда, оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш

ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда давлат ва жамият аҳамиятига молик шу каби кўплаб йўналишларда эришилган залворли ютуқлар Президенти-мизнинг **“Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир”** мавзусидаги маърузасида аниқ рақам ва далиллар тимсолида ўзининг ёрқин тасдиғини топган. Хусусан, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларида зиёд маблағ сарфлангани, ҳеч шубҳасиз, бу йўналишда амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нақадар кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради¹⁷³.

Ўзбекистон Президенти оила институтини юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига доимий эътибор бериб келаётгани бежиз эмас. Нега деганда, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, **оила ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир**. Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”**¹⁷⁴.

1997 йилдан мамлакатимизда ҳар йилни муайян ном, яъни йўналиш билан белгилаш анъанаси бошланди. Энди бир эслайлик-чи, шундан неча йилни оила билан боғлаб номлаш амалга оширилди экан?

Хусусан, 1998 йил бевосита **“Оила йили”** деб эълон қилинди. 1999 йил – **“Аёллар йили”** деб аталгани билан, аниқки, оиланинг асосий ўзаги – аёл. Эски ўзбек тилида, жумладан, Алишер Навоий асарларида “аҳли аёл” деган сўз бирикмаси кўп ишлатилади. Бу

¹⁷³ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2012 йил 7 декабрь / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 24-бет.

¹⁷⁴ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 56-бет.

хозирги “оила аъзолари” тушунчасига тўғри келади. 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил эса – “Она ва бола йили” деб аталди. Мантиқан, бу йиллар ҳам оила йилидаги йўналишнинг амалий давоми эди, десак, янглишмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилгани, шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борада тегишли мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилгани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Асосий Қонунимиздаги 4 та моддадан иборат алоҳида боб (XIV боб) оилага бағишланган¹⁷⁵. Жумладан, Конституциянинг 63-моддасида белгиланганидек, **“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”**. Конституциямизнинг 64-моддасида **“Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур”** деган қоида мавжуд бўлса, 66-моддада **“Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”**¹⁷⁶ деган норма мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу конституциявий қоидалар осмондан тушган эмас, албатта. Бинобарин, ўзбек халқи азал-азалдан болажон, оилапарвардир. Халқимиз бола тарбиясида нафақат меҳр кўрсатиб, уст-бошини бут қилади, балки ёшлигидан болани миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида тарбиялашга интилади.

Тарбия хусусида таниқли ўзбек педагоги, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний шундай дейди: **“Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё фалокат, ё саодат – ё ҳалокат масаласидир”**. Ушбу хикматли фикрдан ҳам кўриниб турибдики, шахс тарбияси хусусий иш эмас, балки ижтимоий, миллий ишдир. Зеро, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, айниқса, маҳалла тизими билан, умуман, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш масаласига давлат сиёсатининг энг

¹⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 12-бет.

¹⁷⁶ Ўша жойда.

муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келин-моқда.

Давлат дастурининг саккизинчи бўлими – “Обод турмуш йили” дастури мақсад ва вазифалари тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этишга доир вазифалардан иборат.

Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг юқоридаги мухтасар таҳлили ҳам шуни яққол кўрсатиб турибдики, бу ҳаётий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ғоятда теран талқин ва тарғиб этишимиз даркор. Зотан, барча ҳаракат ва интилишларимиз негизида, авваламбор, юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам.

Президентимиз таъкидлаганидек, **“Айни шундай орзу-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай ғоя ва интилишни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда ғоят муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”**¹⁷⁷.

¹⁷⁷ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2012 йил 7 декабрь/ И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 27-бет.

“Конституциямиз – Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажакини, янгидан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз”¹⁷⁸.

Ислом Каримов

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ *(хотима ўрнида)*

Конституциямизнинг бош ташаббускори ва муаллифи – Президентимиз Ислом Каримов асарлари, маъруза ва нутқларида мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимизнинг наинки туб мазмун-моҳияти, айни чоғда буюк тарихий аҳамияти атрофлича ва теран тавсифлаб берилган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс ва тарихий ролини, мухтасар қилиб айтганда, қуйидагиларда кўрамыз:

Биринчидан, конституциямизнинг том маънодаги тарихий аҳамияти **“биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик таъминлар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнаан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида”¹⁷⁹** намоеън бўлади.

Иккинчидан, асосий халқаро ҳужжатлар, айниқса, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг энг муҳим қондаларини

¹⁷⁸ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 63–64-бетлар.

¹⁷⁹ Ўша жойда. – 6-бет.

Ўзида мужассам этган ҳолда, **“Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди”**¹⁸⁰.

Учинчидан, Бош Қомусимиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини, шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди. Президентимиз таъбири билан айтганда, **мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси – қонун чиқариш фаолиятимизнинг гултождир.**

Тўртинчидан, Асосий Қонунимиз хилма-хил фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади. Конституциямизда сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатлари, ҳар қайси инсоннинг ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилгани таҳсинга сазовордир.

Бешинчидан, мустақиллик Қомусимиз миллий истиқлол ғоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлагани, “инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар”¹⁸¹ яратгани билан ҳам ғоятда аҳамиятлидир.

Олтинчидан, Асосий Қонунимиз миллий, кўп укладли иқтисодийтимиз асосларини мустаҳкамлади, ўзини оқламаган, бутунлай касодга

¹⁸⁰ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 6-бет.

¹⁸¹ Ўша манба, 7-бет.

учраган марказлашган маъмурий-тақсимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қатъият билан ўтиш учун шароит яратиб, хусусий мулкнинг устуворлигини ўрнатди. Бунинг бемисл натижаларини халқимизнинг бугунги обод ва фаровон ҳаёти мисолида кўриш мумкин.

Еттинчидан, Конституциямиз миллий хавфсизлик ва мудофаа органлари тизимининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши, ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини давлатимиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимизнинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдиган мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомининг ҳуқуқий асосларини белгилаб бергани – унинг беқиёс тарихий аҳамиятига яна бир яққол мисол, десак, айни ҳақиқатдир.

Мухтасар айтганда, **Конституция – халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи**. Зотан, айнан Асосий Қонунимиз суверен давлатимизнинг ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди.

Бугун, вақт ўтиши билан, ҳаётнинг ўзи, мамлакатимиз эришаётган юксак марралар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган, халқимизнинг орзу-умидлари, бугунги ва келажак манфаатларига жавоб берадиган қоида ва принципларнинг нақадар тўғри эканини исботламоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Ўтган давр мобайнида халқимиз сиёсий тафаккури, ақл-заковатининг кўзгуси бўлмиш Конституциямизнинг ҳаётий негизи нақадар мустаҳкам эканига, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва айни пайтда умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос келишига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилдик”**.

Ҳақиқатан ҳам, юртимизда ҳуқуқий демократик ва очиқ фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий Қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.

Конституция – биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя.

Конституция – нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истикболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир.

Шундай экан, **жамиятимиз ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланимасига айлантиришимиз даркор.**

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Тошкент, Ўзбекистон, 2012. – 40 б.
2. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, 2012 йил 7 декабрь. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 30 б.
3. Каримов И.А. Танланган асарлар тўплами // 20 жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 1996 – 2012.
4. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажакимизнинг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 174 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
7. Каримов И.А. Ватанга қасамёд, мардлик ва жасорат мадҳияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 23 б.
8. Ислом Каримов Конституция тўғрисида // Тузувчилар: А. Саидов, У.Таджиханов. – Тошкент: Академия, 2001. – 156 б.
9. Саидов А.Х. Конституция Республики Узбекистан: подготовка, принятие и тенденции развития. – Ташкент, “Адолат”, 2012. – С. 31.
10. Конституциямиз – буюк ҳаёт қомусимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари асосида тайёрланган маънавий-маърифий шиор ва даъватлар юзасидан тавсиялар // Тузувчи: Ф. Мирзо, масъул муҳаррир: Қ. Қуронбоев. – Тошкент, Академия, 2012. – 16 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: мустақил ва демократик тараққиётнинг ҳуқуқий асоси // А.Х. Саидов. – Тошкент, Ўзбекистон, 2012.
12. Демократик ва халқчил қомус: тарғиботчилар учун қўлланма // А. Саидов, Ф. Мирзаев. – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, 2012. – 19 б.
13. Конституция ва маънавият // Ф. Мирзо. Тошкент: Маънавият, 2012. – 48 б.
14. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 12-том.

15. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Тошкент: Адолат, 2011.
16. Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли лугати. Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
17. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 – 2010) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011 – 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
18. “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали, 2012 йил, 1, 2, 3, 4-сонлар.
19. “Халқ сўзи” газетаси, 2000 йил 8 декабрь, 2012 йил 4 октябрь, 2013 йил 19 январь.
20. “Ишонч” газетаси, 2012 йил 22 ноябрь.

М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима	3
Конституциямизнинг яратилиш тарихи (Мустақиллик Қомуси сари ўн ҳуқуқий қадам)	6
Ўзбекистон конституциявий давлат қуриш йўлида	17
Хавфсизлик, ҳамкорлик ва барқарорликнинг ҳуқуқий асоси	32
Конституция ва фуқаролик жамияти	45
Конституция ва иқтисодиёт: “ўзбек модели”	57
Инсон ҳуқуқларининг кафолати	69
Конституция ва ҳуқуқий маданият	80
Конституция ва маънавият	97
Халқ ва армия – якдил	108
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – хорижий экспертлар нигоҳида	117
Конституция ва Концепция – узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегиямиз	132
Бахтимиз қомуси ва ободлик дастури	154
Конституциямизнинг тарихий аҳамияти (хотима ўрнида)	168
Фойдаланилган адабиётлар	172

А.Х. Саидов, Ғ. Мирзо

**ЎЗБЕКИСТОН
КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ДАВЛАТ САРИ**

Ўзбек тилида

Мухаррирлар: *А. Омонов,
 Г. Ортиқхўжаева*

Техник муҳаррир: *А. Аҳмедов*

Компьютерда
саҳифаловчи: *Ш. Расулов*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги
“Адолат” нашриёти. Нашр. лиц. АИ № 228, 16.11.2012.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефон: (371) 233-94-36, 233-81-53.
Факс: (371) 233-84-80, 233-67-65.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz
adolatnashr@inbox.uz

Теришга берилди 10.03.2013 й. Босишга рухсат этилди 01.05.2013 й.
Қоғоз бичими 60x90 ¹/₁₆, “AntiquaUz” гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 11,0.
Нашриёт ҳисоб табоғи 10,25. Адади 10000 нусха.
...-буюртма. Нархи шартнома асосида.

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент ш., Шайхонтоҳур кўчаси, 86-уй.**